

*Республикаси Олий ва Ўрта
махсус таълим Вазирлиги*

*Муқумий номидаги Қўқон Давлат Педагогика
Институти*

доцент Зуфарова М.Э. психология фанлари номзоди

Педагогик психология

Педагогика Институтларининг кундузги ва сиртқи
махсус гуруҳ талабалари учун

Ўқув қўлланма

Фарғона — 2007 йил

Муқаддима.

Ушбу қўлланма тўрт қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми педагогик психологиянинг предмети, вазифалари ва методларига бағишланади.

Иккинчи қисмида таълим психологияси масалалари: ўрганиш, ўргатиш, ўқувчиларни билиш фаолиятини бошқариш, ўқиш мотивлари, унга таъсир этувчи омиллар, таълим жараёнида билим ва тушунчаларни, ижодий тафаккурни, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши кабилар баён этилган.

Учинчи қисмида тарбия психологиясининг масалалари: уни мақсадга қаратилганлиги, фаолият шахсни шакллантириш асоси эканлиги, умуминсоний ва миллий бойликларни шахс шаклланишидаги роли, болалар жамоаси ва унинг тарбиявий имкониятлари, тарбияси “қийин” болалар билан ишлаш, маънавий онг ва хулқ-атвор бирилиги, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари қамраб олинган.

Тўртинчи қисмида ўқитувчининг жамиятда тутган ўрни, унинг касбий хислатлари, миллий мактаб ўқитувчиси, ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатлар, педагогик маҳорат, педагогик жамоа ва ундаги психологик иқлим имкон даражасида ёритилган.

Ушбу қўлланма университет ва педагогика институти кундузги ва сиртқи махсус гуруҳ талабалари, ёш ўқитувчилар, магистрантлар, аспирантларга мўлжалланган.

Қўлланмани асосий вазифаси ёш ўқитувчиларга ва педагогика институтида кундузги ва сиртдан махсус гуруҳларда таълим олаётган талабаларни педагогик психологиянинг асосий масалалари билан таништириш ва уларга методик ёрдам кўрсатишдан иборат.

Педагогик психологиянинг предмети, вазифалар ва методлари.

Республикамиз ўз мустақил тараққиёт йўлини танлаган давридан бошлаб Ўзбекистонда психология фани ҳам кенг тармоқларда ривожлана бошлади. Психология фанининг турли соҳаларида олимларимиз баракали хизмат қила бошладилар. Шунингдек, педагогик психология фанига ҳам бошқа психология фанлари каби эътибор кучайиб бормоқда.

Педагогик психология фани қандай фан?

Педагогик психология педагогика ва психология фани орасидаги, яъни уни туташган жойидан ўрин олган фандир. Педагогик психология таълим-тарбиянинг психологик қонуниятларини, мактабда билимларини, кўникма ва малакаларини эгаллаш, бу жараёнларда содир бўладиган индивидуал-психологик тафовутларни, ўқувчиларда фаол, ижодий ва мустақил тафаккурини таркиб топишини, таълим-тарбия таъсири билан ўқувчилар психикасида содир бўладиган ўзгаришларни ўрганади. Шунингдек ўқув материалларини ўқувчиларга мос келиши, таълим усулларини психологик жиҳатдан самарадорлиги, дарслик ва ўқув дастурлари, кўргазма материалларига қўйилган талаблар, ўқитувчи ва унинг педагогик фаолият усулларини, ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муносабатларни ўрганиш ҳам педагогик психологиянинг муаммоларидир.

Демак, педагогик психология фани таълим ва тарбиянинг шахсга самарали таъсир этувчи омиллари, қонуниятлари ва механизмларини ўрганади. Унинг диққат марказида билимларни ўзлаштириш, ўқувчи шахсини ҳар томонлама шакллантириш жараёни туради. Турли ижтимоий тажрибаларнинг қонуниятларини ва у индивиднинг тажрибасига айланиши жараёнини ёритиб беришдан иборатдир.

Болани шахс сифатида шакллантириш, тарбиялаш, тарбия воситалари, усуллари педагогика фанига таалукли бўлса, бола психикасининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ривожлантириш хусусиятлари, қонуниятлари психология фанига таалуклидир. Боланинг психик ривожланиши хусусиятларини билмай туриб, уларни қалбига йўл топиш, уни билимли қилиш, комил инсон қилиб тарбиялаш жуда қийин. Таълим ва тарбия бола тараққиётида бирга амал қилади, шунингдек, унга таълим –тарбия берувчи шахс муҳим аҳамият касб этади.

Таълим-тарбия жараёнининг қандай ташкил қилиниши ҳам шуларга боғлиқ.

Педагогик психология болани таълим-тарбия жараёнида ўрганар экан унинг ўрганиш объекти кичик мактаб, ўсмир ва ўспиринлик ёши бўлиб, педагог таъсирида таълим ва тарбия жараёни мақсадга мувофиқ равишда уюштирилади.

Педагогик психология уч қисмдан иборатдир.

- 1 Таълим психологияси.
- 2 Тарбия психологияси.
- 3 Ўқитувчи психологияси.

Таълим психологияси - ўргатиш ва ўрганиш, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш, ақлий тараққиётини шакллантириш, ўқув фаолияти мотивлари, таълим жараёнига таъсир этувчи омиллар, кўникма, билим ва малакаларини шакллантириш, илмий тушунчалар ва ижодий тафаккурни таркиб топтириш каби масалаларни ўз ичига олади.

Тарбия психологияси - тарбиянинг шахсни шакллантириш мақсадига қаратилганлигининг психологик муаммолари, фаолият одамни шахс сифатида шакллантириши муаммолари, тарбиянинг психологик механизмлари, ижтимоий-фойдали фаолият тарбиянинг муҳим шарти ва воситаси эканлиги, умуминсоний ва миллий бойликлар ва уларни шахсни шакллантиришдаги роли, тарбияси “қийин” болалар билан ишлаш масалаларини ўрганади.

Ўқитувчи психологияси-ўқитувчининг жамиятда тутган ўрни, ўқитувчига хос касбий сифатлар, унга қўйилган талаблар, педагогик қобилият, ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатлар, педагогик маҳорат ва педагогик тактнинг психологик асослари, педагог ва жамоа, ўқитувчилар билан муносабат каби масалаларни ўрганишдан иборатдир.

Педагогик психология ўз изланишларида тараққиётнинг умумий қонуниятларига (карама-қаршилик, интеграция, пластиклик) ва умумий психология ва болалар психологиясида психик жараёнлар, ҳолатлар, психик хусусиятларга хос бўлган тажриба натижаларига асосланади.

Педагогик психология мустақил фан сифатида ҳам назарий, ҳам амалий вазифаларни бажаради.

Педагогик психологиянинг вазифалари

Таълим-тарбиянинг шахсни камол топтириш ишига боғлиқлиги миллий ғояни шакллантирувчи, такомиллаштирувчи ва уни оммага етказувчи кучларга боғлиқдир. Педагогик - психология фани ҳам жаҳон фани тараққиёти ҳамда ва унинг такомиллашиб бориш жараёнини, фанга кириб келиши қўйилган янгиликларни ўзида акс эттиради, албатта. Бу асосий вазифа сифатида илк бор қонуний асосларга эга бўлмоқда ва педагогик психология фани олдида муҳим назарий вазифаларни ҳал қилиш қўйилмоқда:

- 1) педагогик психологиянинг муҳим вазифаларидан бири таълим жараёнини янада такомиллаштириш, фаоллаштиришнинг психологик асосларини ишлаб чиқиш;
- 2) таълим – тарбия жараёнида турли ёшдаги болаларнинг ақл-идрокига, иродасига уни шахс сифатида шакллантиришга таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
- 3) ўқувчилар шахсини таркиб топиши жараёнини, бу жараённинг умумий қонуниятларини ва индивидуал фарқларни, турли тарбиявий тадбирларининг ўқувчиларга кўрсатадиган таъсирини ўрганиш;
- 4) таълим ва тарбия жараёни бир-бирига боғлиқдир, бу жараёнда ақлий қобилиятларини, ахлоқий сифатларни, шахсни ҳиссий ва иродавий

сифатларини шакллантиришнинг максимал ривожланиши шарт-шароитларини аниқлаш;

- 5) мустақил билим олиш, материални чуқур ўзлаштиришнинг психологик масалаларини ишлаб чиқиш;
- 6) билиш фаолиятини ўзаро ташкил қилабилиш шарт-шароитларини аниқлаш;
- 7) ўз-ўзини тарбиялашнинг психологик асосларни аниқлаш;
- 8) ўқитувчи шахсини ва ўқитувчи меҳнатининг хусусиятларини, миллий ўқитувчининг сифатларини аниқлаш;
- 9) педагогик билимлар, кўникма ва малака, қобилиятларнинг таркиб топиш, ҳамда тараққиётининг психологик жараёнларини аниқлаш;
- 10) ўз-ўзини тарбиялаш, миллий ғурур ва ватанпарварлик жараёнларининг психологик муаммоларини назарий жиҳатдан асослаб беришдан иборатдир;
- 11) шунингдек, жаҳон тажрибалари билан бирга, миллий хусусиятларимиз, ундаги энг илғор томонлар, муҳими, педагогнинг тарбияланувчилар, ўқувчилар, талабалар билан имкони борича кўпроқ мулоқотда бўлиш, ўқувчи шахсининг барча хусусиятларини ҳисобга олиб, билим ва тарбия бериш, яъни ягона педагогик жараённи таъминлаш, масалалари ҳам назарда тутилади;
- 12) педагогик психологиянинг энг асосий вазифаларидан бири ўзлаштиришнинг сифат даражасини диагностика қилиш усулларини ишлаб чиқишдан иборат

Педагогик психологиянинг амалий вазифаси эса ёшларни ўзлаштиришнинг психологик шарт-шароитлари, тарбиянинг психологик масалалари, болага таълим-тарбия беришда уларни ёшлик ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, ёшларда билим, кўникма ва малакаларини шаклланиши, мустақил фикрлашга ўргатиш, илмий тушунчалар ҳосил қилиш, ўз устида ишлаш, ўз - ўзини тарбиялаш, ёш ўқувчиларни психологик фаолиятга меҳр-муҳаббатини шакллантириш психология фанининг ютуқларини, психологик билимларни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинши, ота-оналар, тарбиячи ва ўқитувчиларни булардан баҳраманд қилишдан иборатдир.

Амалий вазифалар радио ва теле кўрсатувларда, рўзнома ва ойномаларда, маъруза ва маҳсус кўрсатувлар орқали чиқиш, маҳалла, мактаб ва ота - оналар билан суҳбатлашиш орқали амалга оширилади.

Биз шу нарсага эришишимиз керакки, кенг жамоатчилик бола руҳий тараққиётига доир психологик билимлардан баҳраманд бўлсин. Ана шундагина биз ёшларга ҳақиқий таълим – тарбия бера оламиз ва уни мувоффақиятли амалга оширамиз.

ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯНИНГ МЕТОДЛАРИ.

Педагогик психология ўз предметининг мазмунига қараб умумий психологияда амал қиладиган кўпгина методлардан фойдаланади. Чунки зарур бўлган далилларни қидириш, уларни содир бўлиш сабабларини аниқлаш ва исботлаш турли хил методлар воситасида бажарилади.

Қайси методдан фойдаланишдан қайтий назар бу методлар фақат хусусий илмий тадқиқот ишлари учунгина эмас, балки амалий таълим-тарбия мақсадларида болани чуқурроқ ўрганишни ташкил қилиш учун муҳимдир. Таълим –тарбия ишларини тўғри ташкил қилиш учун педагогик психологияда қўлланиладиган тадқиқот методлари ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларини, тарбиявий таъсир кўрсатишда энг мақсадга мувофиқ ва энг самарали методларни танлашга асос бўладиган ўқувчилар шахсининг ўзига хослигини яхши билиш лозим. Педагогик психологияда қўлланиладиган методлар ҳам психология фанининг тамойиллари ва усулларига қўйилган талабларга риоя қилиши мақсадга мувофиқдир.

1. Ўрганиш лозим бўлган ҳар бир жараён, ҳолат ва хусусиятларни бир-бирига боғлаб текшириш лозим. Ҳар бир ўрганиладиган психик ҳодисаларни нерв-физиологик асослардан, ёки хотирани диққатдан, идрокни тафаккурдан ажратиб ўрганиш ярамайди.

2. Текширилаётган психик ҳодисаларни ривожланиш қонуниятларини билмасдан туриб уни ҳар томонлама ўрганиш мумкин эмас. Шунингдек, турли ёшдаги болаларнинг психик ривожланиш хусусиятларини билмасдан туриб ўрганилаётган ёш даврининг ўзига хос хусусиятларини тушинтириб бериш ҳам, тавсифнома бериш ҳам мумкин эмас.

3. Текшириш жараёнида кишининг бутун психикасида, онгида акс этадиган жамиятнинг моддий негзи ундаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан биргаликда ўрганилади.

4. Педагогик психология мураккаб психик тараққиёт қонуниятларини ўрганишда нарс ва ҳодисаларнинг сабабий боғланиш тамойилига асосланади.

5. Таълим-тарбия жараёнида психик ҳодисаларнинг миқдор ўзгаришларни сифат ўзгаришларга ўтиши ва бир сифат ҳолатининг иккинчи сифат ҳолатига ўтишини кузатиб бориш лозим. Масалан: ўқувчи психикасининг тараққий этишини ўргана туриб, билим олиш, тажрибалар тўплаш жараёнида ўқувчининг билиш қобилиятини билиш яъни: хотира, тафаккур, фикр юритишдаги сифат жиҳатидан ўзгаришини билиб олса бўлади.

6. Педагогик психология ўрганиши лозим бўлган жараённи объектни тажрибадан, психик ҳаёт фактларини аниқлаш ва таҳлил қилишдан бошлаши лозим. Чунки бу психик ҳаёт қонуниятларини очиш ва тегишли назарий ва амалий хулосалар чиқариш имкониятини беради.

7. Таълим-тарбия жараёнида қайси психик ҳодисани ўргансак ҳам бола ўзини кузатилаётганини, текширилаётганини сезмаслиги керак. Акс ҳолда бола ўзини ноқулай сезади, ё ўзини билимдон қилиб кўрсатишга, ёки кўрқиб, уялиб, тортиниб ўзини эркин тута олмайди. Бу эса кузатиш, тажриба натижаларини бузилишига олиб келади.

8. Ўқувчиларни жамоада ва жамоа аъзоси сифатида ўрганиш лозим, яъни айрим ўқувчини ўрганиш жамоа хусусиятларини ўрганиш билан бирга олиб борилиши керак.

9. Кузатишлардан яхши натижа олиш учун, шахснинг ҳислатлари турли хилда номоеън бўлишини назарда тутиб, уларни доимий равишда, режа асосида кузатиш лозим.

Педагогик психологияда ҳам умумий психологиянинг асосий ва ёрдамчи методлардан фойдаланилади. Асосий методларга кузатиш ва эксперимент методи кирса, ёрдамчи методларга суҳбат, фаолият маҳсулини ўргатиш, анкета, тест ва бошқа методлар киради.

Кузатиш методи – объектив воқеликдаги нарс ва ҳодисаларни режали, давомли, тизимли идрок қилиш, ҳиссий билишнинг далиллар тўпламига, воқелик ҳақида дастлабки тасаввурлар ҳосил қилишга қаратилган фаол шакли, психологиянинг илмий текширилиш усулларида биридир.

Бу метод орқали психик ҳодисалар табиий шароитда кишининг турли-туман фаолиятлари давомда ўрганилади. Бунда тадқиқотчи мутахассис ўқувчиларинг хатти-ҳаракатлари, ҳулқ-атворини, психикасинг ташқи кўринишини тизимли равишда кузатади ва шу асосида ўқувчининг психик жараёнлари, ҳолати ва психик хусусиятлари ҳақида ҳулоса қилади.

Кузатиш жараёнини мувоффақиятли уюштириш уни мақсадга мувофиқ режа асосида ташкил қилишга боғлиқ.

Бунда: а) кузатишдан кўзланган мақсад ва вазифалар аниқлаб олиниши лозим;

б) кузатишни қачон, қаерда ўтказиш жойи белгиланиши;

в) тадқиқот ўтказиш вақти белгиланиши ва уни мунтазам кузатиб бориш;

г) унда қандай фаолиятдан фойдаланишни аниқ режалаштириш;

д) кузатишни якка тартибда, гуруҳлар ёки жамоа билан ўтказилишини аниқланиши;

е) кузатишдан олинган натижалар қандай бўлса уни шундайлигича таҳлил қилиш ва тегишли объектив ҳулосалар чиқарилиши лозим. Кузатишни илмий характерга эга бўлиши аҳамиятлидир.

Илмий кузатиш кундалик кузатишлардан фарқ қилади. Чунки кундалик кузатишлар кўп ҳолларда тасодифий, тартибсиз, режасиз характерга эга бўлади.

Илмий кузатишда тадқиқотчи кузатадиган объектни ниҳоятда диққат эътибор билан аниқ ўрганиши, пала-партишликка йўл қўймаслиги лозим. Кузатиш жараёнида ўқувчининг хатти-ҳаракатини ҳам тўғри талкин қилиши керак. Баъзи ҳолларда ўқувчи афтидан гарчи диққат билан тинглаётгандек кўринса ҳам, аслида у ўқитувчи томонидан тушунтирилаётган нарс ҳақида эмас, баълки томомила бошқа нарсалар ҳақида ўйлаб ўтирган бўлади.

Кузатиш методи билан психик ҳаётнинг сезги аъзоларисиз бевосита сеза оладиган, ўзимиз бевосита идрок қила оладиган фактлари аниқланади.

Кузатиш орқали ўқувчини мимикаси, нутки, хатти-ҳаракатлари ва фаолиятини кузатиш мумкин.

Кузатиш методи ўз-ўзини кузатиш ва сиртда кузатишга бўлинади. Педагогик психологияда кўпроқ сиртдан кузатиш методидан фойдаланилади.

Сиртдан кузатиш ҳамisha олдиндан белгиланган қатъий мақсад асосида олиб борилади. Ўқитувчи ва тарбиячилар нимани кузатиши кераклигини ва таълим-тарбия бунинг учун асосий материал бериши мумкин эканлигини аниқ билганларидагина бу метод воситасида дурустгина натижаларга эришиш мумкин.

Бу текшириш методини асосий хусусияти шундаки, бунда бирор психологик ҳодиса қандай юз бераётган бўлса, шу ҳолича олиб текширилаверади. Бунда текширилиши лозим бўлган психик жараённинг юз беришини кутишга тўғри келади ёки бошқа текшириш усулларида ҳам фойдаланиш мумкин,

Дарсда ва бошқа фаолият жараёнларида ўқувчиларни мунтазам кузатиш йўли билан ўқитувчи, ўз-ўзига ва атрофдаги кишиларга бўлган муносабатларини билиб олади ва унинг шахсий фазилатлари ҳақида хулоса чиқариш имкониятига эга бўлади,

Эксперимент методи психологияда энг кўп ишлатиладиган методлардан биридир. Бу метод эксперимент ўтказувчи кишининг мақсади учун керак бўлган бирор психик жараённи текширилувчи психикасига таъсир қилиши ва фаолияти шароитларини ўзгартириш орқали амалга оширилади.

Эксперимент методи уч турли бўлади: а) лаборатория эксперименти; б) табиий эксперимент; в) педагогик – психологик эксперимент.

Лаборатория эксперимент методининг хусусияти шундан иборатки, эксперимент қилинганда ўрганиши лозим бўлган психик жараёнларнинг тасодифан юз беришини кутиб ўтирмасдан, текширувчи киши синалаётган ўқувчида, шахсда шу жараённи юзага келтирадиган шароитни ўзи вужудга келтиради. Ўқувчи шахснинг хусусиятларини, жараёнларини қанча текшириш керак бўлса уни шунча марта текшириш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек эксперимент ўрказувчи эксперимент шароитни турлича ўзгартириб, бунинг қандай натижа беришини синаб кўриши мумкин. Лаборатория экспериментининг қулай шароити шундай, бунда экспериментатор текшириш лозим бўлган жараён учун керак шароитни хоҳлаган вақтда сунъий равишда пайдо қилади ва унинг натижалари қайта-қайта текшириши имкониятига эга бўлади.

Табиий эксперимент – болалар ўзлари кўникиб қолган шароитда муайян бир иш билан шуғулланаётган пайтларда уларда юз берадиган психик жараёнларни уларга сездирмасдан текшириш методидир. Уни лаборатория экспериментидан фарқи шундаки, бунда текширилаётган болаларнинг психикаларига таъсир кўрсатиш эҳтимоли бўлган сунъийлик бўлмайди. Шунингдек у сиртдан кузатиш методидан ҳам фарқ қилади. Сиртдан кузатиш методида бирор психик жараённи кузатаётган киши ўша жараён қандай юз берса, шу ҳолича текширилаверади, лекин бу жараённинг номоён бўлишига аралашмайди, яъни психик жараённи юзага келтирувчи

шароитни ўзгартирмайди. Табиий эксперимент методидан фойдаланилганда ўрганиш учун керак бўлган табиий шароит кутиб турилади ва у пайдо бўлиши билан тажриба бошланади. Тажриба текшириляётган бола учун табиий бир шароитда унга сездирмасдан ўтказлади.

Ёш ва педагогик психология соҳасида иш олиб бораётган психологлар тадқиқот ишларида табиий эксперимент методини икки тури яъни аниқловчи ва ўзгартирувчи турларини аниқладилар. Аниқловчи эксперимент психика номоён бўлишининг у ёки бу ҳолатини, ҳислатлари ва жараёнларини аниқлашни мақсад қилиб қўяди. Ўзгартирувчи эксперимент эса у ёки бу ҳолатлар ва сифатларни таркиб топтиради ва ўзгартиради.

Педагогик психологияда табиий экспериментларининг махсус турли ҳисобланувчи психологик – педагогик экспериментдан кенг фойдаланилади. Бу методда психик ҳодисаларини ўрганиш мактабда бериладиган таълим – тарбия жараёнида олиб борилади. Бунда текшириш психолог раҳбарлигида ўқитувчининг ўзи олиб боради. Бунини аҳамиятли томони шундаки тажриба болалар учун таниш ўқитувчиси томонидан ўтказилади ва ўқувчилар ўзларини эркин, одатдагидек ҳис қиладилар. Шунингдек, ўқитувчи ҳам илмий тадқиқот ишларига жалб қилинади.

Тажрибалар ҳам экспериментал ҳам назорат синфларида ўтказилади. Экспериментал синфларда психолог ёрдамида махсус методлар асосида эксперимент ташкил қилинса, назорат синфларда эса бу одатдагидек ташкил этилаверилади. Эксперимент натижалари назорат синфида одатдаги синфларда олиб борилган шу натижалари билан солиштириб хулоса чиқарилади. Бу методнинг авзаллиги шундаки, бунда биринчидан, илмий текшириш ишлари нормал таълим-тарбиявий жараёнда олиб борилади иккинчидан, ўқитувчилар илмий тадқиқот ишларида фаол иштирок этадилар.

Педагогик психологияда асосий методлардан ташқари ёрдамчи методлардан ҳам фойдаланилади. Бу методлардан бири турли ёшдаги болалар фаолиятининг маҳсулини таҳлил қилиш методидир. Фаолият маҳсулини ўрганиш методида ўқувчиларнинг ёзган иншолари, хатлари, ясаган буюмлари, чизган чизмалари, расмлари, ёзиб қолдирган кундаликлари, эсталикларидан фойдаланиб уларнинг қобилияти, характер ва темпераменти, хаёл ва тафаккури диққат ва кузатувчанлиги ҳақида билиб олинади. Бу методнинг моҳияти шундаки, турли ёшдаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари улар мойил бўлган фаолият ҳамда уларнинг меҳнат маҳсуллари таҳлил қилиш йўли билан ўрганилади.

Педагогик психологияда суҳбат методидан ҳам кенг фойдаланилади. Суҳбат методи ҳам режа асосида ўтказилади. Айниқса тафаккур, хаёл, ирода каби мураккаб жараёнларни текширишда суҳбат методидан фойдаланилиши катта аҳамиятга эга. Чунки бундай психик жараёнларни тажриба қилиб ёки сиртдан кузатиш воситасида билиш жуда қийин. Таҳлил ва сиртдан кузатиш натижасида тўпланган материалларни одатда суҳбат воситасида олинган маълумотлар билан тўлидирилади. Лекин суҳбат методидан тўғри фойдаланиш ва ундан кутилган натижага эришиш суҳбат учун пухта тайёрланишга боғлиқ. Суҳбат ўтказишга тайёрланишда:

а) ўтказиладиган суҳбатнинг мавзуси ва мазмуни болаларнинг ёшлик ва индивидуал хусусиятларига мос бўлиши;

б) суҳбат вақтида ўқувчиларга бериладиган саволларнинг мазмуни яхшилаб ўйлаб олиниши;

в) саволлар болаларни ўйламасдан “ ҳа” ёки “йўқ” деб қисқа жавоб беришига эмас, балки уни фикр юритишига ундайдиган бўлиши;

г) суҳбат ҳаддан ташқари чўзилиб кетмаслиги;

д) у самимий, дўстона муносабатда бўлиши, ўқувчини кўрқитиб юбормаслик, ҳаяжонлантормаслиги руҳида ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Анкета методи ҳам ёрдамчи методлардан бири бўлиб, у билан болаларнинг айрим шахсий хусусиятлари (эҳтиёжлари, қизиқишлари, лаёқатлари, атрофдагиларга муносабатларини, интилишлари ва шу қабилар) ўрганилади. Аммо мураккаб психик жараёнларни (тафаккур, ҳаёл, тасаввур) бу метод воситасида текшириб бўлмайди. Анкета методидан фойдаланилганда ҳам ўқувчиларга бериладиган саволларни жуда пухта ўйлаб тузиш талаб қилинади. Бу метод анкета тўлдирувчи кишига ўзининг шахсий хусусиятларини тўғри ва тўлароқ акс эттириш имконини беради.

Анкета тузувчи киши (психологми, ўқитувчими) уни бир неча хилда тузиши мумкин. Биринчидан аниқланган мотивларни аниқлаш; 2–дан, ҳар бир саволни 3–4 тадан тайёр жавобларини бериш орқали; 3–дан, синалувчига тўғри жавоблар тавсия қилинади, улардан уни баллар билан баҳолаш талаб этилади. Анкета қандай тузилишидан қатъий назар ундан олинган материаллар таҳлил қилинади ва электрон машиналарда ҳисобланади ва ҳулосалар чиқарилади.

Анкета методи ўқувчилар психикасини ўрганиш учун бой маълумотлар тўплам имконини беради. Бу имкониятдан фойдаланиш учун назорат вазифасини бажарадиган саволларни пухта ишлаб чиқиш лозим.

Педагогик психологияда тест методидан фойдаланилади. Тест ингилизча test – синаш, текшириш деган маънони англатади. Бунда синалувчи ўқувчига, шахсга қисқа вақт ичида бажарилиши лозим бўлган стандарт топшириқ (савол ёки масала) берилади, бунинг бажарилиши натижаси шахснинг қобилияти ва бошқа сифатларини очиб беради. Аммо кўпчилик ҳолларда тестлар шундай тузиладики. синалувчиларнинг жавоблари унинг қобилиятидан эмас, балки билимларидан далолат беради. Бундан ташқари, тестлар топшириқнинг бажариш ёки ўрганилаётган психик ҳодисани ривожланиши жараёнини очиб бера олмайди, улар фақат синов охирида эришилган натижанигина кўрсатиб беради ҳолос. Аммо методлар тўғри тузилган, етарли даражада асосланган ва текшириб кўрилган тақдирда психикани ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Тест бирорта психик ҳодисани аниқлашда мураккаб техник мосламаларни талаб қилмайдиган, қўлга киритилган натижаларни миқдорий жиҳатдан ифодалаб бериладиган ва уларни математик жиҳатдан ишлаш имкониятини берадиган қисқа, стандартлаштирилган синовдир. Бу эса тажрибалар ўтказишда унинг авзаллигини кўрсатади. Шунингдек, таҳлил ва

баҳолаш усулларининг маълум даражада бир хиллиги, маълум ёш нормаларига (мэйр) мослаштирилганлиги ҳам унинг авзаллигидир. Тест ўз-ўзидан тўла илмий ва жорий қилиниши мумкин бўлган тадқиқот усуллари. Бу метод ҳозирги кунда ўқувчиларнинг ўзлаштиришига ва қобилиятига хос хусусиятларни аниқлашда, индивидуал хусусиятларни аниқ баҳолашда катта аҳамиятга эгадир.

Кузатиш суҳбат, педагогик-психологик эксперимент, тест методлари ёрдамида тўпланган тадқиқот натижалари социометрик метод ёрдамида тўлдирилиши мумкин. Социометрик методни даставвал америкалик микросоциолог Джон Морено томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб уни ёрдамида синфлар ва улар ўртасидаги кичик гуруҳнинг билим даражаларини ўлчашда, улар орасидаги эмоционал муносабатларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Бу метод ёрдамида бир гуруҳдаги ҳар бир аъзоннинг ўзаро муносабатини аниқлаш учун унинг қайси фаолиятида ким билан қатнашиши, материалларни қандай қилиб ўзлаштириши каби саволларига жавоб сўралади. Тадқиқотнинг социометрик методи шароитга мувофиқлаштирилган кичик гуруҳларда шахслараро муносабатларини ўлчаш усули ҳисобланади. Синалувчиларга ва уларга кетма – кет жавоб қайтариш орқали гуруҳ аъзоларининг ўзаро танлаш ўзлаштириш усуллари таҳлил қилиш жараёни вужудга келтирилади.

Социометрик методдан турли ёшдаги, қиз ва ўғил болалар орасидаги, билим даражаси ҳар хил ўқувчилар гуруҳларидаги психологик қонуниятларни тадбиқ этишда унумли фойдаланиш мумкин. Шахслараро муносабатлар синфлардаги ўқувчиларнинг объектив, ўзаро жиддий муносабатларини акс эттиради. Мактабдаги жамоатчилик муносабатлари фақат ўқувчилар гуруҳи ўртасидаги илк оддий ўзаро ёрдамлашиш муносабатлардангина иборат бўлмай, балки мазкур ўқувчилар гуруҳидан ва умуман мактабдан ташқари чиқувчи бирор умумий мақсадлар асосида, биргалашиб ҳаракат қилишдан иборатдир.

Психик функциялар тараққиётини ҳозирги кунда узунасига ва кўрдалангига кесиш усули билан ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Бу усуллардан фойдаланиш педагогик психология фанида ҳам самарали натижа беради. Чунки бу метод турли синфларда, турли психик функциялар ривожланиши, унга хос хусусият ва қонуниятларни чуқурроқ, аниқроқ ўрганишга ёрдам беради.

Маълуми, ўқувчининг психик функцияларини ривожлантиришни ўрганиш уч тамойилга асосланади:

- 1) бола психикасига объектив ёндашиш;
- 2) ривожлантиришнинг сабабларини аниқлаш;
- 3) бола психикасини мақсадга мувофиқлигини, мувофиқ таркибини ўрганиш. Бу тамойилларга мувофиқ бола ривожланишини ўрганиш икки шаклда: а) “ узунасига текшириш” ;
б) “ Кўндаланг кесиш” усули билан амалга оширилади.

“Узунасига текшириш” усулида ўқувчи психик ҳаётининг бир қисмини бир боланинг ўзида мунтазам кузатиб боради. Бундан асосий мақсад ўқувчи психикасининг ривожланишида бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишдаги ўзгаришлар, таълим-тарбия жараёнида аниқланади. У узоқ вақтни талаб қилади.

“ Кўндаланг кесиш” да ўқувчининг ҳамма психик хусусиятлари эмас, балки унинг айрим хусусияти текшириш объекти қилиб олинади. Бунда алоҳида ёшдаги ёки турли ёшдаги болалар бир йўла текширилади ва олинган маълумотлар солиштирилиб, боланинг психик ривожланиши ҳақида тегишли хулосага келинади. Масалан: 3ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларнинг (ёки бошқа ёшдаги) тафаккурига хос хусусиятлар маълум вақт ичида текширилади ва олинган фактларга асосланиб болаларни тафаккурига хос умумий хусусиятлар аниқланади. Бунда ҳам кўп вақт ва меҳнат сариф қилинади.

Бу текшириш шакли баъзи камчиликлардан ҳам холи эмас. Камчиликнинг асосиси боланинг психик ривожланишидаги бурилиш жараёнини билиб олишнинг қийинлигидир. Шу сабабли ишни рационал билиб бориш учун бола психик ривожланишининг умумий тенденцияси олдин текширишнинг “кўндаланг кесиш” усули билан аниқланади. Ундан кейин баъзи муҳим хусусиятларни билиш учун “ узунасига текшириш “ усулидан фойдаланилади.

Педагогик психология фанида қайси илмий текшириш усулидан фойдаланмайлик текширувчи шу усулининг моҳияти, уни қандай мақсадга йўналтирилганлигини аниқ билиш лозим. Шунингдек шу усулдан келиб чиқадиган натижани чамалаб кўрмоғи, агар мўлжалланган натижа чиқмаса бошқа усуллар билан қайта тажриба қилиш лозим.

ИЛК ЎСПИРИНЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ.

Ўспиринлик ижтимоий психологик ҳодиса сифатида.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, бу хусусият шу даврда болага бериладиган таълим-тарбиянинг ҳам мазмуни, мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш имконини беради. Ҳар бир давр учун ҳам соғлом турмуш тарзини шакллантириш муаммоси инсоният ва қолаверса, ота-она, тарбиячи ва ўқитувчилар олдида турган энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолаверади. У ўзида жисмонан соғлом, ақлан баркамол янги авлодни вояга етказиш, кишиларнинг меҳнат қилиши, дам олишни ва ижтимоий фаолият кўрсатишни тўғри ташкил этишни, оқилона ҳаёт кечиришни мужассамлаштиради.

Соғлом турмуш тарзи болаларнинг ҳаёт даражаси билан, сихат-саломатлиги, кайфияти, интилишлари, ишонч, кундалик ўзгаришлар билан, бу ўзгаришлар қай даражада ўқувчиларимизнинг эҳтиёжини қондириш билан, жамиятнинг иқтисодий – ижтимоий ва маънавий тараққиёт даражаси билан, энг муҳими, ёш авлод тарбиясини юксак самарадорлигини тامينлайдиган чора-тадбирлар билан боғлиқдир.

Маълумки, катта мактаб ёши ёки илк ўспиринлик ёши болаларнинг 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган тараққиёт даврини ўз ичига олади. Бу давр болалик билан етуклик даври ўртасидаги ёшнинг иккинчи ярми бўлиб, буни иккига:

1. Илк ёшлик даври (15 – 17 – 18 ёш)
2. Кейинги ёшлик даври (18 – 25 ёшгача) деб ажратилади.

Илк ёшлик даврида жинсий балоғатга етиш тугалланади, бўйга ўсиш секинлашади, энига ўсиш, оғирлик ортади. Ўқувчиларнинг ташқи қиёфалари ўзгариб, уларга катталар хусни уради. Бу даврда йигит ва қизлар орасида тафовутлар сезилиб туради. Касб – ҳунар коллежи ёки академик лицейларга кириб ўқишни бошлаган қизлар етилиб, уларда характерли психологик сифатлар шаклланади. Йигитлар эса вояга етган эркаклардан ҳали фарқ қилади. Қизлар йигитлардан кўра бир мунча эртароқ ёшлик даврини тез ўтказадилар ва улар вояга етадилар.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчилар мустақил ҳаёт кечириш, ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш ва олий ўқув юртида ўқиш учун етарли бўлган ғоявий ва маънавий етуклик даражасига эришадилар.

Ўспиринлик ижтимоий психологик ҳодисага айланади. Ўспирин 16 ёшда мамлакат фуқороси ва 18 ёшда сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқига эга бўлади ва тўла ҳуқуқли фуқоро бўлиб қолади. Ўқишни битирганлик ҳақидаги гувоҳномани олиш, меҳнат қилиш, дам олиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Булар эса ўспиринга фуқоро сифатида ижтимоий жиҳатдан вояга етиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши, ўз тақдирини ўзи хал қилиши ва етук шахс сифатида маънавий ўсиши учун шарт – шароитини яратди.

Ўз – ўзини англашнинг ўсиши:

Илк ўспиринлик ёшидаги ўзгаришлар мактаб, оила, шахслараро муносабатлардаги мавқеини янада мустақамлашининг муҳим омили ҳисобланади. Лекин етакчи омил юқори синф ўқувчиси фаолиятининг хусусиятини, моҳияти ва мазмунидаги туб бурилишдир.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг энг муҳим хусусиятлардан бири бу уларни ўз-ўзини англашидир. Бу ёшларни ўз шахсиятининг маънавий психологик фазилатларини фаол ижтимоий турмуш тарзининг мақсад ва вазифаларини англашни, уларни оқилона баҳолашни акс эттиради. Уларда ўзининг руҳий дунёсини, шахсий фазилатларини, ақл заковатини, қобилияти ҳамда имкониятини англашга интилиши кучаяди. Ўз ҳулқ атворини жиловлаш, ҳис туйғулари ҳамда ички кечинмаларини тушуниш иштиёқи вужудга кела бошлайди. Ёшлардаги ўзини англаш турмуш, ўқиш, меҳнат ва спорт фаолиятлари тоқозоси билан номоён бўлади. Тенгдошлари орасида ўзаро муносабат кўламининг кенгайиши ўзини ахлоқий, иродавий ҳис туйғуларининг хусусиятларини баҳолаш, катталар томонидан қўйилган талабларга жавоб тариқасида ёндошиш ўзини англашишни яна ҳам шаклланиб боришига сабаб бўлади.

Бу ёшдаги ўқувчиларда ўзини англашнинг энг муҳим хусусияти шундаки, улар ўзларининг кучли ва заиф жиҳатларини, ютуқ ва камчиликларини аниқ баҳолаш имкониятига эга бўлади. Ўспиринлар ўз шахсий фазилатларини, ҳулқ атворларини, ақлий ва меҳнат фаолиятини таҳлил қилишда қиёсий баҳолаш кучаяди.

Ўз – ўзини англаш ўқувчининг ички кечинмалар дунёсига кириши билан боғлиқ эмас, мақсадсиз, фойдасиз, ўз – ўзини таҳлил қилишдан ҳам иборат эмас. Ўз – ўзини англаш ҳаёт ва фаолият талабларидан келиб чиқади. Жамоадаги янги вазият теварак атрофдагилар билан бўладиган янги муносабатлар ўқувчиларнинг ўз имкониятларини баҳолашга, ўзини шахсий хусусиятларини ўзига нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб бера олиши ёки жавоб бера олмаслиги нуқтаи назаридан англашга мажбур қилади. Ўспиринларни ўзини англашидаги яна бир хусусият шундаки, улар ўзининг кучли ва ожиз томонларини, ўзининг устунлиги ва камчиликларини ўсмирларга нисбатан яхшироқ ва чуқурроқ баҳолай оладилар ва ўз – ўзига баҳо бериш анча объектив характерга эга бўлади. Чунки ёшининг ортиши билан ўз шахсини ўз хатти - ҳаракатлари ва фаолиятларини мустақил таҳлил қилиш ва баҳо бериш эса ҳамиша ташқаридан берилган баҳони англашдан кўра қийинроқдир. Шунинг учун катта ёшдаги ўқувчи ўзининг шахсий хусусиятларини ва хатти – ҳаракатини ўсмирга қараганда яхшироқ таҳлил

кила олса ҳам, ўзига айрим ҳолларда унчалик объектив баҳо бера олмайди. Шунинг учун йигит ва қизлар кўпинча ўз шахсларига ортиқча баҳо берадилар, ғайри табиий манманлик, кеккайиш, такаббурлик, кибирланиш ҳолларига йўл қўядилар, теварак атрофдаги кишиларга менсимасдан муносабатда бўладилар, бошқалар эса ўзларига ғайри - табиий равишда етарли баҳо бермайдилар, ўзларини “ўртамиёна”, “арзимас”, “оддий” ва кўзга ташланмайдиган одам деб ҳисоблайдилар.

Ўспиринлар ўзларидаги номоён бўладиган сифатларнигина (меҳнатсеварлик, серҳафсалалик) эмас, балки шахснинг сифатларини, муносабатларни характерловчи анча мураккаб сифатларини (бурч ҳисси виждон ҳисси.....) англашга қодирлар. Ўспиринларнинг ўз – ўзини англаш, ўз – ўзига баҳо бериш хусусиятлари ўз – ўзини тарбиялаш хатти-ҳаракатлардаги айрим камчиликларга барҳам беришга қаратибгина қолмасдан, балки, йигит қизлардан вужудга келадиган умумлаштирилган идеяларга мувофиқ равишда таркиб топтиришга қаратилган бўлади.

Коллеж, лицей талабалари ўзи устида ишлайди, ижобий характер хусусиятларини тарбиялашга, салбий хусусиятларни бартараф қилишга ҳаракат қилади, яъни шахснинг маънавий-психик хусусиятларининг ривожланиши ҳақида ўйлайди. Шунинг учун ҳам уларнинг идеалларида умумлашган образ акс этади.

Касб-ҳунар коллежи ва академик лицей талабаларини ўз-ўзини тарбиялаши тўғри бориши учун уларга раҳбарлик қилиш зарур. Бундай раҳбарлик алоҳида бир кишига эмас, балки жамоа, “ Камолот “ ёшлар ташкилоти, оиладаги катталар, маҳалла бўлиши мумкин. Йигит ва қизларга ўртоқлари билан бўлиш, улар билан ўзаро муносабат, мулоқат ўрнатиш, мактабдаги тенгдошлари билан биргаликда мажбуриятлар қабул қилиш, ўзаро ёрдам кўрсатиш, ўзаро назорат қилишини ташкил қилиш жуда фойдалидир.

Илк ўспиринлик даври эмоционал ҳаётга бой даврдир. Бу ёшда балоғатга етганлик туйғуси ўзига хос хусусиятга эга. Бу туйғу чуқурроқ ва жиддийроқ бўлиб қолади. Катта мактаб ёшида катта бўлиб қолганлик ўзига хос характерга эга. Бу йигит ва қизларининг катта бўлиб қолганлигини эътироф қилишнинг объектив белгиларидир. Ана шундай шароитда катта бўлиб қолганлик туйғуси бўшашмайди, йўқолмайди, у ўзига хос ўз-ўзини қарор топшириш, ўз қиёфасини ифодалаш туйғусига айланади. Бу ҳол ўзининг индивидуаллигини билдиришга интилишда номоён бўлади.

Ўспиринлар ҳаётида маънавий ҳислар айниқса катта ўрин эгаллайди. Ёшларнинг алоқа доирасини кенгайтириши ва уларда ижтимоий масалаларга қизиқишнинг ўсиши туфайли ахлоқий ҳислар уларнинг ҳаётида катта ўрин оладиган бўлиб қолади.

Жамоат ишларидаги фаоллик ва дунёқарашнинг шаклланиши.

Ўспиринларнинг камол топишида асосий роль ўйнайдиган воситаларидан бири жамоатчиликдир. Бола жамоат ишида ўсади ва бинобарин жамоада тарбияланади.

Жамоа ва жамоатчилик (мактаб, маҳалла ва.....) болада қийинчиликларни енгишга, дангасалик ва мактанчоқликни, кўрқоқлик ва икки юзламачиликни бартараф этишга ўргатади. Катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўз жамоаси бирор камчиликларни очиб ташлаб, унга қарши яқдиллик билан курашса, ўша камчиликни албатта тугатади, бу жамоанинг ҳар бир аъзосида зўр тарбиявий таъсир қолдиради, жамоа фикри бу жамоанинг бирор ўқувчисининг камчилиги устидан баҳоси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ўспиринлар ўз жамоасининг фикрини яқиндан эътиборга олади. Шунинг учун жамоатчилик ичидаги ўзаро тўғри муносабатлар, жамоатчиликнинг ўқувчи олдига тўғри талаблар қўя билиши шахснинг камолга етишидаги асосий факторлардан бири ҳисобланади. Жамоатчилик ғояларини таркиб топиши ва унинг эътиқодга айланиши ёшлар жамоасидаги муносабатларни мустаҳкамланади. Ўспиринларнинг жамоатчиликдаги фаоллиги “ инсон инсонга дўст ва ўртоқ “ деган ғоя ва тушунчанинг маъносини тушунишга олиб келади ва у эътиқодга айланади. Жамоада маънавий, ижодий ва илмий эътиқодлар ўзаро муносабатлар асосида шаклланади. Бу эса уларда ижодий фаолликни ривожланишининг ва бу активлик жараёнида ўзини кўрсатиш ва ўзини тарбиялаш эҳтиёжини пайдо қилади.

Катта мактаб ёши – ўқувчиларда дунёқарашни интенсив равишда ривожланиб борадиган ёшдир. Бу ёшда энди юқори синф ўқувчиларда фақат билим бойлиги етарли бўлиб қолмай, балки, ўша билимларни системалаштиришга, тартибга солишга бўлган интилиш ва имкониятлар ҳам кўзга ташланади. Мазкур даврда назарий билимларга қизиқиш, айрим фактларни умумлаштириш, улардаги умумий тамойил ва қонунларни аниқлаб олиш истаги кескин даражада ортиб кетади. Бундай ҳолат илгаридан яни боланинг бундан аввал психик ривожланиши даврида ва энг аввал унда тушуниш таффакур қилиш қобилияти ривожлана бошлаши давридан тайёрланган бўлади. Ўсмир билимининг мунтазамлиги ва умумлаштирилганлиги, назарий масалаларга бўлган қизиқиш, тушуниб таффакур қилиш қобилитини ривожланиб бориши, юқори синф ўқувчиларининг билим соҳасидаги фаоллиги дунёқарашни ривожлантириш шартларидандир.

Илмий дунёқарашнинг шаклланишида илмий эътиқодлар, яъни ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимлари аҳамиятлидир. Ўқувчининг илмий эътиқодларини мустаҳкамлаш илмий дунёқарашининг шаклланиб боришига ёрдам беради.

Шунингдек, дунёқарашнинг шаклланиб боришида ҳаётий ва маънавий дунёқарашлар муҳим рол ўйнайди.

Ана шу пишиқ, “бинокорлик материаллари” сиз дунёқараш таркиб топиб, такомиллаша олмайди. Берқарор, юзаки қарашлар дунёқарашнинг ҳосил бўлишига ёрдам бера олмайди. Фактларга асосланган, чуқур ўзлаштирган илмий эътиқодлар маънавий эътиқоднинг мустаҳкам пойдеворидир. Меҳнаткаш халқнинг донишмандлигини ифодаловчи эътиқодлар ахлоқий эътиқодларнинг таркибий қисми бўлиб қўшилади. Жамоатчилик ва атрофдаги кишиларнинг хатти – ҳаракатига тааллуқли

ахлоқий масалаларни муҳокама қилиш, оилада мактабда, маҳаллада кўрсатиладиган доимий ахлоқий таълим – тарбиявий таъсир, сиёсий билимларни эгаллаш ахлоқий тушунчаларни шакллантиради. Жамоатчиликни фаоллиги ўспирин ҳаётини мазмунан бойитади ва у ёшларда эътиқод ва дунёқарашни шакллантиради. Умуминсоний ва миллий бойликлар асосида ҳаётий эътиқодлар шаклланади ва ёшларнинг комил инсон бўлиб шаклланишига таъсир қилади..

Ҳаёт режалари ва касб танлаш

Ўсмирларда “катталиқ” туйғусининг вужудга келиши уларни келгуси мустақил ҳаётга таёрланиш лозимлигини талаб қилади. Уларнинг ҳаёт режалари ва касб танлаши ёшлар олдидан асосий муаммога айланади. Келгуси ҳаётни қандай режалаштириш, қандай касб танлашга аниқ бир фикр билдиришга қийналиб қоладилар ва касб танлаш даврида тўғри йўл тутишни билмай довдираб қоладилар ёки таваккалга иш кўрадилар. Ўзларининг имкониятларини ҳисобга олиб ҳаракат қилишга ожиз бўладилар. Натижада нохуш кечинмалар умитсизликлар, ижтимоий сустрелик фаолиятлари вужудга келади.

Лекин шунга қарамай ўспирин психологиясининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳозирги пайитини, бугун ва эртани келажак нуқтаи назаридан истиқлолга назар билан қараб иш кўра бошлайди. Бу даврда ўспирин турли касбларга қизиқа бошлайди, ўзини келажакда ким бўлишини тасаввур қила бошлайди. Ўспиринни ўз – ўзини профессионал нуқтаи назаридан ажратиш, тасаввур қилиш ўспиринлиқнинг энг муҳим янгилигидир. Профессионал тараққиётининг асосий босқичларини Е. А. Калимов (1996 йил) алоҳида “оптация “ (латинча хоҳиш, танлов) босқичини ажратади ва унинг характерли томони-одам томонидан профессионал тараққиётнинг босқичини танланишидир, деб эътироф этади. Оптация босқичи 11-12 ёшдан 14-18 ёшгача бўлган тараққиёт даврини ўз ичига олади. Аммо муайян касб –хунар танлаш ва ўз фаолиятини шунга йўналтириш ўспирин шахси учун муҳим хусусиятга эга. Ана шундай танловнинг адекват ва тўғри бўлиши ўспириндаги билим билан боғлиқ қизиқишлар ва профессионал йўналишнинг шаклланишига боғлиқ бўлади. Профессионал қизиқишларнинг шаклланишини ўзи олимлар томонидан тўрт босқичли жараён сифатида қаралади.

1 – босқичи 12-13 ёшларга тўғри келади ва у ўта ўзгарувчанлиги, ўсмирдаги билим жараёнлари ва асл иқтидор билан боғланмаганлиги билан характерланади.

2 – босқич 14-15 ёшларга тўғри келади ва унда касбга қизиқишлар пайдо бўлади. Боланинг билим имкониятлари шахсий хусусиятлар билан боғлиқ бўлади.

3 – босқичда 16-17 ёшларда қизиқишларнинг интеграцияси рўй беради ва улар шахсининг жинсий ва индивидуал хусусиятлари билан ривожланади.

4 – босқичда қизиқишлар доираси сезиларли даражада торайиб, профессионал йўналиш шаклланиб бўлади ва у касб танлаш билан (Л. Головей – 1996) якунланади.

Юқори поғонага кўтарилган қизиқишлар ўспириннинг профессионал йўналиши ва тўғри касбхунарни танлашга замин яратади. Улар боладаги индивидуал психологик хусусиятлар ва жинсий фарқлар билан боғлиқ бўлгани учун ҳам ўғил болалар кўпроқ техник ва иқтисодий йўналишларнинг, қизлар эса ижтимоий гуманитар ва бадиий соҳалар билан боғлиқ касбларни танлайдилар. Касб танлашга таъсир қилувчи омиллардан бири оиланинг моддий шарт – шароити, ўқиш жойининг уйдан узоқлиги, ўқув тайёргарликни савияси, эмоционал етуклик, соғлиқнинг турлича бўлишидан иборат. Булар ҳам ёшларни касб танлашига ҳаётий йўлини белгилаб олишига таъсир қилади.

Аммо шунга қарамай, ўқувчиларнинг қизиқишлари, майллари интилишлари, қобилиятлари, истъедодлари асосида танланган касбларига тўғри йўналиш ўспиринлар учун ҳаётий масалалардир. Касб танлаш жараёнида ўспиринларга ўқитувчилар, ота – оналар, жамоатчилик, ўз касбининг усталари катта эътибор беришлари лозим. Ҳар бир танланган касбнинг ўзига хос мотивлари бўлиши ва уни ўқувчи томонидан асосланиши мақсадга мувофиқдир. Ўспиринларда учрайдиган мотивлар яъни; бирор ўқув фанига қизиқиш, Ватанга фойда келтириш истаги, шахсий қобилияти, оила аъзоларига риоя қилиш, дўстлар ва ўртоқларига эргашиши, иш жойи ва ўқув юртининг уйига яқинлиги, моддий таъминланиш, ўқув юрти кўринишини чиройи (В. А. Крутецкий) бўлиши мумкин.

Шунинг учун мактабларда ўқувчиларнинг касб танлашга йўналтиришда ҳар бир касбнинг психологик асосларига эътибор беришларини таъминлаш лозим. Бунинг учун:

- 1) касбларни ўрганиш усуллари ишлаб чиқиш, уларни аниқ ифода қилиш;
- 2) ўқитувчининг касблар бўйича ташвиқот олиб бориши, ўқувчиларга касблар бўйича маслаҳатлар бериши;
- 3) ўспиринларни касбнинг асосий турлари билан таништириш;
- 4) уларни касбга тайёрлаш ва қизиқиш уйғотиш;
- 5) психодиагностик ва касб танлаш усуллари асосида татбиқ қилишга мослаштирилган турларини ишлаб чиқиш;
- 6) мактабларда замон талабларига мос касб танлаш хоналарини ташкил этиш;
- 7) касб танлаш тарғиботи юзасидан оммавий ахборот воситаларига жалб қилиш ва уларни психологик томондан тайёрлаш.

Ҳаммадан муҳими шундаки, ўқувчи касбининг яхши – ёмони бўлмаслигини тушуниши, ҳар бир касб ҳам Ватанимиз равнақи учун зарурлигини билиши лозим.

Маълумки Республикамизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 1997 йилда қабул қилиниши Президентимиз таъбири билан айтганда, мустақил фикрлайдиган, юксак малакали кадрлар тайёрлашга ҳизмат қилади. Жойларда ташкил қилинган касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳарларида ташкил этилган Ташҳис марказлари 9 – синфни тамомлаган ёшларнинг иқтидори ва лаёқати, қизиқишларини ўз вақтида аниқлаш, уни психологик методлар ёрдамида диагностика қилишни амалга оширади.

Бу тадбирлар ёшлардаги касб – хунарга бўлган йўналишни адекват қилиш ва ўз лаёқатига мос хунар эгаси бўлиб етишишга ёрдам беради.

Ўспиринларда дўстўрта махсуслик ва севги – муҳаббат.

Ўрта махсус, касб –хунар таълими талабалари бошдан кечирган ҳис – туйғуларининг бойлиги ва хилма – хиллиги билан, ҳаётнинг турли томонларига эмоционал муносабатда бўлиши билан ажралиб туради. Ахлоқий ва ижтимоий – сиёсий ҳисларининг ривожланиши айниқса характерлидир. Бошдан кечираётган ҳтуйғуларини англаб етиши маҳорати ҳам ривожланади.

Ўспиринлар учун ўртоқлик ҳиссининг ривож топиши характерлидир. Анча кенг характерга эга бўлган ўртоқлик ҳисси билан бирга шахсан дўстона муносабатда бўлиш ҳисси ҳам ривожланади. Ўртоқларга муносабат ўзгаради. Дилкашлик қилиш эҳтиёжи сезилади. Дилкашликка эҳтиёжни пайдо бўлиши дўстлик, ўртоқлик ва меҳр – муҳаббат ҳисларини тараққий этишга сабаб бўлади. Бу туйғулар асосан ёшлар манфаатининг умумийлиги билан характерланади ва улар ўртоқликка нисбатан дўстлик яқинроқ бўлишини англаб етадилар. Ўспирин қанча ички руҳий изтироб, қарама-қаршилик, маъсулият онларини бошидан кечирмасин, унинг эмоционал олами, атроф – муҳитда рўй бераётган ҳодисаларни онгида акс эттириши катта ўрин тутади. Бу давр бола қалбида ким биландир сирлашиш, кимларни ўзига энг яқин киши сифатида тан олиш, уни руҳиятида кечаётган барча ўзгаришлардан воқиф бўлиш истаги ва эҳтиёжини уйғотади. Биринчи марта “дўстлик”, “муҳаббат”, “севги”, тушунчалари шу даврда пайдо бўлади. Бу тараққиёт даври “аттракция” деб аталмиш ҳиссиётнинг пайдо бўлиши учун энг мақбул даврдир. (Аттракция латинча сўз бўлиб – ёқтириш, ўзига жалб этиш). Аттракция – бир инсоннинг бошқа бир инсонга ижобий муносабати асосида ёқиш ва ёқтириш, ўзаро мойилликни тушунтирувчи эмоционал ҳисдир. Бу ҳар бир одамда бошқа бир одамга нисбатан шаклландиган ижтимоий установкаини бир кўриниши бўлиб, “ симпатия – ёқтиришдан “ тортиб то севги муҳаббат каби чуқур эмоционал боғлиқлик ҳам шу ҳис асосида пайдо бўлади.

Ўртоқлик ҳиссининг ривож топиши дўстона муносабатда бўлиш эҳтиёжини шакллантиради. Бу ёшда ўспиринлар ҳамма ҳам ўртоқ бўлиши мумкинлигини, лекин дўст ҳам бўлавермаслигини ҳис қиладилар. Улар

дўстлик муносабатларида чексиз ишонишга асосланган яқинликни тақдирлашади. Сирни дўstdан бошқага айтмасликни, бошқалардан сир тутиш лозимлигини, дўст бошига кулфат ва қийин ташвиш тушганда ҳам ташлаб кетмаслигини, дўстини оғирини енгил қилиш лозимлигини англайдилар. Дўстлар ўзларини характери, темпераменти жиҳатидан бир – бирларига ўхшаб кетишлари характерлидир. (мақол: дўстнинг кимлигини айтиб берсанг, ўзингни кимлигингни ҳам айтиб бераман). Агар дўстликдаги шахсий сифатларни ролини ҳисобга олганда:

- 1) шахс сифатларини тўла мос келиши натижасида дўстлар тез орада ажралиб кетишлари мумкин. Чунки бундай дўстлик дўстларнинг бир – биридан ўрнак олиш учун имкон бермайди.
- 2) дўстлар характеридаги кескинлик, қарама – қарши тафовутлар уларнинг бир – бирига яқинлашуви учун камроқ имкон беради, шу туфайли дўстликни давом эттириш қийин бўлади. Аммо дўстлик жараёнининг ўзида дўстининг шахсий сифатларини ўрганиш, шу туфайли дўстлик яна мустаҳкамланишини ҳам назарда тутмоқ керак.

Ўсмир ва ўспиринлик ёши даврида дўстлик қуйидаги хусусиятлар билан фарқланади.

1. Ўспиринларда дўстлик мотивлари анча барқарор бўлади.
2. Бу ҳис анча сермазмун бўлиб, қизиқишлари ва фаолиятининг жуда кенг доирасини қамраб олади.
3. Дўстлик анча эмоционал яқинлиги маъносидагина эмас, балки бир-бирига дилкаш бўлиш қобилияти маъносида ҳам, яъни дўсти кечираётган ҳисларга жавоб бера олиш қобилияти маъносида ҳам эмоционал бўлади.

Катта мактаб ёшида биринчи марта алоҳида бир ҳис севги пайдо бўлади. Бу ўспирин ҳаётининг янги бир ҳолати бўлиб, у чуқур кучли, ҳақиқий ҳис сифатида номоён бўлади. Севги- бу нафақат ҳиссиёт, балки бошқаларни сева олиши қобилияти ҳамда севимли бўла олишдир. Айнан илк ўспиринликдаги севги беғубор, тиниқ, самимий бўлиб, ёши ўтгани сари унинг мазмуни бойиб, бошқа қадриятлар ҳам ўрин эгаллай бошлайди. ҳақиқий севги эса ўспиринлик йилларида пайдо бўлади. Унинг асосий мазмуни энди ташқи белги ва афзалликлари эмас, балки инсоний фазилатлар бўлиб ҳизмат қилади.

Севги шундай туйғуки, у бир шахснинг иккинчи шахс устидан мутлақ устунлигини инкор этади. Бундай ҳиссиёт севги бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўспиринлик ёшидаги йигит ва қизлар гуруҳда мулоқатда бўлишни ва бунда тенг ҳуқуқли муносабатлар бўлишини хоҳлайдилар. Бу талаб севишганлар учун қонун ҳисобланади. Ёшларга севги юксак маънавий жиҳатдан яхши, улуғ ва ижтимоий жиҳатдан манфаатли ишларни қилишга қодир бўлиши ҳақида ёшларга маълумот бериш лозим. Айниқса ёшлар ўзининг севги ҳақидаги фикрларига катталарнинг аралашувини ёқтирмайдилар. Шунинг учун ёшларнинг севгисига аралашуш лозим бўлган кишилар одобли ва мулоҳазали бўлишлари лозим. Чунки ёшларга

севгилисининг камчилиги кўрсатилганида уларни кўпчилиги озор топадилар, уларни ёмон кўрадилар. **Хатто уларни душман деб биладилар.**

Севги ёшлар ҳаётида катта роль уйнайди. Чунки ёшлар севгиси шахсий сифатларнинг таркиб топишига ёрдам беради. Бу эса катталарда жуда катта эҳтиёткорликни ва сезгирликни талаб қилади.

Баъзи ўқитувчилар, ота – оналар ёшларда севгининг кўринишларини пайқамасликка ёки “таъқиқлаш” га интилиб хато қиладилар. Лекин бу айнан ҳиснинг борлиги ёшларни улуғвор, самимийроқ, ҳар нарсага қодир ва кучли қилади. Шунинг учун ҳам, агар катталар, ёшлардаги севгини пайқаб қолсалар уларга самимий равишда дўстона муносабатда бўлиб севгисини ўзига хос хусусиятларини яъни, севишганлар доимо бир – бирини ҳурмат қилишини, бир – бирига ёрдам бериши лозимлигини, уларни ёмон кўздан, хатти – ҳаракат ва қилиқларидан асраши кераклигини, бир – бирига қўл текизмасдан иффатини сақлаши лозимлигини, севги асосида вафодорлик, самимият ётиши ҳақида маслаҳат беришлари лозим. Булар ҳаммаси яккама-якка ҳолда, самимий муносабат асосида, ёшнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Агар биз ёшларнинг севгисини “ман” этсак, “севишни сенга ким қўйди” деб уни паймол қилсак унда ёшлар катталардан яшириб учрашишга, пинҳон ерлар қидиришга ҳаракат қиладилар. Бу эса ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўспиринлик йилларидаги севги ва муҳаббат ҳисси нафақат қарама-қарши жинсларга қаратилган бўлади, балки ота-онани қадирлаш ва уларга нисбатан сеги-муҳаббат, яқинлар ака-ука, опа-сингил, ҳаётда иборат бўладиган кишиларни яхши кўриш, Ватанни севиш каби олий ҳислар ҳам тарбияланади. Шунинг учун ҳам ҳақиқий юксак муҳаббат соҳиблари бўлмиш ёшларни тарбиялаш-жамиятда инсоний муносабатларини барқарорлаштириш, одамлар орасида самимий муносабатлар ўрнатиш ва маънавиятни юксалишига хизмат қилади.

Ўқиш ва меҳнат фаолияти хусусияти.

Ўрта махсус ва касб ҳунар таълими талабаларининг ўқув фаолияти ўз характери ва мазмуни жиҳатидан ўсмирларнинг ўқув фаолиятидан фарқ қилади. Бунда таълимнинг мазмуни чуқурлашади ва ўқувга оид янги билимлар ўзлаштириш активлиги ва мустақиллиги билан ажралиб туради. Уларнинг ўқув дастурларини ва фанларнинг мурккаблашуви ўзлаштиришнинг назарий тафаккур ёрдамида амалига оширишни талаб қилади. Ана шу сабабли ўқувчиларнинг ўқишга муносабати ҳам ўзгаради, уларда фанларга турлича муносабатлар шаклланади. Бу эса уларнинг ҳар қайси фаннинг инсон дунёқарашидаги ролига, билиш фаолиятидаги ва ижтимоий аҳамиятига, амалий хусусиятига, ўзлаштириш имкониятига ва уни ўқитиш услубига боғлиқ бўлади. Бу даврда билишга қизиқиш амалий хусусият касб эта бошлайди. Бу қизиқиш ижтимоий-сиёсий масалага, техникага, табиатга, жамиятшуносликка, ҳуқуқ муаммоларига йўналган бўлади.

Катта талабаларда сезгирлик, кузатувчанлик такомиллашиб боради, мантикий хотира, эслаб қолишнинг йўл ва воситалари эса таълим жараёнида етакчи роль ўйнай бошлайди. Ўспиринлар топшириқларни бажаришда, уларнинг маъноси ҳамда моҳиятини тўла англаб иш тутадилар, эслаб қолиш, эсга тушириш жараёнининг самарали усулларида унумли фойдаланадилар. Тафаккурлари эса мустақил, ижодий ва фаол хусусиятларга эга бўлади. Лекин уларнинг фикр юритишларида бирмунча объектив ва субъектив камчиликлар учрайди. Бу жараён мувоффақиятли амалга оширишни таъминловчи диққатнинг сифати ва миқдори ўзгарилади. Диққатини кўчириш ва тақсимлаш сезиларли ривожланади, бошқаларнинг нуқтаи назарига эътибор бериш, уларнинг нутқини тинглаш, ёзиб олиш, мулоҳаза юритиш маҳорати ошади ва ақлий қобилияти такомиллашади. Ўқувчиларнинг ақлий қобилиятлари шаклланишида мустақил фикрлаш, мулоҳаза юритиш, мунозара қилишга мойиллик катта аҳамиятга эга. Унда аста – секин табиат ва жамият ҳақида ўзининг нуқтаи назари, эътиқоди, қарашлари шаклланади.

В. А. Крутецкий ва И. Н. Лукин юқори синф ўқувчиларининг билим эгаллашдаги ақлий индивидуал фаолиятини ўзига хос хусусиятларини 4 асосий группага ажратади:

1. Юқори даражада ўзлаштирмовчи ўқувчилар.

2. Ўқиш фаолиятида амалий қобилиятлари борлиги сезилиб турадиган ўқувчилар.

3. Назоратга жуда ҳам берилиб, амалий ишларга аҳамият бермайдиган ўқувчилар.

4. Ўзининг ўқиш фаолиятида назария билан амалиётни бирга қўшиб олиб борадиган ўқувчилар. Бу ўқувчиларнинг билими кенг, мустақил фикрлайдилар.

Таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг бу ақлий ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиши ва ўқувчилар билимларини шунга асосан баҳолашлари лозим.

Илк ёшдаги ўқувчиларида ўқиш фаолияти меҳнат фаолияти билан бирга олиб борилиши лозим. Агар ўсмир фақат ўқиш фаолияти билан, мактаб доирасидаги фаолият билан шуғулланса, катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг фаолияти мактаб доирасидан чиқа бошлайди. У энди оилада, мактабдан ташқарида мустақил меҳнат қила бошлайди. Ўқув масканларида эса жамоа ишини бажаради. Лекин бола қаерда бўлишидан қатъий назар у оиладами, мактабдами албатта қандайдир меҳнат билан банд бўлиши мақсадга мувофиқ.

Талабаларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишда қандай имкониятдан фойдаланиш лозим? Ўқувчилар меҳнати фақат ўзининг моддий натижа бериши томони билангина муҳим эмас. Ўқувчилар меҳнатини тўғри ташкил этиш шахснинг жамоатчилик, умум фойдаси учун қилинадиган меҳнатга муҳаббат, ташаббускорлик, меҳнатга интилувчанлик, интизомлилик, қатъиятлилиқ каби сифатларни таркиб топтиришга ёрдам беради. Ўспиринлар умумий меҳнатда қатнашар эканлар, меҳнатни ва меҳнат

кишиларни хурматлаш туйғусини ҳосил қиладилар уларда меҳнат қилиш эҳтиёжи ва истаги пайдо бўлади.

Бу ёшидаги ўқувчилар диққати кўп қиррали ва хилма-хил бўлиб, у ўқувчиларда ижтимоий ва ахлоқий муносабатларни тарбиялайди. Ўқувчи “мустақил меҳнат қилиш” жараёнида янги туйғулар, меҳнатдан қувониш, яратилган нарсга билан фахрланиш, эришилган ғалабадан қаноат ҳосил қилиш туйғуси вужудга келади. Бу эса янада фаолроқ меҳнат қилишга эҳтиёжни пайдо қилади. Катта ўқувчилар Республика миқёсида бўладиган шанбаликларда, мактаб майдончаларида, хийбонларни ободонлаштиришда бажону-дил иштирок этадилар, уларга жиддий ёрдам кўрсатадилар, мактаб ҳузуридаги тажриба участкаларида ишлайдилар. Бунда мактаб раҳбарлари, ўқитувчилари уларнинг ишларига ижобий боҳо беришлари лозим бўлади. Меҳнатнинг ижтимоий аҳамияти ва унинг натижаларига баҳо бериш ўқувчини меҳнатга психологик жиҳатдан тайёрлашнинг зарур томонларидан биридир.

Ўқувчилар меҳнатини тарбияловчи меҳнатга айлантиришнинг зарурий шарти уни ташкил этишни “жамоа шаклидир”.

Жамоа бўлиб меҳнат қилиш ўқувчи шахсини шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга. Чунки жамоа меҳнати ўқувчиларнинг меҳнатда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш тажрибасини, бир-бирини назорат қилиш тажрибасини ҳосил қилишларига имкон беради. Меҳнатнинг умумий натижаларидан шахсий манфатдорликни ва уларга бўйсунуш одатини таркиб топдиради.

Айниқса, ўқувчиларни “мустақил меҳнат” қилишга ўргатишга алоҳида эътибор бериш лозим. Мустақил меҳнат бажариш ва уни қилишга ўрганиш меҳнат ҳаётига ўтиш истиқболининг таъсири остида катта мактаб ёши учун характерли бўлган, келажак мақсадлари сари йўналишни таркиб топишга замин бўлади.

Катта мактаб ёши- меҳнат ҳаётида ўз-ўзини англаш ёши бўлиб, бу вақтда ўқувчи ўзининг меҳнатидаги истеъдодни жиддий равишда излай бошлайди, унда ўзининг келажакдаги касбини белгилаб олишга интилиш пайдо бўлади.

Юқорида баён қилганларнинг ҳаммаси ўспирин ёшларга хос хусусиятдир. Ҳар бир ота-она, ўқитувчи ва тарбиячилар бу имкониятларни билишлари ва ёшларни келажак ҳаётга таёрлашда уларга амал қилишлари мақсадга мувофиқдир. Ўспиринлик даври ҳам ўсмирлик даври каби муҳим аҳамият касб этади. Бу даврда илк ёшлик даври ўқувчилари фақат ҳаётда ўзлигини англабгина қолмай келажак ҳаёт режаларини тузадилар ва мустақил ҳаётга қадам кўядилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” 1997-йил 29- август.
2. И. А. Каримов Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент 1997- йил .
3. В. А. Крутекий “Педагогик психологиянинг асослари “ Тошкент 1976 йил.

4. И. С. Кон. “Психология старшеклассники” М. “Просвещение”1980 йил.
5. “ Ёш даврлари ва педагогик психология” М. Г. Давлетшин тахрири остида.Тошкент 2004- йил.
6. Хрестоматия по возрастной и педагогической психологии. Под. Ред. И. И. Ильясов, В. Я. Лядус. Москва МГУ 1981г.
7. Э. Ғозиев психология. Тошкент 1994 йил.
8. Э. Ғозиев Касб психологияси. Тошкент 2000 йил.
9. Баъзи касблар учун профессиограммалар. Тошкент 1998 йил.
- 10.Академик лицей ва касб - ҳунар коллежлари учун ўқитувчи кадрларни тайёрлашни илмий психологик асослари. Тошкент 1999 йил.
- 11.В. М. Каримова, Ф. А. Акрамов. Психология. Маърузалар матни. Тошкент 2000 йил.

“ Халқ таълими “ журнали 1998 йил № 2 – 3 – 4. 1999 йил. № 1 – 2. 2001 йил. 1 – 5.

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ПСИХИК ТАРАҚҚИЁТ .

Болада мактаб ҳаётининг бошланғич даври хусусиятлари.

Кичик мактаб ёши даврига 7 – 12 ёшгача бўлган давр киради. Бола мактаб ёшига етиб мактаб остонасига қадам қўйиши билан янги ҳаёт фаолиятига, янги муҳит шароитига кириб келади. Бу даврдан бошлаб бола фаолиятининг мазмуни ҳам, теварак атрофдаги нарсаларга муносабати ҳам ўзгаради. Энди у ўқувчи деган шарафли номга эга, унинг муайян вазифалари ва ўқувчилик бурчи бор.

Бола ўз ҳаётида янги давр бошланганлигини англайди, ўқиш маъсулияти унинг ҳатти-ҳаракатларига, юриш-туришига, ҳулқ-атворига катта таъсир кўрсатади. Мактаб ёшидаги бола мактаб қоидаларига риоя қилиш, дарс машғулотларига кечикмай ўз вақтида етиб келиши, дарсда ўқитувчининг тушунтираётган материалларини тинглаб уқиб олиш, топшириқларни ўз вақтида бажариши лозим. Дарсда ўзини қандай тутиши, гигиена ва тозалikka риоя қилиш ва катталар томонидан берилган буйруқ-кўрсатмаларни сўзсиз бажариш, жамият орасида ўзини қандай тутиши лозимлигини билиши керак. Яшаш шароитидаги бундай ўзгаришлар бола психикасининг ўсишига, ҳулқ – атворига, шахсининг таркиб топишига таъсир кўрсатади.

Мактабга кириш боланинг ҳаётида унинг фаолиятини бурилиш даври ҳисобланади. Катталар ва тенгдошлар билан янги муносабатлар майдонга келади. Бола бутун бир янги жамоалар тузимига қўшилади. Ўқувчи олдида бир қатор жиддий талаблар қўядиган ўқишга – янги фаолият турига қўшилиши ўқувчиларнинг ўз ҳаётини қайтий тарзда ташкил қилишдаги қонун ва тартибга бўйсунушга мажбур қилади. Ўқувчи таълим жараёнида ахлоқий нормалар ва ҳатти – ҳаракат қоидаларини ўзлаштира бошлайди.

Кичик мактаб ёши даврида ахлоқий ҳатти – ҳаракатларга пойдевор қўйилади. Мактабда бола доимий равишда янгиликлар олади. Бу ўқувчининг кундан – кунга ортириб бораётган, ҳилма-хил мазмундаги билимларининг манбаларидир. Боланинг билимларни доимий равишда ўзлаштириб бориши натижасида ундаги билимнинг доираси ҳам кенгая боради, ақлий жараёнлар ривожланади, шу билан бир қаторда, боланинг эмоционал ва иродавий хусусиятлари қайта таркиб топиб, ривожлана бошлайди. Мактабдаги таълим жараёнининг ўзи боланинг сезги, идрок, хотира, тафаккур, нутқ ва диққатларига талаблар қўяди. Шунингдек, мактабдаги ўқиш ташкилий, муайян мақсадга қаратилган анча ихтиёрий ақлий жараёнларни талаб қилади.

Янги мактаб остонасига қадам қўйган ўқувчи ҳам жисмонан, ҳам психологик томондан мактаб таълимини эгаллашга тайёр бўлади. Жисмоний жиҳатдан ўсиш жараёнида уларнинг ташқи қиёфалари, скелетлари билан бирга ички аъзолари ҳам ўсади. Аммо бу даврда юрак бир неча марта ўсган , бўлса ҳам, унинг мусукллари ҳали ўсиб етмаган бўлади. Ўқувчининг кўкрак қафаси ҳали кенгайиб кетмаганлиги учун унинг нафас олиши катта одамларнинг нафас олишига нисбатан анча қисқа бўлади. Асаб тизими

анчагина тараққий этган бўлиб, бош миясининг оғирлиги катталар миясининг оғирлигига (1300 граммга) яқинлашиб қолади. Уларнинг мияси фақат хажм ва миқдор жиҳатидан эмас, балки ички тузилиши, сифат жиҳатидан ҳам мураккаблашиб боради. Бош мия пўсти қисмидаги кўп марказларни бир-бирига туташтирувчи асаб толалари миэлин моддаси билан қопланган бўлиб, бу модда кўзғалишни асаб изҳор қила олиши, элементар ақлий операцияни бажара олиши (таққослаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш), бутунни бўлакларга ажрата олиши, кўргазмали тарзда тавсия этилган миқдорлар устида элементар машқларни бажара олиши уни мактаб таълимига объектив тайёрлигини кўрсатади.

Мактаб таълимига тайёргарликнинг субъектив томони ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мактабга янги келиб ўқийдиган бола учун мактабда ўқиш хоҳиши ва интилиши, катта одамлар билан янги шаклда ўзаро муносабатда бўлишга тайёрланиш хосдир. Улар катта ёшли кишиларга яни ўқитувчиларга таълим-тарбиявий ишларни топшириб қўйилганлигини тушунади, ҳамда уларнинг барча кўрсатмаларини яхшилаб бажаришга тайёр бўлади. Баъзи болалар мактабга учиб боришга тайёрлар, улар 1- сентабрийни сабрсизлик билан кутадилар. Баъзи болалар эса мактабга жон-дилдан борадилар, лекин унга вазминлик ва эҳтиёткорлик билан қарайдилар. Яна баъзилар эса мактабга боришни хоҳламайдилар. Баъзилар мактабга боришдан кўрқадилар, ёки дарс тайёрлашга ҳам баъзилар жон-дилдан киришса, баъзилар зўр-зўракай, ота-оналарининг мажбурлаши орқали киришади. Бундай салбий муносабат ўқувчининг таълим – тарбия ишига киришни ғоят қийинлаштиради, ўқувчида таълимнинг ижобий мотивлари таркиб топишига тўсқинлик қилади. Бу ёшдаги болаларни мактаб таълимини эгаллашдаги турли-туман тайёргарлик ҳолатлари ва уларнинг индивидуал психологик хусусиятлари таълимни мувоффақиятли ўзлаштиришга турлича таъсир кўрсатади. Бу эса ўқитувчи шахси олдида, ҳам ўқувчи шахси олдида баъзи психологик ўзгаришларни, қийинчиликларни пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Кичик мактаб ўқувчилари шахсини шакллантириш.

Кичик мактаб ёши даврида бола шахси шаклланиши давом этади. Янги фаолиятга ўтиш ўқувчи боланинг ўз асосий фаолиятига янги муносабатини пайдо қилади. Унда бурч хисси ўсабошлайди. У ўқиш шарт эканлиги ва унинг бурчи эканлиги, белгилаб қўйилган қоида ва талаблар бажарилиши шартлигини англайди. Ўқувчи ўзини ўқувчидек ҳис қилади ва унда яхши ўқишга эҳтиёж пайдо бўлади. Бу даврда ахлоқий хатти-ҳаракат пойдевори ўзлаштирилади, шахснинг ижтимоий йўналиши таркиб топа бошлайди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий онглари I ва IV синфдаги ўқиш мобайнида муҳим ўзгаришларга учрайди ва ахлоқий сифатлар, билим ва тасаввурлар сезиларли даражада бойиди ва бола ўзини ўзи англай бошлайди. У ўзига хос бўлган яхши ёмон хусусиятларни билмаса ҳам, лекин у ўзини менлигини ҳис қилади. Ўзини вазифаси, ҳозирги вақтдаги мақсади, уни бажариш лозимлиги, уйга берилган вазифаларини бажариш уни бурчи эканлиги, такрорлаш лозимлиги кабиларни англаб етади.

Мактаб таълимининг дастлабки йилларида қизиқишлар, хусусан, билим эгаллашга қизиқишлар, интеллектуал қизиқишлар сезиларли даражада ривожланади. Психологларни таъкидлашча, даставвал айрим фактларга, бошқа нарсалардан ажратиб олинган ёлғиз ходисаларга нисбатан қизиқишлар ҳосил бўлади. III-IV синфларда эса, сабабларни, қонуниятларни, ходисалар ўртасидаги алоқа ва ўзаро боғлиқликларни билиб олиш учун қизиқишлар ривожланади.

III-синфдан бошлаб ўқишга қизиқиш дифференциялаша бошлайди. Ўқувчилардаги бундай қизиқишлар ўзини англаш ва ўз хатти – ҳаракатига баҳо бериш каби хусусиятларни шакллантиради.

Демак, кичик мактаб ёшида таълимнинг таъсири билан болаларнинг психик ривожланишларида жиддий силжишлар юз беради. Бу уларни ҳаётларининг маъсулиятли даври бўлмиш ўсмирлик даврига ўтишга тайёрлайди

Мактабга кириш билан боғлиқ психологик қайта қурилиш.

Таълимнинг бошланиши билан бола психикасида кескин ўзгаришлар рўй беради, ўқувчи психологик томонидан қайта қўрилишга дуч келади.

Психологик қайта қурилиш бошланғич синф ўқувчиларида, айниқса 1-синф ўқувчиларида психологик қийинчиликларини келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу қийинчиликлар:

1. Биринчи синф ўқувчилари кўп ҳаракатларни интизом талаб қилган даражада чакқонлик билан, сифатли қилиб бажара олмайдилар. Лекин ўқиш фаолияти доимий равишда интизом қоидаларига риоя қилишни, 35-45 минутлик дарсида сабр-тоқат билан ўтиришни, ўзини – ўзи тута билишини талаб қилади.
2. Таълимнинг бутун мазмуни болалардан ихтиёрий жараёнларни: ихтиёрий диққат, ихтиёрий идрок, хотирани ривожланган бўлишини тақозо қилади.
3. Ўқувчи мустақил фикр юритиши, вазифаларни мустақил бажариши лозим. Бу хусусият ҳамма болаларда ҳам бирдек ривожланмаган.
4. Бола ўз бурчини англаган бўлиши, интизом қоидаларига риоя қилиши керак.
5. Диққат эътиборини ўқитувчи айтганларига қаратиш, уни идрок қилиб эсда олиб қолиш ва керак вақтида уларни бажара олиш қобилиятига эга бўлмоғи талаб қилинади. Бундай талабларга жавоб қайтариш сўзсиз ўқувчига қийиндир. Бундай қийинчиликларни мустақил равишда енга билиши аста-секин ва мунтазам ўқиш жараёнида материалларини осондан –қийинига, оддийдан мураккабга ўтиш орқали тушунтириш, болаларни ўқиш фаолиятига қизиқтириш, дарсларни қизиқарли, эмоционал ва образли баён қилиш орқали бартараф қилинади.

Кичик мактаб ўқувчиларининг ўқиш фаолияти.

Кичик мактаб ёшида таълим жараёнини тизимли ташкил қилиш болада беғамлик даврининг тугалланганлигидан далолат беради ва ўқишга бўлган муносабатлар тобора ўзгара боради. Бу даврда боланинг қизиқишлари ўйин фаолиятидан ўқув фаолиятига аста секин кўчиб ўтади. Ўқишга хос қизиқишлар кўпинча болаларнинг ўйин фаолиятига таъсир этади, ўқишга хос қизиқишлар кўпинча ўйинлар характери ва мавзу мазмунида акс этади.

Ўқув жараёни I-синф ўқувчиларининг диққатини ўзига жалб қилади. Чунки ўқув фаолиятида завқли ўқувчи бўлиш, мактаб талабларини адо этиш мароқлидир. Сўнгра ўқиш жараёнининг ўзига бўлган қизиқиш ўқиш самарасига кўчади. Ўқувчи болаларнинг муайян мақсадга киритилган фаолияти қизиқишларини ривожлантиради. Агар ўқувчининг ижтимоий қизиқишлари, жамоатчилик ҳислари рағбатлантирилса бу қизиқишлар шахсни бир ажралмас ҳислати бўлиб қолади. Таълим жараёнида ўқув

амалларини ўқитувчи томонидан назорат қилиб борилиши ўқувчини ўқишга бўлган қизиқишларини, ўқиш фаолият мотивларини ҳам шакллантиради. I – синф ўқувчиларининг ўқиш фаолияти мотиви муайян бир мақсадга аниқ йўналтирилган бўлса, III-IV синф ўқувчиларининг ўқув мотивлари аниқ бир мақсадни кўзлашга қаратилади. Улар нима учун яхши ўқиш, билим олиш, аълочи бўлишнинг мотивларини ҳис қилади. Улар яхши ўқиса, билим олса келгусида мухандис, ўқитувчи, шифокор бўлишини билади. Мактабга кирган даврдан бошлаб унинг асосий фаолияти ўқиш эканлигини тушунган ўқувчи муҳим ижтимоий вазифа-ўқиш, билим ортиришдан иборат эканини билиб олади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш фаолияти қатъий равишда мақсадга мувофиқлаштирилади.

Ўқиш фаолияти давомида бир томонидан боланинг мактабда ҳосил қилган билими мазмунлари, унда ҳосил бўлган кўникма ва малакалар, иккинчи томонидан, боланинг диққат эътиборини муайян нарсага жалб этиш, тегишли саволлар бериб жавоб талаб этиш, уни муайян нарсалар устида фикр юритишга, мулоҳаза қилиб боришга ўргатиб бориш бола ақлий қобилиятларининг ўстиришга кучли таъсир кўрсатади.

Кичик ёшдаги ҳар бир ўқувчи дарс давомида ўқитувчининг айтганларини билиб олишга интила бошлайди. Аммо бу ёшдаги боланинг ўқишга бўлган интилишини ўзида туғилаётган маънавий эҳтиёжларини тўла англаб ва бу эҳтиёжларини таминлаш учун қилаётган ҳаракатларни, масалан, ўқишнинг зарур эканлигини тушиниб олган ҳаракатлар деб бўлмайди, албатта. Лекин бу ерда муҳими шуки, қандай бўлмасин, боланинг ўқишга бўлган бундай ҳаракатларини ва интилишларини қўллаб – қувватлаш ҳамда уларнинг муайян даражада онгли интилишига айлантириш керак бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқишга бўлган қизиқишларини ва ўқиш мотивлари айрим ўқув фанларига ва улардан оладиган баҳоларга қизиқишлари ҳали ниҳоят даражада юзаки ва бевосита қизиқиш бўлади. Ўқувчиларда ўқишга бўлган қизиқиш мактабдаги таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйилиши ва тўғри олиб борилиши натижасида 9-10 ёшларга бориб анча барқарор, мустаҳкам ва асосли қизиқиш бўлиб қолади. Шу билан бирга улардаги ўқув мотивлари ҳам ижтимоий мотивларга айланиб боради.

Таълим-тарбия жараёнида кичик ёшдаги ўқувчиларда ўқишга бўлган интилиш анча онгли характерга эга бўла бошлайди. Бу эса боланинг билиш фаолиятига катта таъсир кўрсатади.

Кичик мактаб ўқувчиларининг меҳнат фаолияти.

Кичик мактаб ўқувчиларининг ўқиш фаолияти билан бирга меҳнат фаолияти ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Маълумки, мактабларда таълимнинг дастлабки босқичидан бошлаб ўқувчиларнинг мустақил меҳнат фаолиятига эътибор берилади. Бу давр ичида болаларда меҳнатга нисбатан онгли, ижобий муносабатда бўлиш асослари таркиб топа бошлайди. Уларда меҳнатга ҳавас уйғонади, меҳнатга ва меҳнат аҳлларига ҳурмат билан қараш, ижтимоий фойдали ишларда қатнашишга интилиш сингари фазилатлар таркиб топади I-IV синф ўқувчилари ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, турли материаллардан ҳар хил

буюмлар яшаш, ўсимликлар экиб ўстириш, уйдаги юмушларга қатнашиш каби бир қанча ишларда иштирок этадилар ва бу соҳада дастлабки кўникма ва малакаларни ҳосил қиладилар.

Кичик ёшдаги ўқувчилар зарур бўлган ҳаракат ва амалларни дарҳол ўзлаштириб ва эгаллаб олаолмайдилар ва кўпроқ ортиқча чалкаш ҳаракатлар қиладилар. Меҳнат жараёнидаги турлича иш ҳаракатларини, чунончи: тикиш, тўқиш, қийиш ёки тахталарни рандалаш каби иш ҳаракатларини қийналмасдан бирмунча силлиқ бажарадиган бўлиш учун ҳар бир ишда ҳар қандай ҳаракатлар қилиш кераклигини ва бу ҳаракатларнинг қай йўсинда амалга оширилишини аниқ билиб олиш ва эсда қолдирилиш керак бўлади. Ҳаракатларни қайта-қайта такрорлаш, машқ қилиб бориш натижасида кичик ёшдаги ўқувчиларда учраб турадиган ортиқча ва чалкаш ҳаракатлар йўқолиб беради.

Бола бирор иш – ҳаракатини ҳа деб такрорлай бериш, кетма-кет бажаравериши билан уни ўзлаштириб, уддасидан чиқадиган бўлиб қолмайди. Бунинг учун иш – ҳаракатини тўғри бажариш усулларига бола диққатини жалб қилиш ва бажараётган ҳаракатларни назорат қилиш, камчилик ва ютуқларни кўрсатиб туриш керак бўлади.

Ўқитувчи меҳнат дарсларида ўқувчиларнинг меҳнатига етарли даражада эътибор беришлари, меҳнат дарсларига алоҳида тайёргарлик кўришлари ўқувчиларнинг ҳар бир ҳаракатларини зийраклик ва кузатувчанлик билан назорат қилишлари, уларга индивидуал муносабатда бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Бошланғич синфларнинг меҳнати:

1-дан, уларни ёшлик ва индивидуал ва жисмоний ривожланишига мос бўлиши;

2-дан, ўқувчи шахсини қизиқтира оладиган;

3-дан, ундаги кундалик иш жараёнида ўз-ўзига хизмат қилишга асосланган;

4-дан, жамоа бўлиб меҳнат қилишга, бир-бирига нисбатан ҳамкорлик, дўстлик, ўртоқлик туйғуларини шакллантирадиган;

5-дан, ўқувчини ўз-ўзини тута билишга, қийинчиликларга бардош беришга ўргатадиган ва уларни шакллантирадиган;

6-дан, ўқувчи ўз меҳнати натижасидан баҳраманд бўладиган меҳнат хусусиятларига эга бўлиши лозим.

Бола ўз меҳнат фаолияти маҳсулини кўриб синф ёки мактаб жамоасига, жамоатчиликка манфаат келтираётганлигини билиб, ундан ҳабардор бўлиб борса ундаги ижтимоий фойдали меҳнатга бўлган иштиёқ яна ҳам ортади ва меҳнатга актив, ижодий онгли муносабат шакллана боради.

Кичик мактаб ўқувчиларда билиш жараёнларининг ривожланиши.

Кичик мактаб ўқувчиларининг барча билиш фаолиятлари, яъни: сезги, идрок, хотира, тафаккур, ҳаёл, нутқ, диққат мактабда билим олиш, билим асосларини эгаллаш жараёнида ўсиб, шаклланиб боради.

Бола мактабда теварак атрофдаги нарса ва ходисаларни, уларнинг хилма-хил сифат ва хусусиятларини ўзининг “яхши тараққий қилган асаб

тизми апарати”, бош мия ва бутун сезги аъзолари воситасида бир-биридан аниқ фарқ қилиб билиш имкониятига эга бўлади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда кўзни ўткирлиги рангларни ажратиш, эшитиш қобилияти боғча ёшидаги боларникига нисбатан анча такомиллашган бўлади. Бу сезгилар идрок қилиш жараёни билан чамбар-часть боғланган бўлади. Бола атрофидаги муҳитни бефарқ идрок этмайди, лекин кичик ўқувчиларнинг идроки кўпинча ноаниқ характерга эга бўлади. Улар бир – бирига ўхшаш предметларни айнан бир хил нарсалар деб қабул қиладилар. Кичик ўқувчиларда маконни идрок қилиш ҳам етарли даражада ривожланмаган. Улар асосий узунлик ўлчовлари номларини биладилар-у, лекин уларда масалан: бир километрга тенг бўлган масофанинг қанча бўлиши тўғрисида конкрет тасаввур йўқ.

Шунингдек, вақтни идрок қилиш ҳам сусти ривожланган. Болалар идрокининг заиф томонларига шу нарса сабаб бўладики, уларда билим ва тажриба етмайди, лекин шу билим ва тажриба пайдо бўлиб борган сари бола дунёни тобора аниқроқ ва тўғрироқ идрок қила бошлайди.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг хотираси катталар хотирасидан кўп жиҳатдан фарқ қилади.

7 – 8 ёшдаги ўқувчилар ҳамма нарсани сўзма – сўз ва харфма – харф ўзлаштириб олишга, хатто шундай ўзлаштиришни талаб қилмайдиган, баълки ўз сўзлари билан баён қилиш мумкин бўлмаган нарсаларни ҳам эса қолдириш лаёқатига эга бўлади. Уларда образли хотира кучли ривожланади, сўз мантиқ хотираси камроқ ривожланган бўлади, Таълим жараёнида ўқувчиларда маънавий хотира, эмоционал хотира ривожланади. 1 – 2 синф ўқувчиларида хотира ҳажми тор, 3 – 4 синф ўқувчиларида эса хотира ҳажми кенгайди.

Мактаб таълимининг системали олиб борилиши бола тафаккури ривожига кучли таъсир қилади. Мактаб таълимининг бошланишида болаларда тушунчали тафаккур тез ривожланади. Бу тафаккур жараёнида бола тушунчалар ёрдамида иш кўради. Аввалига тушунчали тафаккур аниқ предмет ва ҳодисалар билан маҳкам боғланган бўлади, лекин аста-секин кичик ёшдаги ўқувчиларда конкрет нарсадан абстрактлаштириш, умумлаштириш ва мавҳум хулосалар чиқариш кўникмалари вужудга келади. Улар етарли даражада нарса ва ҳодисалар ҳақида тушунчаларга эга бўладилар. Лекин улар мавҳум, абстракт тушунчаларни англаб олишга қийналадилар.

Болалар тафаккури билан бирга нутқи ҳам ривожланиб боради. Лекин боланинг мактабга кираётган пайтдаги нутқи маъно томонидан ҳали етарлича тараққий этмаган бўлади. Нутқдаги асосий фикрларни тушуна олмаслик, керакли сўзларни топиб жумла туза олмаслик, кўпинча шунга олиб келадикки, ўқувчи, ҳамиша ҳам ўқиб чиқилган материал мазмунини ўз сўзлари билан баён қилиб бераолмайди, уни сўзма-сўз айтиб беришни афзал кўради. Гарчи бу вақтда боланинг сўз бойлиги анча ортган бўлсада у кўпчилик ҳолларда пассив бўлади.

Кичик ўқувчиларнинг тафаккури, нутқи унинг ҳаёли билан бирга ривожланади. Кичик мактаб ўқувчилари ҳаёлидаги образлар ҳақиқатга яқинроқ бўлиб, уларни анча аниқроқ акс эттиради. Улар ҳаёлининг характери хусусиятли яратилган образларнинг яққоллиги ва аниқлигидадир. Хотирада яхши сақланиб қолган, олинган билимларнинг кенгайиб бориши туфали анча бой ва хилма-хил бўлиб борадиган ҳаёл образларининг мустаҳкамланиши юзага келади. Кичик ўқувчилар ҳаёли тахлитчан характерли бўлади, бола ўзи ўйлаб топган, эшитган, кузатган нарсасини тиклашга уринади. Шунинг учун ундаги ҳаёл тиклаш характериға эға бўлади. Ўқиш жараёнида бу тикловчи ҳаёл муҳим аҳамиятға эғадир.

Юқорида баён қилинганларидан маълумки, кичик мактаб ўқувчиларининг билиш жараёнлари, ақлий тараққиётға хос хусусиятлар унда келгувсида кўпроқ билим эғаллаш учун имкониятлар мавжудлигидан дарак беради. Бу имкониятларни бола фаоллигини рағбатлантириш, актив, мустатақил ва ижодий фикрлашға ўргатиш, ундаги имкониятларини қобилият даражасига етиши учун тинмай ҳаракат қилиш орқали шакллантириб бориш талаб қилинади.

Назорат саволлари:

1. Мактаб ҳаётининг бошланиши даврида болаларға хос хусусиятлар нимадан иборат?
2. Мактабда болалар қандай психологик қийинчиликларға дуч келадилар?
3. Ўқиш фаолияти хусусиятлари нимадан иборат ?
4. Ўқув фаолияти мотивларини изоҳлаб беринг.
5. Ўқувчиларнинг меҳнат фаолияти хусусиятлари тавсифномасини беринг?
6. Кичик ўқувчиларда диққат, сезги ва идрок хусусиятлари?
7. Хотира ва тафаккурда қандай ўзгаришлар рўй беради?
8. Ақлий тараққиёт резервлари деганда нимани тушунаси?
9. Ўқувчиларни ўз-ўзини англаш ва қизиқишлари қандай шаклланади?
10. Кичик ўқувчилар ва ўқитувчилар орасидаги ўзаро муносабатлар қандай харктергға эға бўлиши лозим.

Таълим психологияси.

Ўрганиш ва ўргатишнинг психологик асоси.

Таълим психологияси педагогик психологиянинг энг муҳим қисмларидан биридир.

Таълим жуда кенг маънога эга бўлиб, у билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, ўрганиш, ўргатиш жараёнидир. Бу таъриф ҳозирги замон психологияси учун етарли эмас. Чунки ҳозирги мустақиллик даврида таълим ўзининг мазмуни билан ўқувчиларга билим, кўникма ва малакалар бериш билан бирга ўқувчиларни ҳозирги замон руҳида, миллий қадриятлар, жаҳон маданияти ва маъорифининг илғор ғояларидан оқилона фойдаланиб тарбия берувчи, бола шахсини ривожлантирувчи, уни мустақил фикрлашга ўргатувчи, илмий тушунча ва изланишларга лаёқатли қилувчи, бола шахсини шакллантирувчи таълим ҳамдир.

Таълим икки томонлама жараён:

биринчидан, ўқитувчи томонидан бажариладиган, бошқариладиган; иккинчидан, ўқувчи томонидан бажариладиган жараёндир. Демак, таълим жараёни ўргатиш, ўрганиб олиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш хусусияти билан изоҳланади.

Ўргатиш (ўқитиш) – бу ўқитувчиларнинг ўқувчиларга билим, кўникма ва малакалар бериш, уларда янги ҳақиқатни очишга қодир бўлган ижодий, мантикий тафаккурни тарбиялашдир.

Ўқитиш ўз олдига шундай муҳим вазифани қўяр экан, у ўқитишнинг тамойилларига бўйсунити мақсадга мувофиқ ҳолдир. Ўқитиш тамойиллари таълим соҳасидаги Давлат сиёсатининг асосий тамойилларига қанчалик мос келса уларни амалиётга жорий этиш шунчалик катта аҳамият касб этади.

Ўқитиш тамойили – дидактик категория бўлиб, у таълим - тарбия жараёнининг мақсади ва вазифаларига боғлиқ ҳолда ўқитиш қонунлари ва қонуниятларининг амалиётга қўлланиш усулини белгилайди. Ўқитиш тамойиллари таълим тизимининг тузилиши, моҳияти, унинг қонуниятлари

ҳақидаги шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ташкил этадиган, амалиётни бошқаришда намоён бўладиган билимлар мажмуидир.

Ўқитиш ўзининг мазмунига биноан ривожлантирувчи ва тарбияловчи қонуниятлар билан белгиланади. Бу қонуниятлар ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини, воситаларини ва шаклларининг ижтимоий моҳиятга боғлиқлиги билан белгиланади.

Ўқитишнинг ривожлантирувчилик қонуни – таълим жараёнида ўқувчи, талабаларнинг ақлий жиҳатдан шакллантириш яъни фикр юритиш жараёнлари, ақл сифатлари ва мантикий тафаккурни ривожлантириш, эътиқод ва дунёқараш, комил инсон шахсини шакллантириш каби масалаларни камраб олади.

Ўқитишнинг тарбияловчилик қонуни – таълим жараёнида талабаларни маънавий – ахлоқий, ақлий, ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, жинсий каби тарбия мазмунини йўлга қўйиш, халқимизнинг маънавий – маърифий меросини ўрганиш, умуминсоний қадриятлар руҳидаги авлодни тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Шунингдек, ўқитиш қонуниятларига:

1. Ўқитиш мақсади, мазмуни, воситалари, шаклларининг ижтимоий муҳитга боғлиқлиги.
2. Педагогик жараён бирлиги ва яхлитлиги .
3. Самарадорликнинг талабаларни билиш фаолияти ҳарактерига боғлиқлиги.
4. Ўқув фаолиятини индивидуаллаштириш ва гуруҳли ўқитишни ташкил этиш.
5. Ўқитишда назария ва амалиёт бирлиги ва узвий боғлиқлиги.
6. Тарбияловчи ва ривожлантирувчи таълим.

Таълим жараёнида ўргатиш муаммоси жуда мураккаб, лекин ўқитилаётган ўқувчиларнинг индивидуал ва ёшлик хусусиятларини ҳисобга олиб, ўқитиш усуллари тўғри жамлай билган ўқитувчигина ўз мақсадига эришади.

Ўрганиш – бу ўқувчиларни ўқитувчи томонидан берилган билимларни, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришлари, қабул қилишлари, ўзларида билиш қобилиятлари, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларни таркиб топтириш жараёнидир. Бу пассив мушоҳада жараёни эмас, балки ўқитувчи томонидан ўқувчиларга бериладиган билим ва малакаларни, янги информацияларни актив равишда қайта ишлаш жараёнидир.

Ўрганишнинг асосий моҳияти шундаки, бунда ўқиш жараёнида ўқувчилар мустақил равишда билим ола билиш ва бу билимлардан фойдалана олиш кўникмасини ўз ичига олувчи ақлий ва жисмоний меҳнат элементларини ўзига сингдиради. Таълимнинг ижтимоий психологик моҳияти – мустақил билиш фаолиятидир.

Ўрганишнинг асосий мақсади боланинг мустақил равишда таълим олишга бўлган интилиши, унинг ўзидан илгари ўтган авлодлар тажрибасини эгаллаб олишга қаратилган фаолиятининг, жамият моддий ва маънавий маданиятида ўз аксини топган бойликларни билиб олишга қаратилган фаолиятнинг махсус шакли сифатида билим олишдан иборатдир. Бу эса таълим олишнинг психологик қонуниятларини очиқ беришни талаб қилади.

Маълумки, ҳозирги замон таълими ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнинигина эмас, чунки ҳозирги кунда фан ва техника шу даражада тараққий этдики, натижада таълим жараёнида компьютерлар, масофадан туриб ўқитиш, интернетлар хизматидан фойдаланиш каби имкониятлар пайдо бўлди. Булар эса таълим жараёнида ақлий фаолликни шаклланишини жадаллаштиришни талаб қилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон таълими- ўқувчи шахсини ақлий томондан ривожлантирадиган, маънавий – ахлоқий сифатларни тарбиялайдиган, ўқувчи шахсини шакллантирадиган таълим бўлиши талаб этилмоқда.

Ўқувчи муайян билим, кўникма, малака ҳосил қилиш учун, ҳуқ-атвор шакллари тушуниб олиш учун, ижтимоий тажрибалардан ташкил топган малакаларнинг асосий кўламини эгаллаб олиши учун у ўқув- тарбия тизимининг турли соҳалари билан машғул бўлмоғи ва бу ишларга жалб

этилмоғи керак. Бундай ҳолларда тегишли бир мазмунни ўзлаштириб олиш бир – бири билан алоқадор бўлган икки жараён: таълим олиш ва ўқитиш жараёнининг натижаси сифатида зуҳр этилади. Муттасил таълим олиш ғояси жорий қилинаётган бир шароитда таълимот инсон, инсон ижтимоий фаоллигининг субъекти ҳамда ижтимоий тараққиётнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзини доимий равишда камолга етказишга қаратилган фаол ижтимоий фаолиятнинг мустақил шакли сифатида кўпроқ ахамият касб этиб боради.

Таълим жараёни ўқувчиларда фақатгина билим, кўникма ва малакаларни шакллантирибгина қолмайди, балки ўқув фаолиятининг субъекти сифатида муайян психик хусусиятларга эга бўлган ўқувчининг яхлит бир шахси шаклланади. Ўқув фаолияти натижасида ўқувчида илгари мавжуд бўлган билимларга, теvarак-атрофдаги ҳаётни инъикос этиш усулларига, унинг ҳаракат дастурига қўшимча тарзда шахснинг онгида, ҳамда унинг психик хусусиятлари мазмунида ўзгаришлар бўлишига олиб келади.

Эгаллаб олинган билим ўқувчи шахсига таъсир кўрсатади ва у ўша билимларни қандай ўзлаштириб олганига боғлиқдир. Бу эса:

а) дастур асосида ўзлаштириб олинган ахборотни илгари мавжуд бўлган ахборотга яқинлаштириш;

б) илгари ўзлаштирилган ахборотни қайта тиклашга асосланиш;

в) ўзлаштирилган материалларни муҳим хусусиятлари, алоқа ва муносабатларига суяниб, тафаккурда қайта ишлаб чиқиш ва уни изоҳлаб бериш;

г) қайта ишлаб чиқилган материални эсда олиб қолиш, сақлаш ва унинг билим бойлигига айлантириш учун машқ қилиш имконини беради. Бу эса ўқувчини олган билимларини амалиётга тадбиқ этишига олиб келади. Бундай жараён эгаллаб олинган билимларни чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ўқув фаолияти фақат ижтимоий тарихий тажрибани ўзлаштиришдангина иборат эмас, балки у ўқувчининг дунёқарашини

ўзгартириш, билимини кенгайтириш ва бойитиш функцияларини ҳам бажаради. Ўқиш киши учун унинг сермахсул фаолиятида қўлга киритиладиган самарадорликни таъминлаш воситаси бўлиб қолади, фан-техниканинг тараққиётида у узлуксиз ўз билимини ўзи бойитиб ва ўзини – ўзи такомиллаштириб борадиган жараёнга айланади. Натижада ўқувчи ўз – ўзини англайди, таълим эгаллашга қизиқиши ортади, ўзини назорат қилади, баҳолайди, ўртоқларига ижобий муносабатда бўлиш орқали шаклланиб боради.

Таълимнинг мувафакқияти ўқув материалининг мазмунигагина, таълим усулларигагина эмас, балки кўп жиҳатдан ўқувчининг қандай ўқиётганлигини билишга, яъни ўқувчининг ёш хусусиятларига, ақлий тараққиёти ва активлигига мувофиқ малакаларни ўзлаштириш жараёнининг психологик асосларини билишга ҳам боғлиқдир.

Ўқиш жараёни ўқувчининг ўзига хос хусусиятларига ҳам – унинг психик ривожланишининг (ақлий, эмоционал, иродавий жиҳатдан) индивидуал тавсифномасига, унда ўқишга нисбатан қарор топган муносабатларга, унинг қизиқиш сабабларига боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, таълим жараёни ўқувчига нимани ва қандай қилиб ўзлаштиришнинг оддий бир хил натижаси эмас, яъни сиртдан таъсир қиладиган шарт-шароитларнинг оқибати эмас, балки ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ равишда амалга оширилади.

Рус психологи В. А. Крутецкийнинг фикрича таълимни ижодий ўзлаштириш, ўрганиш, билим эгаллаш уч факторга:

- 1) нимани ўқитишга,
- 2) ким ўқитади ва қандай ўқитишга,
- 3) кимни ўқитишга боғлиқ.

Биринчи ҳолда ўқиш характери ўзлаштирилаётган материалга, унинг мазмунига ва қандай тизимда етказиб берилаётганлигига боғлиқ.

Иккинчи ҳолда:

- а) ўқитувчининг услубий маҳоратига,

- б) иш тажрибасига,
- в) ўқитувчининг шахсий хусусиятларига ва унинг билимига боғлиқдир.

Учинчи ҳолда:

- а) кимни, қандай ўқувчини ўқитишга,
- б) психик ривожланишнинг индивидуал тавсифномасига,
- в) қизиқиш ва ҳавасларига боғлиқдир.

Ўрганиш, билимларни ўзлаштириш, информация олиш, эсда сақлаш ва уни англаб олишнигина эмас, балки билимларни кейинчалик ўқув ишида, шунингдек, меҳнат жараёнида умумий турмушга тадбиқ қилиш қобилиятига эга бўлишидир. Аммо бунинг ўзигина таълим жараёнини муваффақиятини белгилаб бермайди, бунинг учун билимларни ўзлаштиришга таъсир этадиган шарт- шароитларни билиш муҳимдир. Ўқитувчи билим бериш жараёнида ўқувчилар томонидан ўзлаштиришнинг психологик компонентларини билиши талаб этилади.

Билимларни ўрганиб олиш, уни ўзлаштириш қуйидаги психологик компонентлар асосида бўлади:

- 1) ўқувчиларнинг ўқишга ижодий муносабатда бўлиши;
- 2) материал билан бевосита ҳиссий танишиш жараёни;
- 3) олинган материални актив равишда қайта ишлаш жараёни бўлган фикрлаш (тафаккур);
- 4) қабул қилинган ва ишлаб чиқилган ахборотни эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш жараёни.

Агар ўқувчига ўзлаштиришнинг мана шу компонентларини ҳисобга олиб таълим берилса ва ҳар бир компонентда таълимни ўзлаштириш жараёнига эътибор берилса, ўқувчи уни муваффақиятли ўзлаштиради.

Ўрганиш йўл – йўлакай, тасодифий ва режали бўлиши мумкин.

Йўл – йўлакай ўрганиш турли материал ва информацияларни турли шароитда ўрганишдир. Бунда ўқувчи материални изланишлар, кўп китобларни мутоала қилиш, керакли материалларни топиб, уни ёзиб ёки

белгилаб қўйиш орқали ўрганади. Бундай ўрганиш инсон ҳаётининг турли фаолиятлари давомида рўй беради.

Тасодифий ўрганиш фаолият давомида кундалик ҳаёт ёки телевизор ва радиоларда, газета ва журналларда, ахборот технологияларида баён қилинган материалларни фавқулотда эшитиб идрок қилишдаги ўрганишдир.

Режали ўрганиш эса материалларни мунтазам равишда, режа асосида, мақсадга қаратилган фаолият муайян дастур ва дарсликлар, қўлланмалар орқали ўрганиш демакдир. Режали ўрганишнинг асосини таълим жараёни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ўрганиш фаолият ҳисобланади. Ўрганиш бу стихияли жараён эмас, балки у мақсадга қаратилган, режалаштирилган жараёндир.

Шунингдек, ўрганиш – материални ўзлаштириш – бу онгли жараён бўлиб у фаол жараён ҳамдир, чунки ўқувчи ўқитувчи томонидан баён қилган материални ўзининг тажрибасига, ҳаётга боғлаш билан бирга воқеликка онгли муносабатда бўлади. Бунда ўқитувчи шахси ҳам, ўқувчи шахси ҳам фаоллик кўрсатиши лозим. Уларнинг диққат эътибори муайян фаолияти мақсадга қаратилиши керак. (Ўқитувчи) $S \rightarrow \Phi \leftarrow S$ (ўқувчи) (Ф-фаолият мақсади) Ўргатиш жараёни ўқитувчи шахсига, унинг педагогик фаолиятга қандай тайёрлигига ва ўз билимларини ўқувчилар шахсига етказиб беришига, унда ўқувчиларнинг хусусиятларини ҳисобга олишга, таълимнинг ҳаётга ва болалар тарбиясига боғлаб олиб боришига боғлиқдир. Таълим жараёни ўзига хос психологик асосларга асосланади.

Ўрганиш ва ўргатишни яъни таълим жараёнини психологик асослар қуйидагича;

1 – таълимни психологик асослари ҳақидаги умумий масалалар яъни таълимнинг мувоффақиятини нималарга боғлиқлиги, ўрганиб олишнинг психологик компонентларига;

2 – болаларнинг ёш хусусиятларига кўра, яъни синфлар бўйича таълимнинг психологик асосларига;

3 – айрим ўқув предметларининг (математика, физика, химия ва б.к) алоҳида хусусиятларига кўра таълимнинг психологик асосларини ўз ичига олади.

Таълим берувчи кишилар дарс жараёнида буларни ҳисобга олишлари талаб қилинади.

Демак, таълим махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим ва малакалар билан қуроллантирадиган ва уларни билим қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир. У тараққий қилиб берувчи жараён. Бунда ўқитувчи билан ўқувчилар орасида, янгилик билан эскилик орасида, ўқиш билан ўқитиш орасида қарама – қаршиликлар бўлиши муқаррардир.

Шунинг учун ҳам таълимда ўқитувчи билан ўқувчи фаолиятини бошқариш лозим бўлади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини, таълим жараёнини бошқариш педагогик психологиянинг ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларидан биридир. Маълумки, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш анча қийин жараёндир. Лекин уни бутунлай бошқариб бўлмайдиган жараён деб аташ ҳам нотўғридир, чунки у аниқ мақсадни кўзлаб таълим бериш ғоясига зиддир. Чунки ўқитувчи таълим жараёнини ташкил этади, унга раҳбарлик қилади, уни амалга оширади дейиш ҳам уни бошқариладиган жараён деган маънони бермайди. Чунки биз бошқариладиган таълим деб шундай таълимни айтаемизки, бунда ҳар бир боланинг ҳаракатлари назорат қилиниши, ўқитувчи таълимининг ҳар бир босқичида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириши ёки муайян кўникма ва малакаларни ҳосил қилиши ҳақида узлуксиз ахборот олиб ва яъни материални ўтилган материалнинг ўзлаштирилганлиги ҳаракатига қараб тақдим қилиши лозим. Ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш жараёнини ва ақлий ривожланишнинг боришини ҳамма вақт ҳам назорат қила олмайди. Бу ҳозирги таълим жараёнининг жиддий камчилигидир.

Жаҳон психологларининг фикрича, билимларни бошқаришнинг мумкин бўлган йўли – ўзлаштириш жараёнини берилган топшириқнинг ўзлаштириш жараёни сифатида махсус ташкил этишдир. Бу соҳада яхшироқ ишланган тизим П. Я. Гальпериннинг аклий ҳаракатларни этап бўйича таркиб топтириш назарияга асосланган таълим тизимидир. Бу назарияга мувофиқ, одамнинг антогенетик ривожланишида ҳаракатлар интериоризацияси деган жараёнлар, яъни ташқи ҳаракатларнинг ички аклий ҳаракатларга айланиш жараёнларида рўй беради. Даставвал ўқувчилар ташқи, моддий ҳаракат билан иш кўради. “Фақат шундан кейингина ҳаракатнинг аста-секин ўзгариши – умумлаштириш ва у бажараётган даражани ўзгартириш натижасида, ҳаракатнинг интериоризацияси; яъни унинг ички ҳаракатга, энди бутунлай боланинг аклида воқе бўладиган ҳаракатга айланиши рўй беради” – деб ёзади А. Н. Леонтьев.¹

Таълим жараёнини бошқаришда П. Я. Гальпериннинг ўзлаштириш жараёнини махсус ташкил қилиш, таълимни этаплар асосида ташкил назарияси муҳимдир.

Бу этаплар қуйидагича:

I этап – болага ўзлаштириш учун йўл – йўриқлар кўрсатилмайди.

II этап - ўзлаштириш учун йўл – йўриқлар кўрсатилади ва ўқувчи уни бажаришга киришади.

III этап – моддий ҳаракат босқичи бўлиб, бунда ҳаракат ё предметларда ёки уларнинг тасвирларида (схема, чизмалар, макетлар ва ҳ.) олиб борилади, уларни нарсалар билан таққосланилади.

IV этап – кейин шу ҳаракатларнинг ўзини нарсаларга таянмай баланд овоз (нутқ) воситасида бажарилади.

V этап – баланд овоз воситасида ҳаракат қилишни ички режага кўчириш – бу худди ўша ташқи нутқнинг ўзи, лекин “ўз ичида” ҳаракат қилишдир.

VI этапда – ички нутқдаги “ўзи учун” ҳаракат қилишдир.


¹ Проблемы развития психики. 2- наші, 1945. 383- бет.


Ақлий ҳаракатларни босқичма – босқич таркиб топтириш шу жараён қайси шарт ва усуллар ёрдамида таркиб топган бўлса, ана шу шарт ва усуллар тизими томонидан детерминлаштирилган экан, бу уларни эгаллаш, бошқариши мумкин эканлигини англатади. П. Я. Гальперин раҳбарлигида ўтказилган тадқиқотлар фикрлаш ҳаракатларини кўрсатиб ўтилган тамойил бўйича таркиб топтириши таълим жараёнини самарали бошқариш имконини беради, деб кўрсатади.

Таълим жараёни ўқувчиларнинг ақлий ривожланишини таъминлаши мақсадга мувофиқ. Чунки, ақлий ривожланиш – бу таълимнинг мазмунини фаол идрок қилиш орқали уқиб олиш; уларни тезлик билан мнемик йўллар асосида хотирада қолдириш, фикр юритиш жараёнлари орқали уни қайта ишлаб чиқишнинг ривожланишидир. Яъни бу – умумий интеллектни ривожланишидир. Бу шундай фаолиятдирки ўқишдаги муваффақият ана шунга боғлиқдир.

Ақлий ривожланиш аввало таълим жараёнида ақл сифатларини (мустақиллик, изчиллик, пишиқлик, танқидийлик ва ҳ.з.) ўз ичига олувчи умумий ақлий қобилиятлар ўқувчининг назарий билим ва амалий фаолият имкониятларини характерлаб беради (Н. С. Лейтес).

Ақлий қобилиятлар – таълимни – бу эса 1) атрофдаги нарса ва ходисалар ўртасидаги боғланиш, 2) муносабатларни ўзига хос бўлган хусусиятларини: а) фаросатлилик, б) чуқур ўйлаш, в) танқидий ёндошиш орқали ҳал қилиш имкониятига эгадир.





Ю.А. Самарин - ақлий фаолиятнинг ассоциатив табиатни мунтазамлик тамойили асосида ақлий фаолият даражаларини классификациялади. Яъни:

- а) локаль ассоциациялар даражаси – айрим ходисалар ўртасида;
- б) чекланган – системали ассоциациялар даражаси – мактаб курсининг айрим мавзуси ва бўлими чегарасида;
- в) ички системали ассоциациялар даражаси – муайян ўқув фани даражасида.

Н.А. Менчинская ақлий ривожланиш онгда ниманинг акс этиши билан ҳам ва акс этиш қандай содир бўлиши билан характерланади, деб таъкидлади. У ақлий тараққиётни ақлий операциялар (фикр юритиш жараёнлари) ривожлантиради, деган фикрни илгари сурди.

Агар юқоридаги олимларнинг фикрларини таҳлил қилсак таълим жараёнида ақлий ривожланиш асосий масала эканлиги кўриниб туради. Ўқувчи таълим жараёнида мустақил ва изчил фикр юритмаса, олган билимларини фикр юритиш жараёнлари ёрдамида таҳлил қилиб уларнинг муҳим ва муҳим бўлмаган тамойилларини, ўхшаш ва фарқларини, тўғри ва нотўғрилигини ажрата олмаса; тегишли, асосли тушунчаларга эга бўлмаса, уларни асослаб бера олмаса; тасдиқ ёки инкор қилиш имкониятига эга бўлмаса билим жараёни билим бойлигига айланмайди.

Ақлий тараққиёт тафаккурнинг мустақиллиги, ўқув материални ўзлаштириш тезлиги, мураккаб материалларни ҳал қилишда ақлий чамалашнинг тезлиги, ўрганиб чиқиладиган материалнинг моҳиятига чуқур кириб бориш, ақлнинг танқидийлиги ақлий тараққиёт мезони ҳисобланади.

Ақлий тараққиётда мавзу мазмунини идрок қилиш тезлиги билан умумлаштиришнинг тезлиги муҳимдир. Бу эса таълим жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини белгилайди. Шунинг учун ҳам таълимни шундай уюштириш лозимки, у ўқувчининг ақлий ривожланишига максимал даражада ёрдам берсин, боланинг ақлий имкониятларидан фойдаланишга мажбур қилсин.

Ўқув ҳолатларининг турлари.

Кишининг фаолият жараёни одамнинг ўзини ўраб олган объектив дунёга актив муносабатда бўлишнинг энг муҳим шаклларида биридир. Шу фаолият туфайли одам билан ташқи дунё ўртасида реал боғланиш амалга ошади.

Педагогик психология ўқув ҳолатларининг асосий шаклларини ўйин, тақлид қилиш, меҳнат, такрорлаш ва ёд олиш, синаб кўриш ва хатоларни аниқлаш, машқланиш ва ўқув вазифаларини ҳал қилиш, мустақил фикрлаш, шунингдек, ҳиссий алоқа қилиш, нарсаларни қўл билан ҳаракатга келтириш, ролли ўйинлар, ўқув – профессионал фаолият кабилар билан белгилайди. Буларнинг ҳаммаси таълимни муваффақиятли ўзлаштиришга, ўрганиш фаолиятини енгиллаштиришга, янги билимлар ҳақида чуқур тасаввурлар қолдиришга, уларни хотирада узоқ вақт сақлаб туриш ва керак вақтда эсга туширишга ёрдам беришда асосий факторлардан ҳисобланади.

Жумладан, ўйин болаларнинг ижодий фаолияти бўлиб, у атроф ҳаётдаги воқеликни айнан ўзидагидек эмас, балки уни ўзича акс эттириш, баъзи нарсаларни ўзгартириш, ўзича ўйлаб чиқариш жараёнидир. Болалар ўйинларда ҳаёл қилади, ижод этиш элементлари кўринади, фикр юритади, уларни ўз нутқида баён этиш орқали ривожланади.

Меҳнат фаолияти у меҳнат дарсими ёки синифдан, мактабдан ташқари олиб бориладиган меҳнатми ўқувчи шахсига ҳар томонлама таъсир қилади. Ҳар томонлама ривожланиш шахсни тарбиялашнинг асосий шарти бўлиб шахснинг онгли фаоллигидир. Меҳнатда ўқувчи шахсининг характери ва иродасини тарбиялаш орқали болаларнинг кузатувчанлиги, диққати ривожлана боради. Меҳнат фаолияти ўқувчиларда нарсаларнинг ўзини ва

уларнинг шакллари, ҳаракатларини, масофани ва бошқаларни эсда қолдириш билан боғлиқдир. Одамнинг онгли ва мақсадга қаратилган меҳнат фаолияти ҳар вақт маълум мотивларнинг бўлишини тақозо қилади. Меҳнат фаолияти мотивлари одам эҳтиёжлари сабабли пайдо бўлади ва ривожланади. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига қизиқишлари эса у ёки бу фанни ўзлаштиришга интилиш, билимларни кенгайтириш ҳам маълум мотивлар асосида бўлади.

Ўқиш фаолияти жараёнида ўқиш, ўрганиш мотиви ўзгаради ва таркиб топади. Ўқиш фаолиятининг дастлабки йилларида ўқувчи, уйда уни уришмасликлари учун яхши баҳо олиш мақсадида ўқиши мумкин. Лекин ўрта мактаб ёшларида ўқув предметларига дифференциал қизиқиш юзага келади ва натижада ўсмирларда билишга бўлган қизиқишларни қондиришга қаратилган билимларни эгаллаш мотивлари пайдо бўлади ва у ижтимоий мотивларга айланади.

Меҳнат ва ўқув фаолияти мотивларини шаклланиб бориши ва уни ўқувчи шахсининг эҳтиёжларига мос келиши шу фаолиятнинг муваффақиятини таъминлайди.

Ўқув фаолияти мотивларини мазмун жиҳатидан такомиллашиб бориши ўқувчини фан асосларини чуқурроқ, мукамалроқ ўзлаштиришига сабаб бўлади. Ўқишга қизиқишни барқарорроқ бўлишига ва ҳатто келгуси ҳаёт режаларини тузишга, касб танлашга ундайди.

Маълумки, 1997 йил 25 августда “Таълим тўғрисида” қонун қабул қилинди. Унинг II бобида таълим тизими ва унинг турлари аниқ кўрсатиб берилди. Унга мувофиқ таълим ўз Давлат тили, дастури ва таълим муассасалари билан белгиланиб, у ягона ва узлуксиз таълим системасидир. “Таълим тўғрисида” қонунга биноан болалар ёшлигидан бошлаб топишлаб чиқариш жараёнида ҳам таълим олишга ҳақлидир. Таълимни эгаллаш таълим турлари тизимида шаклланиб боради. Таълим турларига:

1) мактабгача таълим, 2) умумий ва ўрта таълим, 3) ўрта махсус таълим;

4) олий таълим; 5) олий ўқув юртларидан кейинги таълим; 6) малака ошириш; 7) мактабдан ташқари таълим; 8) оиладаги таълим тизими билан изоҳланади.

Бу таълим тизими ёшларга билим, кўникма ва малакалар бериш билан кифояланмай, балки уларни комил инсон қилиб етиштириш каби буюк вазифаларни бажаради. Бу вазифалар ўқувчиларнинг билими, ҳаёт тажрибалари билан боғланган бўлишини талаб қилади. Фан асосларини ҳаёт билан, мустақил ривожланиш амалиёти билан мустаҳкам боғлаб ўрганиш, уни ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиб олиб бориш талаб этилади. Шундагина ўқувчилар билимларининг ошиши ва бойиши учун, ўқувчи шахсининг таркиб топиши учун катта имкониятлар вужудга келади. Ўқув амаллари ва ўрганувчи ўқувчи назарий олган билимларни амалга татбиқ қилишда, бевосита ишлаб чиқариш (завод, фабрика, қурилиш ва ҳ.) билан боғлиқ бўлишда катта аҳамият касб этади ва болани келгуси ҳаётга, фаолиятга, касбга тайёрлайди.

Инсон жамияти болалар онгига асосан тарбия ва таълим йўли билан уюшган таъсир кўрсатади. Болалар теvarак атрофдаги кишилар билан хилма – хил ўзаро муносабатларга киришар экан, билим, маҳорат ва малака орттира бошлайди. У аввал оила шароитида ёки мактабгача тарбия муассасасида сўнгра мактабда ўқийди, таълим олади.

Таълимнинг мазмуни унинг мақсадидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмуни деганда, ўқувчиларнинг ўқиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда тизимга солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади.

Таълимнинг мазмуни бир қатор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади:

а) ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлари, ижтимоий тузумнинг хусусиятлари;

б) давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ҳамда вазифалари;

в) ўқитиш қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларнинг имкониятларини эътиборга олувчи дидактик талаблар. Бу талаблар системали таълим – тарбия бериш жараёнида амалга оширилиши ва такомиллашиши мумкин.

Таълим жараёнига таъсир этувчи омиллар.

Таълим жараёнини муваффақиятли ташкил этиш унга таъсир этувчи омилларга боғлиқдир. Бу омиллар ички ва ташқи омиллардир.

Ички омилларга диққат ва установкалар, қизиқиш киради, яъни таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар диққатини ташкил қилиши, уларнинг ҳолатларида турлича диққат хусусиятларидан фойдалана олиши, диққатнинг барқарорлик ва ихтиёрийлик хусусиятини шакллантиришдаги усуллардан фойдаланиб ўқувчи диққатини ривожлантириб боришдир. Шунингдек, ўқувчиларни ҳам ўзига жалб қилиш, ўзлаштиришда қийналадиган, диққати тарқоқ ўқувчилар билан ўзаро муносабатлар ўрнатиши таълим муваффақиятини белгилайди.

Бола ҳар қандай таълим жараёнида ҳам, у болани қизиқтирадими, зериктирадими ундан қатъий назар дастур мазмунини эгаллашга тайёр туришлари, установкалар кўп жиҳатдан ўқитувчи шахсига боғлиқдир.

Шунингдек, ички омилларга ўқувчининг дангасалиги, ишёқмаслиги, ўз иродасини ташкил қила олмаслиги, лаёқатининг пастлиги ҳам киради.

Ташқи омилларга ўқув материалининг мазмуни ва шаклини мақсадга йўналтириш даражаси, ўқувчининг бир синфда икки йил қолиши, бир мактабдан иккинчисига кўчиб ўтиш, ўқитувчиларни ўзгариб туриши ва уларни ўқув жараёнига муносабати, ўқувчини касал бўлиб қолиши кабилар киради. Булар ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириши ва уни уқиб олишига таъсир қилади ва ҳатто ўзлаштириш жараёнини пасайишига сабаб бўлади.

Таълимда кўргазмалилик. Ўқув материалининг мазмуни ва унинг шакли.

Бошланғич синфларда таълим жараёнини ўзлаштиришда кўргазмалилик катта аҳамиятга эгадир. Таълим психологиясида кўргазмалилик предметли – тасвирий, техник ва сўз кўргазмалилигига ажратилади. Предметли кўргазмалиликка табиий объектлар, теварак - атрофдаги предмет ва ходисалар киради. Ўқувчиларни теварак – атрофдаги борлиқ билан таништириш тегишли материални яхшироқ ўзлаштиришга, тушунишга ва маъносига етиб эсда олиб қолишга ёрдам беради. Предметли кўргазмалиликка ўқитувчи ҳамда ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар ўтказадиган тажрибалар киради. Бундай ҳолларда ўқувчилар ҳар хил физик, биологик, химик жараёнларнинг ва ходисаларнинг қандай руй беришини ўз кўзлари билан кўрадилар. Предметли кўргазмалиликнинг асосий турига ўқувчиларнинг экскурсия пайтида кузатган нарсa ва ходисалар киради.

Тасвирий кўргазмалилик фақат ҳиссий таянчга, предметнинг ўзигагина асосланиб қолмай, балки сўз орқали умумийлаштиришга ҳам асосланади.

Техник кўргазмалилик – техник воситалари таълимда алоҳида аҳамиятга эгадир. Техник кўргазмалилик экранли ва овоз техникадан иборат бўлган асосий 2 турга бўлинади. Экранли техник кўргазмалиликка ўқув кинофильмлари, диафильмлар, диапозитивлар ва теле эшиттиришлар киради.

Таълимнинг овоз – техника кўргазмаси воситаларига граммофон, магнитофон ёзувлари ва радио эшиттиришлар киради.

Мактаб ишида энг кўп қўлланиладиган кўргазмали курул сўз кўргазмалилиги бўлиб, бу ўқитувчининг нутқидир. Ўқитувчининг нутқи ўқувчиларнинг эмоционал ҳолатига таъсир этиб, уларда тасаввур ва ҳаёлнинг ёрқин образларини пайдо қиладиган энг ишончли воситадир.

Кўргазмалилик психологик томондан билимларни ҳиссий ва фикран ўзлаштиришни боғловчи восита бўлиб, унинг ёрдамида фикрлаш фаолияти конкретлашади, шу билан бир вақтда фикрлаш фаолияти яқка кўргазмали образларни умумийлаштиришга ёрдам беради.

Ўқув материалларининг мазмуни ва қоидалари.

Таълим бериш, тарбиялаш ва ўқувчиларнинг умумий ривожланиши бир бутунликда амалга оширилади. Кўникма ва малакаларни чуқур, пухта, онгли ва таъсирли ўзлаштиришни таъминлайди. Ўқитишни айнан шундай натижага қаратиш унинг онглилик, пухталик, таъсирчанлигини ҳаққонлайди. Таълим қоидалари ўқитувчининг фаолияти ва ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва йўл – йўриқларини ўз ичига олади. Таълим қоидалари ҳар иккала фаолиятни, яъни ўқитувчи ва ўқувчи томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини беради. Таълим қоидалари деб умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши, ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малакаларни ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларининг йиғиндисига айтилади.

Таълим қоидалари қуйидагича:

- 1) таълимнинг илмий бўлиши;
- 2) таълимнинг тизимли ва изчил бўлиши;
- 3) таълимнинг тарбияловчилик ҳаққонери;
- 4) таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлиши;
- 5) таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик;
- 6) таълимда кўрсатмалилик қоидаси;
- 7) таълим жараёнида ҳар қайси ўқувчига ҳос ҳусусиятларни ҳисобга олиш;
- 8) таълимда илмий билим ва кўникма, малакаларни пухта, мустаҳкам ўзлаштириш;
- 9) таълимнинг ўқувчига мос бўлиши;
- 10) таълим ва тарбиянинг бирлиги.

Илмий билимлар – воқеликнинг ҳаққоний инъикосидир. Теварак – атрофдаги ўраб олган дунёнинг қонуниятларини, нарс ва ҳодисаларнинг ички муҳим ҳоссаларини ва ўзаро алоқаларини акс эттирувчи

билимларгина илмий ҳисобланади. Илмий билимлар илмийлигича, воқеликни ҳар хил даражада акс эттириши мумкин. Илмий билимларни эгаллаш жараёнида ўқувчиларда илмий дунёқараш, эътиқод таркиб топади ва тафаккур ривожланади.

Таълимнинг тизимли бўлиши унинг изчил бўлиши билан боғлиқ. Изчилликка асосланган таълимнинг характерли белгиси шундаки, ўқувчиларнинг олдиндан ўзлаштирган билим ва малакалари замирида янги билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларнинг ўзаро боғланишларини такомиллаштириш ва аксинча янги билимларни баён қилиш жараёнида олдиндан ўзлаштирилган билим ва кўникма, малакаларни яна ҳам чуқурлаштириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлаштиришдир. Таълим жараёнида ўқувчиларни тизимли илмий билим олишлари кўникма ва малакаларни ўзлаштириб олишни таъминлайди.

Таълим – тарбиянинг бирлиги таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш ва ўқитишнинг хилма – хил усул ва услубларидан фойдалана олишга боғлиқдир. Таълим билан тарбиянинг бирлигини таъминламоқ учун:

- а) ўқув материалларининг мазмунини ҳам илмий, ҳам ғоявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиш;
- б) ўқитилаётган теманинг илмий ва тарбиявий моҳиятини очиқ бериш;
- в) илмий билимларнинг пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш ва турмушда унга амал қилиш;
- г) ўқувчиларнинг қизиқишлари, активлик ва ташаббускорликларини таъминлашга эътиборнинг кучайтирилиши;
- д) таълим жараёнида ўқувчиларни уюшқоқлик, интизомлилик ва жавобгарликни сезиш ўзаро ёрдам ҳисларини тарбиялашни таъминламоқдан иборатдир.

Таълим жараёнида назария билан амалиётнинг бирлиги қондасининг изчиллик билан амалга оширилиши оқибатидагина ўқувчилар ўқув материалларининг туб моҳиятини, табиат ва жамият

тараққиёти қонуниятларини илмий асосда атрофлича тўғри, чуқур тушуниб оладилар ва келажак амалий фаолиятлари учун зарур бўлган маҳорат, кўникма ва малакалар ҳосил қиладилар. Ўқитиш жараёнида онглилик ва фаоллик ўқувчиларда тафаккур ва нутқни ривожлантиришни назарда тутди. Онглилик ва фаоллик ўқувчиларни меҳнат ва ўқишда ижодий фаолият усулларга ўргатишни талаб этади.

Таълимнинг кўргазмалилиги дидактик қоидаларнинг бири бўлиб, ўқувчиларнинг билим олишларини осонлаштиради. Бу ўқитиш жараёнида кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм – маза билиш, тери мускул – ҳаракат каби сезги органларининг бир йўла объект устига сафарбар қилишдир. Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши бу ўқув материалларининг ўқув мазмуни, ҳажми, характери ёки бу синф ўқувчиларининг жисмоний ривож, савияси ва имкониятларига лойиқ бўлишидир. Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириб олишнинг мустаҳкамлилигига аввало ўқитиш қоидалари тушунарлилик, тизимлилик ва изчиллик, назария ва амалиётнинг боғлиқлиги, кўрсатмалилик ўқувчиларнинг онглилиги ва фаоллигини амалга ошириш билан эришилади. Синф ўқувчиларига хос бўлган умумий хусусиятлар, маълум синф ўқувчиларининг жисмоний, ақлий ва руҳий ривожланишида намоён бўлади.

Таълим мазмунини тўла ва чуқур ўзлаштиришда такрорлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун такрорлашнинг аниқ бир мақсадга қаратилган бўлиши, такрорлаш материални эсдан чиқармасдан олдин бўлиши, такрорлашда ассоциация қонунларига риоя қилиб, материални бир – бирига боғлаб такрорланиши, қийин материални энг муҳим хусусиятларини ажратиб уни ён дафтарга ёзиб ёки тагини чизиб такрорлаш муҳимдир. Энг асосийси такрорланган материални онгда қайта ишлаб чиқишдир. Бунда ўқиб, ўрганиб олинган материал ётиш олдидан ёки бошқа жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш жараёнида уни ичида такрорлаб чиқилса, ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмаган материал аниқ бўлиб қолади ва ўқувчи ўзлаштирилмаган материални китобни очиб

ўқиб олса, у материал унинг билим бойлигига айланади. Такрорлашда ёд олишни ташкил қилиш ҳам аҳамиятлидир. Ёд олиш хронологик рақамларни, формула ва қоидаларни билишда бўлиши мумкин. Лекин материални ёд олишда унинг мазмунига алоҳида эътибор бериш лозим. Агар ёд олинаётган материални мазмунига тушиниб, уни бир – бирига боғлаб ўқиб олишга эътибор берилмаса, ундай ҳолда қуруқ ва ёд олинган материал тезлик билан унутилади ёки у ўқитувчидан баҳо олгунга қадар етади ва кейин эсдан чиқади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришларида бунга, албатта, эътибор беришлари лозим.

Шунингдек, таълим жараёнида ўқитувчи берган янги билим ва информацияларни ўқувчилар томонидан қандай ўзлаштирилганликларини билишда таълимдаги қайтарма алоқа муҳимдир. Қайтарма алоқа жараёни ҳамма жараёнларда ҳам, айниқса, янги мавзунини мустаҳкамлаш ёки ўтилган мавзунини такрорлаш жараёнида бўлади. Ўқитувчи синф ўқувчиларини ўтилган янги мавзунини қандай ўзлаштирилганликларини аниқлашда мавзу бўйича кўплаб майда саволлар бериши аҳамиятлидир. Саволларга жавоблар олиш орқали мавзунинг мазмунини ўқувчилар қандай ўзлаштирилганликларини билиб олади.

Таълимда кўникма ва малакаларнинг шаклланиши.

Билимларни ўзлаштириб бориш турли кўникма ва малакалар ҳосил қилишга таъсир кўсатади. Ҳар қандай кўникма билимларсиз бўлмайди. Таълимий кўникмалар (ёзиш, ўқиш ва ҳисоблашни ўрганиб олиш) кўникманинг биринчи турига киради. Кўникма ва малакаларнинг иккинчи тури унумли меҳнатга доир бўлиб, улар касб - ҳунар таълими жараёнида такомиллашади. Шунингдек, бу кўникма ва малакалар синфдан ташқари машғулотларда, фанлар бўйича тўғарақларда, қўл меҳнати дарсларида қоғоздан, картондан, газламалардан, пластилиндан турли нарсалар тайёрлаш йўли билан ҳосил қилинади.

Билимларни ўзлаштириб олиш ҳосил бўлиши лозим бўлган кўникма ва малакаларни тушуниб олиш, мактабларда кўникма ва малакалар эгаллашнинг зарурий шартидир.

Кўникма ва малакалар эгаллашнинг яна бир зарурий шартларидан бири машқ қилишдир. Машқ керакли ҳаракат ва усулларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш мақсадида уларни кўп марта такрорлашдир. Лекин такрорлашни ўзи ҳаракатни такомиллаштириш эмас, балки қилинадиган такрорий ҳаракатлар ишни бажаришни такомиллаштиришга қаратилиши лозим. Таълимда малака - машқ қилиш натижасида эгалланган, автоматлашган ўқиш ҳаракатидир. Кўникмалар билан малакалар ўзаро мустаҳкам боғланган бўлади. Кўникма онгли ва аниқ ҳаракатларга тайёргарлик бўлса, малака шу фаолиятнинг автоматлашган звеносидир. Малака ўз навбатида кўникманинг такомиллашишига ёрдам беради. Малака ўқув предметларининг барча турларини ўзлаштириш жараёнида ҳосил бўлади. Мустаҳкамланган малакалар ҳар бир ҳаракатни бажаришни енгиллаштиради, унинг устида кўп ўйламасликни таъминлайди. Маълум малакалар системасининг бўлиши фаолиятнинг ҳар қандай тури - ўқиш, меҳнат, спорт ва бошқалар учун жуда зарурдир. Мураккаб ўқув материалининг тушуниш ва ўқиш, ёзиш, масала ечиш ва бошқа масалаларнинг бўлишини талаб қилади. Малакалар ҳар бир инсоннинг ҳаёт фаолияти давомида шаклланадиган ҳаракатлар формасига киради. Малакалар машқ қилиш, яъни ҳаракатларни кўп марта такрорлаш йўли билан ҳосил қилинади. Малакаларни эгаллаш учун машқларни онгли равишда бажариш керак. Такрорлаш жараёнида малакаларнинг ҳосил бўлишида одатда ҳаракатларни бажаришга сарфланадиган вақт қисқаради, хато ва ортиқча ҳаракатларнинг миқдори камаяди, ишнинг сифати яхшиланиб, кўриб назорат қилишнинг кучи озаяди. Малака эгаллашнинг турли босқичлари бўлишига қарамай, ҳар қандай малака маълум фаолиятни эгаллашнинг маълум бир изчиллигида ҳосил бўлади. Биринчи босқич - танишиш босқичи. Бу босқичда бажариладиган ҳаракатлар

англанади. Улар ҳақида тўғри тасаввурлар ҳосил қилинади. Ҳаракатларни эгаллашнинг мақсади тушунилади. Иккинчи босқич – тайёрлов, аналитик босқич. Бу вақтда ҳаракатлар англанган бўлади, аммо уни бажаришда қийинчиликка дуч келинади. Ҳаракатларни бажаришнинг айрим элементлари эгалланади ва шу билан бирга, ҳаракатларни бажариш усуллари анализ қилинади. Учинчи босқич – стандартлаштирувчи, синтетик босқич. Бунда ҳаракат элементлари автоматлашади, бирлашади. Ҳаракатлар сифатли бўла бошлайди. Бир- бирига қўшилади. Тўртинчи босқич – вазиятга қараб ўзгарадиган босқич. Ҳаракатларнинг бажарилиши хусусиятини ихтиёрий равишда идора қилиш ўзлаштирилади. Турли фаолиятларнинг бажариш жараёнида ҳосил қилинган малака билан илгари эгалланган малаканинг ўзаро таъсир этиши катта ўрин эгаллайди. Илгари эгалланган малакалар янги ҳаракатларни эгаллаш жараёнига икки хил таъсир этади. Илгари эгалланган малакаларнинг янги малакаларни эгаллашга ижобий таъсир этишига малакаларни кўчириш дейилади. Малакаларнинг кўчиришни инсон малакаларининг барча турларида учратиш мумкин. Малакаларнинг кўчиши киши фаолиятининг тезлашуви ва такомиллашуви учун муҳим аҳамиятга эгадир. Малакаларда ўзгарувчанлик хусусияти бўлади. Агар ўқувчи ишлашни давом эттириб борса, малакалар ҳам такомиллашиб боради. Агар ўқувчи машқ қилишни тўхтатиб қўйса, малакаларнинг ўсиши ҳам тўхтаб қолади. Таълим жараёнида илгариги малакалар янги малакаларни эгаллашга, янги ўқув материалининг ўзлаштиришга ёрдам беришини кўрамиз. Малакаларнинг кўчиши, психологларнинг таъкидлашича, механик жараён эмас. Ўқувчилар билим ва малакаларини кўчиришнинг қайси усулидан фойдаланмасин уларнинг бу соҳадаги фаолиятлари ҳамма вақт ўқитувчининг назарида бўлмоғи лозим. Ҳар бир ўқитувчи кўникма ва малакалар ҳосил қилишнинг қонуниятларини билмоғи лозим. Кўникма ва малакалар қуйидаги қонуниятга асосланади.

- 1) Малакаларни ҳосил қилишдаги нотекистликлар яъни: бунда ижобий ютуқлар билан бирга ҳатто нотўғри ҳаракатлар ҳам қилинади. Ҳамма ўқувчиларда ҳам малакалар бир хил шаклланавермайди.
- 2) Малакалар кўчиши ёки тормозланиши мумкин. Бунда илгари мустаҳкамланган малакалар янги малакаларни ўзлаштиришини тезлаштиради.
- 3) Малакалар юксалиши ва пасайиши мумкин. Бунда машқ катта роль ўйнайди, ўқитувчи ўқувчиларда малакалар ҳосил қилишда унга хос қонуниятларни назарда тутмоғи лозим.

Таълим жараёнида билим ва тушунчаларнинг шаклланиши.

Таълим жараёнида билим ва тушунчаларни шаклланиб бориши муҳим масалаларидан биридир. Ҳар бир фанлар бўйича бериладиган билим ва тушунчаларни ўзлаштириш жараёни бевосита ўқувчиларнинг психик жараёнларни ривожланиб боришига, уларда қобилият ва қизиқишларнинг шаклланишига таъсир кўрсатиш билан бирга уларни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан шаклланишига ёрдам беради. Чунки умумий маълумотлар мактабларда фан асослари, яъни ўзаро мантиқий боғланган ўқувчиларнинг ёшига мос ва табиат, жамият ҳамда тафаккурнинг муҳим тараққиёт қонунларини тўғри тушунишга ёрдам берувчи фаннинг асосий томонлари ўрганилади. Шунинг учун ҳам ўқув фанларининг тузилиши ва дастурлар мактабнинг таълим - тарбия вазифаларига, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига жавоб берадиган бўлиши лозим. Шундагина бу ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топган шахс қилиб тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

Билимларни ўзлаштиришнинг моҳияти.

Билим кишиларнинг объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни, табиат ва жамиятнинг қонуниятларини билиб олишдан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам билим билиш маҳсулидир. Киши ҳаётида таркиб топган билим тарихий тараққиёт давомида ўзгариб боради, янги билимлар билан тўлдирилади, кишининг нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги билимлари тобора

чукур, аниқ ва равшан бўлиб ўсиб бораверади. Билим оғзаки ёки ёзма нутқ орқали авлоддан – авлодга ўтиб, кишилар томонидан ўзлаштириб борилади.

Ўқувчиларнинг билимлари қандай бўлмоғи керак:

а) мактаб томонидан бериладиган муайян мақсадга қаратилган билимлар энг аввало, қатъиян илмий, яъни ҳақиқий, текширилган бўлмоғи лозим. Ўқувчиларнинг билимлари фақат ҳақиқий фактлар билан бойитилган бўлиб, унда ҳеч қандай узилишликка йўл қўймаслик керак. Ўқувчиларнинг фикри ҳодисаларга, сўнгра унинг моҳиятига йўналтирилиши, уларга нарсаларнинг пайдо бўлишини, уларнинг ўзгариши ва ривожланишини кўрсатиш, энг муҳими, ҳодисалар ўртасидаги ички ўзаро боғланишларни кўрсатиб бериш мумкин бўлади. Ҳозирги вақтда фан ғоятда тез ўсмоқда ва унинг янги тармоқлари вужудга келмоқда. Табиат ва жамият ҳақидаги эскириб қолган тасаввурлар ўрнига янги тасаввурлар, тушунчалар пайдо бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг илмий билимларида албатта акс этмоғи керак. Ўқувчилар билимига қўйиладиган муҳим талаблардан бири билимнинг системалилигидир. Ўқувчилар томонидан ўзлаштириладиган билимлар ўзаро боғланган, аниқ мантиқий тузилишга ва изчилликка эга бўлиши лозим.

Ўқувчилар билими тушунарли, маълум маънога эга бўлмоғи лозим. Ўзлаштириладиган билимларнинг маънодорлиги, шундан иборатки, у билимлар, биринчи навбатда, конкрет мазмун ўрганилаётган нарса, ҳодиса ва уларнинг қонуниятлари тўғрисида аниқ тасаввур ва тушунчалар билан бойитилган бўлмоғи керак. Ўзлаштирилаётган қонуниятларни асослаб бериш тўғри хулоса чиқаришни билиш демакдир.

Ўқувчиларнинг билими чукур ва ҳар томонлама ўзлаштирилган бўлиши лозим. Мактаб таълими шароитида билимнинг чуқурлиги муайян фаннинг тараққиёти даражасига, шу билан бирга, мактаб таълимининг мақсад ва вазифаларига ҳамда ўқувчининг ўсишига қараб турлича бўлади. Билимнинг чуқурлиги ўқитиш усулига, ўқувчиларнинг хусусиятларига, ақлий тараққиётига боғлиқдир. Шунингдек, ўқувчиларнинг билими ҳаёт

тажрибалари билан боғланган бўлиши лозим. Фан асосларини ҳаёт билан, ишлаб чиқариш меҳнати билан боғланиши керак. Шундагина ўқувчилар билимининг ошиши ва бойиши учун, ўқувчи шахсининг таркиб топиши учун катта имкониятлар вужудга келади.

Билим эгаллашда билиш жараёнларининг аҳамияти.

Ўзлаштириш муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга қаратилган, муайян мақсадга таянган педагогик таъсир тариқасида ўқувчилар онгида, уларни ўқиш ва амалий фаолиятларида ўз ифодасини топади. Билимларни эгаллаш жараёни ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигидаги билиш фаолиятининг асосий шаклидир. Ўқитувчи ўқувчиларга янги ўқиш материални тушунтирибгина қолмай, балки уларни максимал даражада мустақил билим эгаллашга ундаши керак. Билимларни ўзлаштириш ўқувчининг ўқишга бўлган тайёргарлиги, илгари ҳосил қилган кўникмалари, ақлий тараққиётига, ёш ва индивудиял хусусиятларига боғлиқдир. Ўқув материалининг ўзлаштиришда ҳиссий билишнинг роли катта. Ҳиссий билишнинг бошланғич пайти сезгидан иборат бўлиб, сезги предмет ва ҳоссаларни бир бутун ҳолда ўзида акс эттирувчи идрокда, унинг барча хилма хил хусусиятларида иштирок этади. Олдин идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни тасаввур шаклида қайта ишга туширилади. Сезги, идрок ва тасаввурлар нарсаларнинг кўргазмали образидир. Улар сезги органлари орқали амалга ошириладиган борлиқ, ҳақиқатни ҳиссий акс эттиришдан иборатдир. Бу акс эттириш жараёни предмет ва ҳодисаларни бевосита идрок қилинган хусусиятлари тўғрисида билим беради. Ўқитувчи дарсда гапириш билан кифояланибгина қолмай, кўргазмали қуроллардан фойдаланиши, ўқувчиларнинг тажриба ўтказишини уюштириши, уларга саволлар бериши ва ўтказиладиган суҳбатда янги материаллардан фойдаланиши зарурдир. Бунда ўқувчилар ўқув материални анча енгил ўзлаштиради. Ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириши билимнинг ҳиссий ва мавҳум элементларини бир – бири билан ўзаро тўғри боғланиши туфайли амалга ошади. Бунда сезги ва идрок хотира ва тасаввурлар билан бирга

тафаккур муҳим аҳамиятга эгадир. Маълумки ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириши материални идрок қилишдан бошланади. Идрок нарс ва ҳодисаларнинг сезги органларига бевосита таъсир этганда миёда яхлит акс эттирилишидир. Ўқиш фаолиятида идрок кўпинча кузатишга ўтиб кетади. Кузатиш – планли, муайян мақсадга қаратилган актив идрок демакдир. Кузатиш мақсадга қараб қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Кузатишда эшитиш ва кўришгина кифоя қилмайди, балки эшита билиш ва кўра билиш керак. Шу асосда буюмларнинг ички хусусиятларини, уларнинг муҳим белги ва хоссаларини тасодифий белгиларидан ажрата билиш, уларнинг турли ўзгаришларини пайқаб олиш мумкин бўлади. Кузата билиш буюм ва ҳодисаларнинг кўзга ташланмайдиган, аммо муҳим ва нозик томонларини идрок қилишдир. Ўқувчи ўзи ўрганаётган нарсаларни, ҳодисаларни, уларнинг хусусиятларини борлиқдаги объектларни идрок қилган ва кузатган ҳолда билиб олади. Теварак – атрофдаги борлиқни бевосита идрок қилиб бўлмайдиган ва бевосита кузатиш қийин бўлган ўқув материални ўзлаштиришда турли кўргазмали қуроллардан ва техник воситалардан фойдаланилади. Ўқувчи билимларининг кўп қисмини ўқитувчининг нутқини эшитиб идрок қилиш ёки китоб ўқиш орқали ўзлаштириб олади. Ҳикоя эшитганда, китоб ўқиганда, ўқитувчининг тушунтиришларини идрок қилганда, ўқувчининг онгида пайдо бўлган образлар уни янги билимлар билан бойитиб, унинг хотирасини жонлантиради. Идрок қилиш ва кузатиш жараёнида табиатдаги кузатилаётган нарсаларни, ҳодисаларни ва кўргазмали қуролларни бир - бири билан таққослаш катта аҳамиятга эгадир. Солиштириш ва таққослашда ўқувчиларнинг ақлий фаолиятлари анча активлашади, уларнинг онги аниқ ва равшан образлар ва ўзлари кузатаётган нарсалар, ҳодисалар, уларнинг ҳарактерли хосса ва хусусиятлари тўғрисидаги тасаввурлар билан бойиб боради. Ўқув материални идрок қилишни тўғри уюштириш ва мақсадга асосланган кузатиш ўқувчининг ўқув материални чуқур ва мустаҳкам ўзлаштиришга ёрдам беради. Ўқув материални идрок қилишни яхши

уюштириш ва мақсадга асосланган кузатиш ўқувчиларнинг ёшига ва хусусиятига мос келиши лозим.

Тушуниш ва тушунчаларнинг ҳосил бўлиши.

Тушуниш аввало идрок қилаётган ёки тасаввур қилаётган нарсаларни ўзимиздаги мавжуд тушунчалар сирасига киритиш тариқасида ифодаланаётган ақлий жараёндир. Тушуниш бошқаларнинг нутқида ифодаланган тайёр фикрларни уқиб олиш ва ўзлаштириш жараёнидир. Матнни тушунишнинг зарур шарти ҳар бир сўзнинг маъносини, шу матн тилининг грамматик шакллари билиш, шунингдек, ўзлаштирилиши лозим бўлган соҳада етарли тажриба ва етарли билимга эга бўлишдир. Тушунишнинг муҳим шартларидан бири кишида воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни тўғри акс эттирувчи яққол образларнинг бўлишидир, чунки тушуниш нарса ва ҳодисалар билан танишиш шаклида ўтади. Шунинг учун кўп ҳолларда предметлар билан бевосита ишлаш тушуниш учун катта роль ўйнайди. Тушунишга оид бажариладиган тўғри амалий ҳаракатлар ҳам тушунишнинг муҳим критерияси бўлиб саналади. Тушунишда сўз билан кўرғазмали қуролдан биргаликда фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Сўз билан тасвирлаш кўп ҳолларда тушунишни тўла таъминлайди, шунинг учун кўрғазмали қуролга таяниш, айниқса қуйи синфларда жуда зарурдир. Билимларни ўзлаштириш ўз навбатида, тушунчаларни эгаллаш демакдир. Тушунчаларда нарса ва ҳодисалар ўртасида боғланиш ва муносабатлар ҳам акс этади. Бир турдаги нарса ва ҳодисаларни иккинчи бир турдаги нарса ва ҳодисалардан ажратиб олишга ёрдам берувчи хусусият ва боғланишлар тушунчанинг муҳим белги ва хусусияти ҳисобланади. Муайян тушунчани бошқа тушунчалар билан ўзаро боғлаб ўрганганда, олдин олинган тушунчалар кенгаяди, чуқурлашади ва шу тариқа улар илмий билимлар даражасига кўтарилади. Таълим жараёни турли тушунчаларнинг мазмуни ўрганилаётган предметдаги бошқа тушунчаларнинг мазмуни билан боғланган ҳолда очиб берилади. Тушунчаларнинг ҳосил бўлиш жараёнида тушунчаларнинг ўқувчилардаги мавжуд эски тушунчалар системасига

қўшилиб бориши катта ўрин эгаллайди. Тушунчаларнинг ҳосил бўлиш жараёнида тушунчаларнинг сўз билан аниқ, қисқа ва тўғри ифодаланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Тушунчанинг мазмуни унинг таърифи орқали аниқланади. Таъриф тушунчани сўз шаклида қисқа қилиб очиб бериш демакдир.

Ўқувчи ўзининг кундалик ҳаётида теварак атрофдаги объектив оламдан бир бутун нарса, ҳодиса ва воқеаларни идрок қилиб олади, бу нарса ва ҳодисалар алоҳида белги ва хусусиятларга эгадир. Идрок қилинган объектни тушуниш фақат ана шу объектларнинг белги ва хусусиятларини аналитик ўрганиш орқалигина амалга оширилади. Анализ – нарсаларни, ҳодисаларни, жараёнларнинг таркибий элементларга, қисмларга ёки таркибий белгиларга бўлишдир. Ўқувчиларда анализ қилиш фаолиятини ўсиши нарса ва ҳодисаларни ҳиссий анализ қилишдан аста – секин фикран анализ қилишга ўтиш орқали амалга ошади. Фикран анализ қилишда ўқувчининг аввал ҳосил қилган билимлари фаол иштирок этади. Нарса – ҳаракат, ҳиссий анализ ва аклий анализ асосан бир – бирлари билан чамбарчас боғланган ҳолда амалга ошади ва тараққий этади, чунки қуйи синф ўқувчисининг ҳиссий анализидан ҳар доим аклий анализ элементлари бўлади, юқори синф ўқувчиларининг аклий анализи ҳар доим ҳиссий анализга таянади. Ўқувчиларнинг аналитик тафаккури янги материал жараёнида, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ишларда, билмасликдан билиш учун интилиш жараёнида таркиб топади. Ўқитувчи ўқувчиларда фикран анализ қилиш малакасини ўстириш учун уларнинг диққатини предметларнинг айрим қисмлари ва хусусиятларига қаратади, турли кўргазмали қуроллардан фойдаланади, материални ҳар томонлама ўрганишни уюштиради, мустақил равишда анализ қилиш учун ўқувчиларга вазифалар топширади. Синтез эса ўрганилаётган объектнинг айрим қисмларини ёки хусусиятларини бир бутун қилиб қўйишдан иборатдир. Синтез фикрлаш операцияларидан бири бўлиб, ўқувчилар унинг ёрдамида ўқув материални муваффақиятли ўзлаштирадilar. Билимларни ўзлаштириш жараёнида синтез яккадан умумийга қараб ривожланиб боради.

Синтез анализнинг давоми ёки натижасидир. Ўқитиш иши анализ ва синтез орқали амалга оширилади. Ўқувчиларнинг айрим ҳарфларни қўшиб сўз тузишларидаги, ўқиш ва ёзишда эса сўзлардан жумла тузишларидаги фикрлаш фаолияти синтездан иборатдир. Ўқувчилар синтез қилиш тафаккури ёрдамида ўзлари ўрганаётган бирон бир материални планини тузадилар. Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятида анализ билан синтез биргаликда ўтади. Ўқувчи маълум бир мамлакатнинг табиати, аҳолиси, саноати қишлоқ ҳўжалиги ва маданиятини ўрганиб, шу мамлакат тўғрисида маълум билимга эга бўлди. Бу синтез натижасидир. Анализ ва синтез фикрлаш фаолиятининг асосий шакли сифатида тафаккурнинг бошқа барча шакллари учун жуда катта аҳамиятга эга. Тафаккур шакллари анализ ва синтезсиз содир бўлмайди.

Билиш жараёни каби таълим жараёнида ҳам ўқувчи билмасликдан билишга, нотўғри ва аниқроқ, чуқурроқ билишгача бўлган йўлни босиб ўтади. Бу жараёнда ҳиссий идрок қилиш ҳам, абстракт тафаккур ҳам, амалда синаб кўриш ҳам бевосита иштирок этади.

Муайян фан ва ҳодисалар объектив дунёни билиш жараёнида ўрганилади ва уларнинг ташқи, ички моҳиятини ўзлаштириш жараёнида омиллар аниқланади.

Мушоҳада, тасаввур ва абстракт тафаккурга асосланиб фактлар умумлаштирилади ва илмий ҳулосалар чиқариш натижасида назариялар, қонунлар ва категориялар яратилади.

Амалиёт билимларнинг ҳақиқийлигини кўрсатувчи мезондир. Кузатиш, тажриба ўзгариши, яратиши – булар амалиёт шаклларига киради.

Амалиёт ижтимоий ҳаёт ва табиатнинг мураккаб жараёнини билиб олишда инсон учун асосий қурол бўлиб хизмат қилади. Масалан, ойни кузатиш жараёнини олайлик. Жонли мушоҳада ва абстракт тафаккур ёрдамида биз ойга аппаратларни юборамиз, илмий аппаратлар ёрдамида олинган материалларни лабораторияларда текшириш амалиётга киради. Илмий омил илмий билишнинг элементи бўлиб кузатиш, тажриба асосида

қўлга киритилади, омилга асосланмаган билимнинг илмий қиймати, амалий фаолият учун аҳамияти ҳам бўлмайди. Шунинг учун илмий билимнинг, фаннинг асосий мақсади омиллар асосида ётган умумий боғланишларни, қонуниятларни топиш, уларнинг моҳиятини билишдир.

Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирлари билишда омилларни ўрганишга катта эътибор берганлар.

Билим кишиларни объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни, табиат ва жамиятнинг қонуниятларини билиб олишдан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам билим билиш маҳсулидир.

Киши ҳаётида таркиб топган билими тарихий тараққиёт давомида ўзгариб боради, кишининг нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги билимлари тобора чуқур, аниқ ва равшан бўлиб, ўсиб бораверади.

Билим оғзаки ёки ёзма нутқ орқали авлоддан авлодга ўтиб, кишилар томонидан ўзлаштириб борилади. Шунинг учун:

а) мактаб томонидан бериладиган муайян мақсадга қаратилган билимлар, энг аввало, қатъиян илмий, яъни ҳақиқий, текширилган бўлмоғи лозим;

б) ўқувчилар билимига қўйиладиган муҳим талаблардан бири билимнинг системалилигидир. Ўқувчилар томонидан ўзлаштириладиган билимлар ўзаро боғланган, аниқ мантиқий тузилишига ва изчилликка эга бўлиши керак. Ўқувчилар томонидан билимда фақат нарсаларнинг ички боғланишигина акс этиб қолмай, балки мактаб таълимидаги айрим нарсалар ўртасида бўладиган боғланишлар ҳам акс этмоғи керак;

в) ўқувчиларнинг билими тушунарли, маълум маънога эга бўлмоғи лозим. Ўзлаштириладиган билимларнинг маънодорлиги шундан иборатки, бу билимлар, биринчи навбатда, конкрет мазмун ўрганилаётган нарса, ҳодиса ва уларнинг қонуниятлари тўғрисида аниқ тасаввур ва тушунчалар билан бойитилган бўлиши керак. Ўрганилаётган материалнинг моҳиятига тушуниш улар ўртасидаги ўзаро боғланиш ва муносабатларни топиш,

Ўзлаштирилаётган қонуниятларни асослаб бериш ҳамда тўғри хулоса чиқаришни билиш демакдир;

г) ўқувчиларнинг билими чуқур ва ҳар томонлама бўлиши лозим. Мактаб таълими шароитида билимнинг чуқурлиги муайян фаннинг тараққиёти даражасига, шу билан бирга мактаб таълимининг мақсад ва вазифаларига ҳамда ўқувчининг ўсишига қараб турлича бўлади. Билимнинг чуқурлиги ўқитиш усулига, ўқувчининг хусусиятларига, ақлий тараққиётига боғлиқдир;

д) ўқувчиларнинг билими ҳаёт тажрибалари билан боғланган бўлиши лозим. Ўзлаштириш муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга қаратилган муайян мақсадга таянган билиш фаолиятидир. Ўзлаштириш муайян мақсадга таянган педагогик таъсир тариқасида ўқувчилар онгида, уларнинг ўқиш ва амалий фаолиятларида ўз ифодасини топади.

Билимларни эгаллаш жараёни ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигидаги билиш фаолиятининг асосий шаклидир. Ўқитувчи ўқувчиларга янги ўқиш материални тушунтирибгина қолмай, балки, уларни максимал даражада мустақил билим эгаллашга ундаши керак.

Илмий тушунчаларнинг шаклланиши.

Ўзлаштириш жараёни, билиш фаолияти тариқасида, инсон психик тараққиётининг барча томонларини ўз ичига олади. Ўзлаштириш идрок, хотира, тафаккур, ҳис – туйғу, ирода ва шахснинг бошқа бир қатор хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир. Билимларни ўзлаштириш ўқувчининг ўқишга бўлган тайёргарлиги, илгари ҳосил қилган кўникмалари, ақлий тараққиётига, ёш ва индивидуал хусусиятларига боғлиқдир.

Илмий тушунчаларни таркиб топтириш ва уни шакллантиришда билимларни ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Билимларни ўзлаштириш ва унда муаммоли вазиятларга дуч келиб, уни ҳал қилиш илмий тушунчаларни таркиб топтиришга имкон яратади. Бунда ўқувчи фақатгина дарсликлардаги маълумотларнигина эмас, балки бошқа манбаларга мурожаат қилади, мустақил фикр юритади ва бир қарорга келади.

Илмий тушунчаларни эгаллаш муайян фактларни, турмушдаги нарсалар орасидаги боғланишларни идрок қилиш, уларни изоҳлай билиш, мустақил равишда умумлаштира олиш ва хулосалар чиқара билиш демакдир.

Бошланғич синфданок табиат ва жамият ҳаётидаги ҳодисалар, қонуниятларни очиб бериш ва уларни чуқур илмий билимлар билан қуроллантириб бориш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ўқитувчи ўз фанини қанчалик содда усулда баён қилмасин у чуқур илмий бўлишни талаб қилади. Таълимнинг илмий бўлиши тўғрисидаги талаб ўқитувчининг ўқув материали мазмунигагина эмас, балки унинг шу материални ёритиб бериш характериға ва ўқувчиларнинг бу билимларни ўзлаштириб олишларига ҳам боғлиқдир. Ўқитувчи ўқувчиларни ўйлашга, фикр юритишга ўргатиши зарур. Ўрганилаётган воқеалар ва нарсаларни, улар ҳақидаги оғзаки ахборотларни идрок этиш жараёни, тасаввур, образлар, тушунчаларини таркиб топтириш жараёни белгиларни таққослаш – чоғиштириш, қисмларга ажратиш, умумий жиҳатларини топиш, анализ ва синтезни ўз ичига олувчи фаол тафаккур ишини талаб қилади. Билимларни ўзлаштириш, тушунчалар ҳосил қилиш жараёни бу билан тугалланмайди. Ўқувчилар билимларни тўғри ўзлаштирганликларни улар олган билимларни янги воқеаларни билиб олишга қандай тадбиқ эта олишларни янги факт ва мисолларни тушунтиришга, янги объектларни маълум хоссаларини топишга, амалий вазифаларни ҳал этишга қанчалик тадбиқ эта олишларини аниқлаш йўли билан текшириш талаб қилинади. Тушунчаларнинг ҳақиқий эканини тасдиқлайдилар ва улар онгида таркиб топаётган тасаввурлар, тушунчалар воқеъликни қанчалик тўғри акс эттиришини аниқлаш имконини беради. Ўқувчиларнинг фикр юритиш фаолияти мураккабдир. Чунки фикр юритиши махсус ақлий характер асосида таркиб топади. Бу жараёнлар фикрларини анализ, синтез, абстракциялаш кабилар орқали ўқувчининг ақлий фаолияти усулларига таянади. Ақлий фаолият усулларга:

- 1) буюмларнинг муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларини ажрата олиш;

- 2) таққослаш мақсадга мувофиқ бўлган буюмлар ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни белгилаш;
- 3) бир предметни ўзига турлича ёндошиш;
- 4) умумий хусусият ва қонуниятларни ажратиш олиш кабилар киради.

Таълим жараёнида тафаккурнинг ҳамма томонлари ривожланади. Чунончи:

- 1- материални тушуниш; бунда ўқувчилар ҳодиса ва воқеаларни бир – бирига боғлаш, улар орасидаги асосий хусусиятни аниқлаш;
- 2- ўйлаш асосида бу боғланишларни ечишга интилади.

Тафаккур шаклланишининг 3 йўлини ажратиш мумкин:

1. Материални умумий тамойиллар асосида яъни қоида, формулалар, компьютерлар, интернет асосида ўрганиш. Бу тамойил таълим йўли ҳисобланади.
2. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўзлари материалнинг асосий қисмини, мазмунини мисоллар асосида ўзлаштириш. Бу мисоллар асосида ташкил қилинадиган таълим йўлидир.
3. Ўқувчиларни нарс ва ҳодисаларга бевосита муносабатда бўлишлари орқали уларнинг асосий белгиларини, таянч ибораларини топишга ўрганиш. Бунда ўқувчи фикрий фаолиятнинг турли усулларидан фойдаланади. Бу таълим тафаккурнинг ориентир тузилиш йўли деб аталади.

Ҳозирги замон психологлари ўзлаштиришнинг хусусиятларини таҳлил қилиб, улардан тушунчаларни ўзлаштиришга асосланган таълим яхшироқ натижа беришини кўрсатиб бердилар. Чунки материални мисоллар орқали яхшироқ эсда олиб қолинса, ориентир тузилиш (тафаккур) ақлий малакаларни ривожлантиради.

Педагогик - психологияда ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини шакллантиришда конкретдан абстрактга, буюмлар ва ҳодисаларнинг ўзини кўришдан улар ҳақида тушунчалар таркиб топтиришга ҳамда таърифлар, қонунларни ўзлаштиришга, буюмлар, тушунчаларнинг умумлаштирилган

умумий хусусиятлари ва сифатлари ҳақида мавҳум фикр юритишга ўтиш жараёни катта ўрин эгаллайди.

Таълим жараёнида ижодий тафаккур шаклланиб боради. Ижодий тафаккур мақсадни амалга ошириш йўлида туғиладиган саволлар асосида (“бу нима учун шундай қилинган”, “бундай қилса бўлмайдими”) пайдо бўлади ва саволларга жавоб берувчи иш - ҳаракатларини тасаввур қилиш, ўйлашда ривожланади. Ижодий тафаккур, амалий тафаккур теварак - атрофдаги воқеъликни ўзгартириш йўли билан ўзимизга керакли, реал нарсаларни ва ходисаларни олишга ёки яратишга қаратилган тафаккур асосида пайдо бўлади. Амалий тафаккур ўзига хос хусусиятга эга. Яъни амалий муҳокамаларда ўқувчининг объектларга, муайян мақсадларга таъсир ўтказиш йўли билан шу объектларни ўзгартириш мумкинлиги қатъий қилиб айтилади ёки рад қилинади. Натижада “буни бундай қилиш мумкин ёки қилиб бўлмайди”, “бу мана шундай қилинади” деб уни ўз муҳокамаларида акс эттиради. Мактабларда кўпгина фанларни ўрганиш ва уни саноатга, қишлоқ хўжалигига тадбиқ қилиш ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ўсишига ёрдам беради. Ўқувчиларда техника, ихтирочилик, саноат, қишлоқ хўжалиги масалаларига бўлган қизиқишлар, моделлар, конструкциялар яшаш, электротехника билан шуғулланиш, дала ишларида қатнашиш кабилар ижодий тафаккурни шаклланиши ва ривожланиб боришида энг асосий усуллардандир. Ҳозирги кунда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини максимал даражада фаоллаштириш уларнинг фаол, мустақил ижодий тафаккурини авж олдириш мактаб таълимининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланиб бормоқда. Демак, таълимнинг асоси – ўқитувчининг ўқувчиларга етказадиган мўл – кўл ахборотни олиш жараёнида ўқувчиларнинг ўзлари фаол иштирок этиши, уларнинг мустақил фикр юритиши, мустақил билим олиш қобилиятини, ўз маълумотини ошириш қобилиятини аста – секин шакллантириб боришдан иборат бўлмоғи лозим.

Мухокама учун саволлар:

1. Ҳозирги замон таълими қандай талабларга жавоб бериши керак?
2. Таълимни ижодий ўзгартириш қандай факторларга асосланади?
3. Билиш фаолиятини бошқариш деганда нимани тушунасиз?
4. Таълимнинг қандай қонуниятларини биласиз?
5. Кўникма ва малакаларни шакллантириш учун нималарга асосланиш лозим?
6. Билм ва тушунчалар бир-биридан қандай фарқланади ва уни қандай усуллар билан шакллантириш мумкин?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент. 1997 йил 29 август.
2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. Тошкент. 1997 йил 29 август.
3. Каримов И.А. “Баркамол авлод – Ўзбекистон келажагининг пойдевори”. Тошкент. 1997 йил
4. Давлетшин М.Г. ва бошқалар. “Ёш даврлари ва педагогик психология”. Тошкент. 2004
5. Давлетшин М.Г. “Замонавий мактаб ўқитувчиси психологияси”. Т. 1998
6. Крутецкий В.А. “Педагогик психологиянинг асослари”. “Ўқитувчи”. Тошкент. 1976.
7. Каримова В.М. ва бошқалар. “Мустақил фикрлаш”. Тошкент. “Шарқ”. 2000
8. Каримова В.М., Суннатова Р. “Мустақил фикрлаш бўйича машғулотларни ташкил этиш юзасидан услубий қўлланма”. Тошкент. “Шарқ”. 2000

Тарбия психологияси

Тарбиянинг шахсни шакллантириш мақсадига қаратилганлиги

Шахснинг ҳар томонлама тараққий қилишини атрофдагилар билан ўзаро муносабатга киришувисиз тасаввур қилиш қийин. Индивид сифатида дунёга келган бола ижтимоий муносабатларга киришув натижасида ота – боболаримиз, авлод – аجدодларимиз мерос қолдирган миллий ва маънавий қадриятлар асосида ахлоқ – одобни, меҳр – муҳаббатни, билим ва малакаларни эгаллаш жараёнида шахсга айланади, таълим – тарбия жараёни орқалигина камолга эришиш даражасига бориб етади. Шундай экан, комил инсон бўлиб шаклланишда тарбиянинг аҳамияти ниҳоятда улуғдир. Чунки, тарбия шахсни шакллантириш мақсадига қаратилган жараёндир.

Тарбия ота – оналар, тарбиячи ва ўқитувчилар томонидан тарбияланувчида барқарор ахлоқий ҳислат ва хулқий фазилатларни таркиб топтириш, шакллантириш мақсадида тарбияланувчининг онгига тарбиявий таъсир кўсатиш жараёнининг ўзидир.

Тарбиянинг мазмуни аввало жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий тузилишидаги шарт – шароитларни ва тарбияланувчи боланинг жисмоний ва психик тузилишидаги хусусиятларни назарда тутди. Шунингдек, тарбиянинг мазмуни ижтимоий ҳаётнинг ижтимоий – сиёсий йўли билан белгиланади. Тарбиянинг мазмуни халқ эҳтиёжлари, манфатларини эътироф этишда, ҳар бир шахсни инсонийлик қадри – қийматини ҳурмат қилиш, қонунни ҳамма учун бараварлигини кўзлаганда у ҳақиқий тарбия бўлади, ҳамда тарбияда биз албатта уларга асосланишимиз лозим.

Тарбиянинг муҳим хусусиятларидан бири бу уни барча восита ва усуллар ёрдами билан болага ҳар жиҳатдан таъсир этиш, унинг камол топишига, ғоя ва ҳислатларнинг вояга етишига, ирода ва характернинг мустаҳкамланишига таъсир этишига ҳаракат қилишидир.

Ўрта аср ижтимоий – фалсафий фикр тарғиботчиси Абу Наср Фаробий инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиш, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлади деб кўрсатади. У тўғри йўлга қўйилган, мақсадга мувофиқ амалга оширилган тарбия инсонни ахлоқий жиҳатдан камолга етказади, табиат ва жамият қонун қоидаларини тўғри билиб олади ва ҳаётда тўғри йўл тутати дейди. Ибн Синонинг “Донишнома”, “Рисолаи ишқ”, “Уй хўжалиги” каби асарларида бола тарбияси ҳақида қимматли мулоҳазалар билдиради. У ота – она – деб ёзади, - ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тарбия масаласини мукаммал ўзлаштирмоғи лозим. Агар улар тажрибасиз бўлса, ўз фарзандларини яхши тарбиялай олмайди. Ёмон тарбия кўрган бола нафақат ушбу оила, балки қўшниларига, маҳалла – қўйига ҳам ёмон зарар келтириши мумкин. Шу сабабли ҳам у бола тарбияси ота – онанинг жамиятда тутган мавқеидан қатъий назар уларнинг биринчи вазифасидир, деб ҳисоблайди.

Қомусий билимлар соҳиби буюк мутафаккир А. Навоий ўзи орзу этган комил инсонга хос ахлоқий фазилатлар деб қаноат, адолат, саҳоват, ҳиммат, мурувват, вафо, тўғрилиқ, ростгўйлик кабиларни ёшлиқдан бошлаб тарбиялаш муҳимлигини қайд қилади. Маълумки, алломаларимизнинг бола тарбияси ҳақидаги фикрлари

ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган, бахтли болалик тарбиянинг ҳал қилувчи таъсири остида таркиб топади. Тарбия махсус фаолият сифатида муайян дастурнинг, англаб олинган мақсаднинг мавжудлиги билан, таъсир кўрсатишнинг махсус ишлаб чиқилган ва асослаб берилган воситалари, шакллари ҳамда усуллари билан тасодифий ёки стихияли таъсирлардан ажралиб туради. Маълумки, тарбиянинг энг муҳим вазифаси ёш авлодда мустаҳкам эътиқод ва ҳис – туйғулар ҳамда уларга асосланган маънавий хулқ – аъвоқни ҳосил қилишдир. Бу вазифани шахсни фаол ва муайян мақсадни кўзлаган ҳолда таркиб топтиришнинг психологик қонуниятларини билишга таянган, шунингдек боланинг индивидуал хусусиятларини билишга таянган тақдиргагина ҳал этиш мумкин.

Машҳур олим Гербарт тарбиянинг мақсад ва вазифалари ҳақида фикрларни олға суради. Гербарт тарбия мақсадини белгилаб олишга катта аҳамият беради. У тарбиянинг мақсади яхши фазилатли кишини таркиб топтиришдан иборат деб ҳисоблайди. Гербарт тарбия ишида ақлий таълимга катта аҳамият беради. У таълимни тарбиянинг энг катта ва асосий воситаси деб билиб, таълимсиз тарбия бўлмайди деб ҳисоблаган.

Маълумки, тарбия аввало оилада, кейинчалик таълим-тарбия муассасаларида таълим билан биргаликда узлуксиз равишда бериб борилади. Шахснинг қарор топишини энг муҳим вазифаси ўқувчида ахлоқ талабларига жавоб берадиган эътиқод ва идеаллар таркиб топтиришдир. Бола шахсининг шаклланишидаги бундан кейинги жараён шундан иборатки, унда юзага келган ахлоқий эътиқод ва идеаллар системаси яъни унинг маънавий онг

хукмронлик қилувчи омилга, унинг ижтимоий фаоллигини белгилаб берувчи омилга айланишидир.

Шахснинг ижобий йўналишини таркиб топтириш учун мактаб ўқувчисининг барча вазият ва ҳолатларда тўғри йўл тутишини исташи ҳамда тўғри йўл тутиш учун унинг нима қилишини билиш, ўзи хурмат қиладиган кишиларнинг нима қилаётганларини кўриш ва ўзи ҳам тўғри хулқ – атворли бўлишни машқ қилиш зарур.

Билимлар – ахлоқий тасаввурлар ва тушунчаларнинг муайян системасини эгалламасдан туриб ҳаётий ва илмий эътиқодларни таркиб топтириб бўлмайди. Ўз – ўзидан бу билимлар ахлоқий хулқ - атворни белгиламасдан туриб унга муҳим таъсир кўрсата олмайди. Психологик тадқиқотларда шу нарса аниқланганки, ахлоқий тушунчаларни ўзлаштириш жараёни жуда мураккаб жараён бўлиб унга махсус раҳбарлик қилишни талаб этилади. Ўқувчиларнинг тасодифий ҳоллар кўчадагиларнинг беъмани таъсири, катталарнинг ярамас хатти - ҳаракатлари таъсирида таркиб топадиган ахлоқий тушунчалари тарбиячилар ва жамоа томонидан тўғри раҳбарлик қилинмаса хато, нотўғри, бузук тушунчаларга айланиб ўқувчининг тарбиясини бузилишига олиб келади. Ахлоқий онгни таркиб топтиришнинг энг муҳим йўли ўқувчиларнинг ўзларида тўғри хулқ – атворни юзага келтириш билан ахлоқий тарбияни бойитиш ва умумлаштириш йўлидир албатта.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларидан кадрлар сиёсати бош масалалар сифатида долзарб масалага айланди. Мустақилликни турлича тушунган кимсалар

ёшларимизнинг кўнгли очик, соддадил ва ишонувчанлигидан, уларнинг диний кадриятларга интилувчанлигидан фойдаланиб диний ниқобдаги экстремизм, халқаро терроризм, воҳобизм кабиларни авж олдиришга ҳаракат қилдилар. Буларнинг ҳаммаси комил инсонни тарбиялаш каби муҳим жараён олдида бир қанча муаммоларни пайдо қилди. Уларни бартараф қилишда Ислом фалсафасининг инсонни маърифат ва камолотга етказиш йўлидаги буюк инсонпарварлик моҳиятини ёшлар қалби ва онгига сингдириш, жамиятда инсоний фазилатларнинг камол топтиришнинг қудратли воситаси эканлигини ёшларга тушунтириш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки болаларимиз, ўқувчиларимиз тушиб қолган ахлоқий – эмоционал муҳитга эътибор бериш, уларда турли ахлоқий тасаввурлар мавжудлиги пайтида унда ахлоқий ҳислар ҳамда истакларни таркиб топтириш ва тараққий эттириш тарбиявий таъсирнинг муҳим психологик шарт – шароитларидан биридир. Бунинг учун тарбия (у оиладами, боғча ва мактабдами, лицей ёки касб - ҳунар муассасаларидами ундан қатъий назар) эътиқод ва дунёқарашни, идеалларини тарбиялаш мақсадига йўналтирилиши лозим. Чинакам тарбия – инсоний бахт – саодат тўғрисида, яъни ғоялар, идеалларни рўёбга чиқарадиган ҳаёт ҳақида меҳрибончилик қилиш демакдир.

Фаолият одамни шахс сифатида шакллантириш асоси

эканлиги.

Фаолиятда инсоннинг шахси шаклланади ва фаолият одамнинг шахсини таркиб топтиради. Яхши ташкил қилинган дўстона жамоада битта мақсадга қаратилган ижтимоий фойдали

фаолиятга қатнашиш одамда жамоатчилик, уюшқоқлик, ўз манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштира олиш сифатларини ривожлантиради.

Одамда ҳар – хил турдаги фаолиятнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти жуда мураккаб ва узоқ давом этадиган жараёндир. Боланинг фаоллиги унинг камолоти давомида фақат секин – аста, таълим ва тарбиянинг таъсири остида онгли мақсадга мос фаолият шакллана олади. Аввало бу активлик импульсив (яъни ихтиёрсиз) ҳаракатда бўлади. Кейинчалик коммуникатив хулқ – атвор ривожланади. Ўзаро муносабат ва информация алмашишнинг энг асосий воситаси бўлган нутқ орқали алоқа қилишни билиб олади. Нутқни ўзлаштириш образларни нарсалар ва ҳаракатлардан ажратиш, нарсаларнинг мазмунини фарқ қилиш ҳамда уларни хотирада мустаҳкамлаб иш – ҳаракатларни бошқаришда фойдаланишнинг энг муҳим шарт – шароитларини юзага келтиради. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлодга таълим – тарбия бериш ва уни жамиятимиз учун комил инсон қилиб шакллантириш имконини беради.

Тарбия боланинг актив фаолиятини тўғри ташкил этиб, йўлга солиб турса, ундаги шаклланаётган мавжуд сифатлар, фаолиятнинг ҳар хил турларида намоён бўлиб ўсаётганини ҳисобга олиб турса тарбия муваффақиятли бўлади.

Бола психикаси ўйин, ўқиш, ўрганиш, меҳнат ва ижтимоий фаолият жараёнида ўсади.

Ўйин боғчагача ва мактабгача тарбия ёшидаги болалар фаолиятининг етакчи туридир. Киши шахсини таркиб топтирадиган фаолиятнинг биринчи тури ҳам ўйиндир.

Ўйин бола шахсининг камолга етишига ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Ўйин ҳар бир ёш даврида боланинг теварак атрофдаги дунёни ва кишилар ўртасидаги муносабатларини билиб олишни ифодалайди. Болаларнинг моддий дунёга, кишиларга, ўзига муносабати ўзгараётгани ўйинда намоён бўлади. Болаларнинг эҳтиёжлари, истак ва қизиқишлари бевосита ўйинда ифодаланади. Ўйин боланинг хаёлпарастликлари сабабли нарсалар ва кишилар дунёсини улар учун маъқул томонга “ўзгартириш” имкониятини берадиган фаолиятдир. Педагогик нуқтаи назардан оқилона йўлга қўйилган ўйин шахсни ҳар томонлама ўстиради: билиш, ирода ва ҳиссий жараёнларни, характер сифатларини тараққий эттиради ва соғлиқни мустаҳкамлайди.

Болалар ўйинлари маънавий сифатларнинг мустаҳкамланиши учун ва одоб – ахлоқ қоидаларини билиб олиш учун кенг имкониятлар беради. Болаларнинг эҳтиёжлари, истаклари ва мустақилликка интилишлари билан уларнинг реал кучлари ва имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар ўйинда ечилади.

Ўйиндан хулоса чиқариш бошланади. Бу ижтимоий белгисига кўра ўйин бўлса ҳам, психологик тузилишига кўра фаолият меҳнатга (мақсад фаолиятнинг ўзи эмас, балки унинг натижасига қаратилган) ўқишга яқинлашади.

Фаолиятнинг иккинчи тури ўқишдир. Болалар мактабда ўқиб ва тарбияланиб малака, одат, кўникма ва билимлар ҳосил

қиладилар. Уларда шахс сифатлари таркиб топа боради. Ўқиш – ўрганишда болаларнинг майл ва қобилиятлари намоён бўлади ва мустаҳкамланади. Билиш, ирода ва ҳиссиёт жараёнлари ўқиш – ўрганишда юзага чиқади ва тараққий этади. Болалар ақлий жиҳатдан анча ўзгарибгина қолмай, уларнинг характер сифатлари ҳам ўзгаради.

Инсоннинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришида онгли мақсад билан бошқариладиган барча ҳаракатлари таълим билан боғлиқ бўлади.

Ўқув фаолияти одамни ижтимоий фойдали фаолликнинг ҳар хил турлари учун зарур бўлган билимлар, кўникма ва малакалар билан фақат қуроллантириб қолмайди. Ўқув фаолияти, шунинг билан бирга ҳал қилинаётган масалаларга мос равишда ўз психик жараёнларини бошқара олишни, ўз ҳаракатлари, малака ва тажрибаларини танлаб олиш, ташкил қилиш ҳамда йўналтира олишни одамда таркиб топтиради ва у одамни меҳнат фаолиятига тайёрлайди.

Фаолиятнинг учунчи тури меҳнатдир. Болалар шахсининг таркиб топишига ўйин, ўқиш – ўрганиш ҳар қанча таъсир этмасин, киши шахси меҳнатда томомила ва тўла тўқис таркиб топади. Меҳнатда бола маънавий жиҳатдан ўзгаради... Меҳнатни менсимайдиган, тантиқ, эрка, нозик – ниҳол болаларда ижобий сифатларни тарбиялашга алоҳида эътибор бериш муҳимдир.

Меҳнат жараёнида инсоннинг ҳамма ижобий сифатлари: ўз – ўзини туга билиш, сабр, тоқат, ҳамкорлик, дўстлик ва биродарлик, чидам каби ҳислатлари шаклланади. Шунинг учун ҳам меҳнат одам

психикасининг таркиб топиш фактори сифатида тан олинади. Бу ҳақда К. Д. Ушинский шундай дейди: ¹“одамда жиддий меҳнатга қаттиқ ҳавас ўтини ёқиш керак, одам бундай меҳнатсиз инсон шаънига ярашадиган ҳаёт қура олмайди ҳам, бахтли ҳаёт кечира олмайди ҳам” .¹

Меҳнат маълум ижтимоий фойдали, моддий ёки маънавий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолиятдан иборатдир. Меҳнат фаолияти одамнинг асосий, етакчи фаолиятидир. Агар меҳнат қилишдан тўхтаб қолинадиган бўлса, инсоният зоти ўз ҳаётини тугатган бўлур эди. Шунинг учун ҳам меҳнат фаолиятига одамнинг яшашини таъминловчи бошқа турлар устидан ғалаба қозонтирувчи ҳамда табиат кучлари ва нарсаларидан ва одамни фойдалантирувчи махсус инсоний ҳатти – ҳаракат тури деб қараш мумкин.

Меҳнат орқали меҳнатсеварлик таркиб топади.

Меҳнатсеварлик – бу оддий сўз эмас. Унда уч асосий тушунча: зарур, қийин ва гўзал деган тушунчалар йиғиндиси мужассамлашган. Башарти мактабда ҳам, оилада ҳам мана шу учта тушунчанинг бирлиги ҳукмрон бўлса эди, у ҳолда умуман меҳнат тарбияси тўғрисида тўхталиб ўтмаса ҳам бўлади. Меҳнатдан ташқари меҳнатсиз тарбия бўлиши мумкин эмас, чунки мураккаб ва кўп қиррали меҳнатсиз ҳақиқий инсонни тарбиялаб бўлмайди.

Меҳнатсеварлик фақат меҳнат орқали, меҳнат жараёнидагина тарбияланади деб ўйлаш унчалик тўғри эмас. Инсон маънавий қиёфасининг энг муҳим белгиси бўлган меҳнатсеварлик ахлоқий тарбиянинг интеллектуал, эмоционал ва иродавий тарбия

жараёнларида ҳам тарбиялаб борилади. Чунки, инсон қанчалик ақлли, ҳис – ҳаяжонга бой ва иродали бўлса, унда меҳнат фаолиятининг хилма – хил турларига шунчалик интилиш кучли бўлади. Меҳнат ҳақида куруқ гаплар билан меҳнатсеварликни тарбиялаб бўлмаганидек, бу вазифани пухта ўйлаб тузилган жиддий, доно сўзларсиз ҳам амалга ошириб бўлмайди.

Меҳнат тарбияси ўқиш билан боғлиқдир. Ўқиш ўқувчининг маънавий ҳаётида асосий ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам меҳнат тарбияси ўқув муассасаларида меҳнатдан бошланиши керак. Чунки меҳнат тарбиясининг замини, пойдевори ўқишдир. Тафаккур, мушоҳада, дунёни билиш, билим эгаллаш, дунёқараш, эътиқодни шакллантириш – булар бари ўқувчи меҳнатини ташкил этади.

Киши шахсини таркиб топтирадиган фаолиятнинг тўртинчи тури ижтимоий ишдир. Ўсмирлик ва ёшлик даврида ижтимоий ишларни бажариш фаолияти жиддий кучаяди. Ўсмирлар ва йигит қизлар ижтимоий меҳнатда қатнашиб билимларини оширадилар, маънавий қиёфаларини ўзгартирадилар. Уларда ташкилотчилик қобилияти ўсади, ижтимоий манфаатлар юзага чиқади, ирода сифатлари ҳосил бўлади, ўртоқлар билан муносабатда бўлиш уларни кучлари ортадиган зарур, қизиқарли ишларга жалб қилиш кўникмаси пайдо бўлади.

Демак, тарбия тараққиётнинг қудратли омили бўлиб, тарбия жараёнида боланинг туғма хусусиятлари ўсиши билан бирга, ноқулай ирсий белгилари барҳам топиши ҳам мумкин. Агар тарбия боланинг ички фаоллигини ҳисобга олгандагина, тарбиявий таъсир натижаларининг қандай бўлишини болаларнинг психик

хусусиятларига ва фаол фаолиятига қараб олдиндан айтиб бергандагина тарбия тараққиётнинг қудратли ва ҳал қилувчи омили бўлади. Шунинг учун ҳам меҳнат фаолияти шахс ижобий сифатларини, ижобий муносабатини меҳнат иштирокчилари билан муомала маданиятини шакллантириш имкони пайдо бўлади. Меҳнатда бола фақат чиниқибгина қолмайди, балки шахс сифатида шаклланади.

Турли ёшдаги болаларда турлича етакчи фаолиятлар амал қилади. Агар мактабгача тарбия ёши даврида ўйин фаолияти устун турса, мактаб ёшидаги болаларда ўқиш фаолияти, кейинчалик меҳнат фаолияти етакчи бўлиб қолади. Мактабгача тарбия ёши давридаги болаларда боланинг техник тараққиётини ўйинсиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаса, мактаб ёшидаги болаларнинг ақлий баркамоллигини, фикр юритиши жараёнларининг фаол ривожланганлигини, мантиқий тафаккурнинг шаклланиши, фаоллашувини ўқиш фаолиятисиз, ирода ва характер шаклланишини меҳнатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки фаолиятнинг етакчи турларини уюштириш бола шахсининг шаклланишини мақсадга мувофиқ таъсир этишини таъминлаш демакдир.

Умуминсоний ва миллий бойликларнинг шахсни шаклланишидаги аҳамияти.

Маънавий етуклик юксак инсоний фазилат бўлиб, у жамиятда кўп қиррали муносабатлар, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиёт жараёнида шаклланиб боради, шахс маънавиятининг

шаклланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади, миллий ва умуминсоний қадриятларда яққол сезилади.

Талаба ёшларни маънавий баркамол, етук мутахасис қилиб тарбиялаш, улар онгига миллий истиқлол ғоя ва мафкурасини сингдиришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг моҳияти беқиёсдир.

Умуминсоний ва миллий қадриятларнинг шахсни шаклланишига таъсири манбаларидан бири ҳисобланган “Авесто”нинг яратилиши, унда ифода этилган инсонпарварлик ҳислатлари, жамият аъзоларининг яшаш тарзи меҳнатга, Ватанга бўлган эътиқодларининг аҳамиятини ёшларга етказиш, IX – XII асрдаги илм - фан тараққиётига ҳисса қўшган буюк алломалар Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Аҳмад ал – Фарғоний, Бурхониддин Марғилоний каби аجدодларимизнинг ахлоқ – одоблари, илм – фанни эгаллашдаги сабр – тоқати, фанга қўшган, маънавият ва маърифатга қўшган ҳиссаларини ўрганиш ва уларнинг илмий мерослари шахс шаклланишида асосий манба бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 й август ойида бўлиб ўтган 1- чақириқ 9- сессиясида қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да, ёш авлодни маънавий – ахлоқий тарбиялашда бой миллий маданий – тарихий анъаналарга, урф – одатлар ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтириш устиворлиги таъминланди. Умумий ҳамда

педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси ўртасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади деб кўрсатиб ўтилди. Халқимизнинг умуминсоний қадриятларига содиқлиги, миллий бойликларни авайлаб асраши азалдан мавжуддир.

Бу ҳақда юртбошимиз И. А. Каримов шундай деганларⁱⁱ: “Мустақил Ўзбекистоннинг куч қудрати манбаи - халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб, асраб келмоқда”.

Ўзбекистон ҳар бир қарич ери, пахта, тилла, газ, нефт, қорақўли миллий маънавиятининг ўзига хослиги бизнинг миллий бойлигимизнинг асосини ташкил қилади. Ўқувчи шахсини шаклланишида энг аввало ўзлигини англашда ўзбек халқининг юксак миллий қадр – қиммати, ор – номуси, шон – шарафи унинг ўта меҳрибон ва соф виждонли экангини англаш муҳим роль ўйнайди. Бу асосда ўқувчида миллий ғурур, миллий туйғу пайдо бўлади. Миллий туйғу инсон учун табиий, чунки у ота – оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота – онасининг бутун дунёга айтган биринчи “Она” сўзи билан ифодаланади .

Инсон ўзини танибдики, шахсни такомиллаштиришга ҳаракат қилади. Не – не алломалар, файласуфлар, мутафаккирлар бу борада тинмай ижод этганлар. Ҳаётда мўл – кўл моддий неъмат эгаси бўлиш, ундан истаганча истифода этиш билан бирга, инсон маънавий неъматлардан баҳраманд бўлмоғи бўлганда ҳам, моддий неъматлардан ҳам кўпроқ даражада озиқланмоғи лозим деган

хулосага келганлар. Шу тариқа ҳам жисмонан, ҳам маънавий уйғунлик мужассам бўлган баркамол инсон юзага келиши кутилган. Маънавий камолотга интилиш инсоннинг моҳияти билан боғланган фазилатидир.

Маънавиятнинг ривожланиши жамият тараққиёти ва шахс камолотига ижобий таъсир кўрсатади.

Ёшларни Ватанимиз қадриятлари, бой маданияти билан таништириш, маданий ва диний билимларни эгаллашга бўлган талабларни шакллантириш, малакаларини ошириб тобора бойитиш, эстетик тушунчаларни шакллантириш жуда муҳимдир.

Ўзбек халқининг маданий меросини ўрганишда ва ривожлантиришда миллийликнинг ўзига хослиги, маънавий хусусиятлари ҳисобга олиниб, халқ педагогикаси анъаналарига суянган ҳолда иш кўриши мақсадга мувофиқдир. Кишилиқ жамиятига муҳаббат, табиат муҳофазаси, маданий ёдгорликларни сақлаш ишларига жалб қилиш муҳимдир.

Ёшларни ахлоқли - фазилатларини тарбиялашда умуминсоний ва миллий бойликлардан фойдаланиш айниқса аҳамиятлидир.

Жумҳуриятимиз мустақилликка эришиши муносабати билан миллий қадриятларимизни тиклаш ва ундан кундалиқ ҳаётимизда, таълим ва тарбия жараёнида фойдаланиш талаб қилинмоқда.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши, халқнинг диний эътиқод эркинлигини таъминланиши, қадимги урф-одатларимизни тикланиши янада ривож топа бошлади.

Ўзбек халқи нафақат бой ер ости захираларига, балки жуда кўхна ва беқиёс тарихга ҳам эга бўлган халқдир. Ўзбек халқи юксак

ақл-заковат, дунёни бошқариш қудрати ва салоҳиятига эга бўлган Соҳибқирон Амир Темур каби саркардаларни, Ал Бухорий, Ат Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад-Яссавий каби улуғ муҳаддис ва мажтаҳид уламолар, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино сингари қомусий алломалар билан биргаликда Ал Умавий, Ҳофиз Шерозий каби муסיқашунос олимларни, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Улуғбек каби мутафаккирлари билан фахрланади. Уларнинг гўзал ахлоқ, бахт, инсоф, поклик, иффат, сабр-матонат, меҳр-шафқат, сихат - саломатлик, ота-онани ҳурмат қилиш, билим ва маданият ҳақидаги дурдона фикрлари ҳозирги ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда йўлчи юлдуз ролини ўйнайди. Чунки ўзбек халқи кўп асрлик тарихий тараққиётида катта маданиятни яратди. Улар яратган бойликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Маънавий қадриятлар ва ғоялар ҳар хил миллат ёшларини бирлаштиради, ўқув ва меҳнат фаолиятини уюштиришга ёрдам беради.

Собиқ Иттифок даврида халқ педагогикасини бола тарбиясидаги бой тажрибаларини ҳаётга тўла тадбиқ этилмаганлиги, буюк алломаларнинг педагогик қарашлари шарқона урф-одатлар, бой анъаналар ҳаётга жорий этилмаганлиги тарбия борасида талай қусурларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Натижада ёшларимиз ўз тили туриб чет тилида мулоқотда бўлиш, рус ва ажнабий кино ва маданиятларга берилиб ўз тили, ўз урф-одати ва ўзлигини йўқотаёзди. Шунингдек ҳар бир авлод бу

масалани ўз даврининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий шарт-шароитлари билан боғлиқ ҳолда ҳал этди. Бу борада кейинги яратилган услубий адабиётлар, ўқув дастурлари ва педагогик амалиётни ўрганиш уларда фойдаланилган материаллар ҳалқимиз анъаналаридан узоқлиги, миллий қадриятларимиз четда қолиб, асосан Европа маданиятига таянилганини исботлади. Эндиликдаги бизнинг асосий вазифамиз миллий анъаналарни, бой меросимиз тарихини кенг жамоатчилик орасига ёйиш ва ундан бола тарбиясида фойдаланиш асосини яратиб беришдан иборатдир.

Миллий анъаналар, урф-одатларимизнинг тикланиши, миллий, умумбашарий ва умуммаънавий қадриятларга асосланган ахлоқ нормаларини яратиш ва уларни болаларимиз, ёшларимиз онгига сингдириш орқали уларни жамиятимиз учун фидокор, билимдон инсон қилиб тарбиялашга асос бўла олади. Чунки миллий анъаналар ҳар бир халқнинг маънавий ҳаётини маҳсули бўлиб, ўша халқнинг ижтимоий фикри миллий анъаналарни уларнинг маънавий эҳтиёжига айлантиради. Миллий анъана ва умуминсоний қадриятларимиз ёшларда ижтимоий онгни шакллантиради ва уни тарбиялайди, уларни ҳақиқий фидокор инсон бўлиб етишишида муҳим рол ўйнайди. У инсон ҳарактерини ижобий томонга шакллантиришда фаол иштирок этади, ёшлар мафкурасига психологик таъсир қилади. Айниқса ўзбек халқининг инсонийлик хусусиятига ва уни миллий урф-одатларига анъаналар асосида шакллантирилади. Инсонийлик ўз таркибига инсоннинг энг яхши ахлоқий хусусиятларини, яъни одамлар ўртасида ўзаро яхши муносабатларда бўлиш, дўстлик, ота-онага садоқатлик,

меҳнатсеварлик, диёнатлилик каби фазилатларни қамраб олади. Ота – боболаримиз болаларда ёшлиқдан шу гўзал фазилатларни қарор топтиришга аҳамият берганлар.

Ёшларни инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашда муқаддас китоб Қуръони Карим, Ҳадиси шарифдан фойдаланиш жуда муҳимдир. Чунки бу ҳикматлар муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Унда инсон тарбиясига алоҳида эътибор берилади.

Жумладан, Қуръони Карим сураларидан бирида “Агар ким (ўзига етган озор-азиятдан) сабр қилса ва (интиқом олмай Оллоҳ учун) кечириб юборса, шак - шубҳасиз бу иш кишиларнинг мувофиғидир” деб кишиларни сабр-тоқатли бўлишга ундайди.

Одамларга: “Мўминларни масқара қилиш, бир-бирларига турли лақаблар тўқиш, ғийбат, айғоқчилик қилиш ва асоссиз ўзгалардан бадгумон бўлиш иллатларидан сақланинг, овозларингизни юқори кўтарманглар” сураси инсонни бир-бирини ҳурмат қилишга чақиради дейиш билан айниқса баъзи ёшларга, келинларимизга, оилани, маҳаллани бошига кўтариб бақир-чақир қиладиганларга қарата айтилгандир.

“Қандай ҳолатда бўлишингдан қатъий назар, ўзингни шундай тутки, ақл ўрганмоқ учун бирор соатингни ҳам зое кетказма, ахир ақлни нодондан ҳам ўрганиш мумкин”. Қобус.

Йигитликда йиғ илмнинг мағзани

Қарилик чоғи ҳарж қил ани.

А.Навоий

Буларнинг ҳаммаси комил инсонни тарбиялашга қаратилгандир.

Ижтимоий – фойдали фаолият тарбиянинг қулай шарти

эканлиги.

Меҳнат шахс ва жамиятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириши учун зарур бўлган ижтимоий маҳсулотларни етиштиришга қаратилган фаолиятдир. Меҳнат инсон фаолиятининг тарихан вужудга келган дастлабки тури бўлиб, одам яшашининг асосий ва биринчи шартидир. Меҳнат туфайли одам онги шаклланади.

Меҳнат шахсни ривожланиш шартидир. Одамнинг психик жараёнлари фақат фаолият жараёнида вужудга келади. Шунинг учун фаолиятнинг турли кўринишларини ўрганиш кенг психологик аҳамиятга эгадир. Одамнинг ҳаёт кечириши ва билиш фаолиятининг асосий шарти бўлган одам фаолияти онгининг ривожланиши шарти ҳамдир. Меҳнат жараёнида одам ўз табиатини ўзгартира борди.

Тарбия воситаси бўлган меҳнатнинг моҳияти унинг мактаб ўқувчиси ҳаётида қандай ўрин тутганлигидагина эмас, балки ўқувчининг ижтимоий турмушига муносабати қандайлигидан, қандай характерда эканлигидан, ўқувчининг меҳнат жараёнида катталар ва ўртоқлари билан қанақанги муносабатларда бўлишидан ҳам иборат.

Одамнинг онгли ва мақсадга қаратилган меҳнат фаолияти ҳар вақт маълум мотивларнинг бўлишини тақозо қилади ва у одамни маълум фаолиятга йўналтиради.

Меҳнат фаолияти ўзига хос хусусиятга эгадир. Меҳнат фаолиятининг ҳамма турлари (ақлий, жисмоний, ижтимоий, фойдали меҳнат) бир - бирларига таъсир қилади, бир – бирини тўлдиради, бу билан одамнинг меҳнат фаолияти тўлақонли бўла боради. Меҳнат фаолияти инсон умрини ҳар томонлама шакллантиради. Ҳар томонлама ривожланиш шахсни тарбиялашнинг асосий шарти унинг онгли фаоллигидир. Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, одам бирор мақсадни кўзлаб меҳнат қилса, бу меҳнатнинг самарасини олдиндан тасаввур қилса, ўша меҳнат унумли бўлади. Меҳнатда ўқувчи шахсининг характери ва иродаси тарбияланади, кузатувчанлиги, диққати ривожланади, анализ ва синтез қилишга ўрганади, умумлаштиради ва таққослайди. Меҳнат ёшларни зийрак бўлишга, фаросатлилиқ, эпчиллик, ихчамлик каби сифатларини, ҳаёлини ўстиради.

Меҳнат фаолияти ўқувчининг ахлоқий ривожланиши ва мукаммаллашишида катта аҳамиятга эга. Меҳнат болаларни жисмонан чиниқтиради, эстетик дидларни, нерв системасини мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Таълим - тарбия жараёни одамни ижтимоий фойдали меҳнатнинг ҳар хил турлари учун зарур бўлган билимлар, малака ҳамда кўникмалар билан қуроллантиради. Маълумки инсон ўз табиати жиҳатидан меҳнат фаолияти билан шуғулланмай яшай олмайди. Ўқувчи шахси таркиб топишининг йўлларида бири – меҳнат фаолиятидир.

Меҳнат фаолияти фақат шахсни тарбиялайди деган умумий ҳулоса чиқариб бўлмайди, тўғри – меҳнат барча шароитларда

ҳамиша шахсни таркиб топтиради, аммо бу ерда гап умуман шахсни таркиб топтириш тўғрисида эмас, балки шахсни муайян ҳислатларига, сифатларига, жамиятга, жамоага, дунёқараш ва эътиқодларга муносабатларини тўғри йўналтирган мажмуага – системага эга бўлган мустақил жамият кишисининг шахсини таркиб топтириш ҳақида боради. Меҳнат жараёни шахсни меҳнатсеварлик, фаоллик, озодалик каби меҳнатга бўлган муносабатни ифодалаш ҳисларини таркиб топтиришга, қийинчиликларни енга олиш фазилатларини, куч – ғайратини, активлик, қатъийлик каби муайян мақсадни кўзлаш ҳисларини ўстиришига; ялқовлик, лоқайдлик, пассивликка барҳам бериш каби ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол тарбиялашга қаратилгандир.

Инсон шахсини етук, баркамол тарбиялаш воситаси бўлган меҳнатни моҳияти унинг мактаб ўқувчиси ёки ёшлар ҳаётида қандай ўрин тутганлигида эмас, балки ўқувчининг, ёшларнинг энг муҳим ижтимоий тушунча муносабатини қандайлигидан, қандай ҳарактерда эканлигидан, ўқувчининг меҳнат жараёнида катталар ва ўртоқлари билан қандай муносабатда бўлишларидан иборатдир.

Ёшларни меҳнатга ижобий муносабатда бўлиш, жамиятга ҳурмат, ўз хатти – ҳаракатларини керакли тарзда йўлга солиш ва тузатиш жараёнларини таркиб топтириш - буларнинг ҳаммаси ҳар қандай меҳнат жараёнида ҳам эмас, балки махсус уюштирилган, муайян шароитларда амалга оширадиган меҳнат фаолиятидагина юз беради. Шунинг учун ёшларни, ўқувчиларни, болаларнинг меҳнат тарбиясини тўғри уюштириш – тўғри ташкил қила олиш шу

қадар муҳимдир. Меҳнат тарбиясининг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқувчи шахсини таркиб топтириш муваффақиятига боғлиқдир. Меҳнат тарбияси тажрибалари, педагогик – психологик изланишларга доир материаллар меҳнатни ҳақиқатдан ҳам тарбия омилига айлантирадиган қуйидаги шартларни ифодалаб бериш икониёти яратади:

I. Ўқувчилар меҳнати ижтимоий фойдали бўлиши керак. Ёшлар ва ўқувчилар ўз меҳнатининг муайян ижтимоий қийматга, ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини, кишиларга, жамиятга, жамоаларга фойда келтиришини англаб етмоғи лозим. Бу мактаб фойдасига қилинган меҳнат – мактабни жиҳозлаш, қўлланма – дарсликларни таъмирлаш, мактаб ҳовлисини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ҳ.з. Бироқ шуни назарда тутиш лозимки, ўқувчилар фақат ўз умум мактаб жамоаларининг фойдаси учунгина эмас, балки жамият фойдаси учун қилинадиган меҳнатда ҳам иштирок этишлари лозим. Масалан: ўқувчиларнинг умумшаҳар, туман миқёсидаги жумаликларда иштирок этиши ёки умум халқ ёки маҳаллалардаги ҳашарларда иштирок этишининг тарбиявий аҳамияти бекиёсдир.

II. Ижтимоий қийматга эга бўлган фойдали маҳсулот меҳнат натижаси бўлиши.

Ўқувчи ўз меҳнاتини яққол ва аниқ кўриши лозим. Шу муносабат билан ўқувчининг ўз меҳнати натижаларининг ижтимоий вазифаси билан муфассал таништириш, ўқувчига унинг меҳнатини кимга кераклигини кўрсатиш жуда муҳим. Масалан : ўқувчилар томонидан темир – терсак, қоғоз йиғишлар ва унинг

натижасини билиш ёки жамоа хўжаликларида сабзавот – мева териш кабиларга қатнаштириш мақсадга мувофиқдир.

III. Ўқувчиларнинг меҳнати жамоа меҳнати бўлмоғи керак. Жамоа меҳнати – умумий меҳнат вазифаларини биргаликда бажарадиган, умумий мақсад, умумий вазифалар билан бирлашиб қилинадиган меҳнатдир. Мана шундай меҳнатгина ўқувчиларнинг, ёшларнинг ўз хатти – ҳаракатларини жамоа манфаатлари нуқтаи – назардан бошқара олиш ҳислатларини, ҳамда ўз хатти – ҳаракатларини жамоа иродасига бўйсундира олиш сифатларини тарбиялайди. Меҳнат фаолияти жараёнида шахсий ютуқларгина меҳнат манбаи бўлса, жамоатчилик сифатларини таркиб топтириш учун асос бўлмайди. Жамоа билан амалга ошириладиган иш эса ўқувчиларда меҳнатнинг умумий натижалари ўзининг ҳар бир аъзосининг кўрсаткичларига бевосита боғлиқ бўлади.

IV. Ўқувчининг меҳнати ташаббускор ва ижодий меҳнат бўлиши керак. Мана шунда меҳнат ишнинг ижодий томонига қизиқадиган, шунчаки, бир фойдали иш қилишга эмас, балки янгиликка, ўз ташаббусини намойиш қилиш имкониятларини қидиришга интиладиган ўсмирлар ва юқори синф ўқувчиларининг ёш психологик хусусиятларига мос бўлади. Меҳнат қанчалик кўп интеллектуал куч – ғайрат сарфлашни талаб этса, ўқувчилар унга шунчалик кўп куч – ғайрат сарф қиладилар, кўп тайёргарлик қиладилар. Ўқувчилар ёшлар орасида шунга эришиши керакки, ёшларнинг ўзлари меҳнат вазифаларини ҳал қилишининг энг яхши усулларини қидириб топсинлар, ўзлари ўз фаолиятларини режалаштирсинлар.

V. Меҳнат жараёнида айниқса ёшлар, ўқувчилар ўз – ўзини уюштириш ва мустақил меҳнат қилишнинг ҳар – хил шаклларини қўллашлари лозим. Гап фақат ўқувчиларнинг ташкилотчилик малакаларини ҳосил қилишдангина эмас, балки ўз – ўзини уюштиришнинг мустақилликка раҳбарлик қилиш ва бўйсундириш малакаларни, ижодий ташаббусни, маъсулият ҳамда жамоат манфаатларини, ижодий ташаббусни, ҳис қилиш сифатларини тараққий эттиришга ёрдам беради.

VI. Ўқувчиларнинг меҳнати уларнинг ўзлари учун қизиқарли бўлиши лозим. Айниқса, кичик мактаб ўқувчиларининг меҳнати бевосита қизиқишларга асосланади, лекин ўқувчиларни қизиқарли бўлмаган меҳнат билан шуғулланишга ҳам одатлантириш аҳамиятлидир.

VII. Ўқувчиларнинг меҳнати уларнинг кучига яраша бўлмоғи лозим. Меҳнат ўқувчиларни ҳаддан ташқари кўп куч сарф қилишга, жуда толиқиб қолишга олиб бормаслиги лозим. Меҳнат боланинг кучига мос бўлса унда бола муваффақиятга эришади, аксинча у мос бўлмаса бола психикасига қаттиқ таъсир қилади, бола ўз кучига ишончини йўқотади, ҳатто кучи етадиган ишни бажаришдан ҳам бўйин товлайди.

VIII. Ўқувчиларнинг меҳнати таълим фаолияти билан боғлиқ бўлиши яхши натижа беради. Чунки уларнинг назарий олган билимлари билан меҳнат фаолиятларини узвий равишда шундай боғлаш зарурки, уларнинг меҳнати биология, химия, геометрияни билишни, чизмалар чизиш ҳамда уларни тушуниб ола билишни талаб этсин.

IX. Ўқувчиларни меҳнат билан жазолашга ва меҳнати учун жазолашга асло йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бола унга куч сарф қилади, машаққат чекади.

X. Ўқувчидан ишни шунчаки бажаришни эмас, балки асбоб – ускуналарга, материалларга, меҳнат қуролларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб этиш зарур. Бу шартларга амал қилиш – ёшлар учун меҳнат фаолиятини қизиқарли фаолиятга айланишига имкон яратади. Уларда зўр маънавий қониқиш ҳисларини уйғотади, меҳнат жараёнида ўқувчилар тўғри ижтимоий хатти - ҳаракатларининг амалий тажрибасини эгаллайдилар. Инсон шахсини шаклланиши болани меҳнатга бўлган ижобий муносабати орқали пайдо бўлади. Ёшлар меҳнат қилиш орқали ўзини англайди, ўз меҳнати самарасини кўриш эса уни меҳнатга ижобий муносабатини шакллантиради. К.Д. Ушинский “Меҳнатнинг психологик ва тарбиявий аҳамияти” мақоласида шундай дейди:ⁱⁱⁱ

“Меҳнатнинг моддий самаралари одамзод мулкидир, лекин меҳнатнинг кучи, маънавий ҳаётбахш кучи одамзод қадр – қимматини манбаи бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга одоб - ахлоқ ва бахт - саодат манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади. Ишлаётган киши учун қилинадиган шахсий меҳнатгина ана шундай ҳаётбахш таъсир кўрсатади. Меҳнатнинг моддий самараларини тортиб олиш, мерос қолдириш, сотиб олиш мумкин, лекин меҳнатнинг ички, маънавий, ҳаётбахш кучини тортиб олиш ҳам, мерос қолдириш ҳам Калифориятнинг жами тиллосини бериб сотиб олиш ҳам мумкин эмас. Бу куч меҳнат қилган кишида қолади”.¹

Демак, ёшлар бажарадиган меҳнат жиддий меҳнатга ҳавас ўтини ёқиши лозим, бундай меҳнатсиз одам инсон шаънига ярашадиган ҳаёт кечира олмайди ҳам. Меҳнат одамнинг туғма эҳтиёжидир. Лекин шароитга қараб теварак атрофда ёшларга кўрсатиладиган таъсирга қараб, бу эҳтиёж жуда тез авж олиши ёки сўниб қолиши мумкин.

Ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан биридир. Бунинг учун:

- 1-дан, уларни ёшлигидан бошлаб ёш хусусиятларига хос меҳнат турларини бажаришга ўргатиш;
- 2-дан, ёшлар меҳнاتини сиртдан назорат қилиш;
- 3- дан, меҳнат анжомларидан фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш;
- 4- дан, уларни асраб – авайлаб сақлашга ва фойдалангандан кейин уни жой – жойига қўйишга одатлантириш;
- 5- дан, ўз меҳнатининг маҳсулидан фойдаланишга ўргатиш;
- 6- дан, катталар меҳнатига тақлид қилиш ва уни ҳурматлаш;
- 7- дан, ўз ва жамият мулкини авайлашга ўргатиб бориш муҳимдир.

Ёшларни меҳнатсеварлик тарбиялаш ва уни жаҳон андозалари даражасига етказиш ҳозирги замон талабидир.

Ёшларимизнинг меҳнатсеварлик руҳидаги тарбиялашни янгича асосларда яъни 1- дан, миллий қадриятларимиз заминида ва 2- дан, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ўзини оқилона жаҳон андозалари намунасида йўлга қўйиш лозим. Чунки меҳнатсеварлик маънавий тушунча бўлиб у объект – субъект муносабатларида шаклланади ва натижалари намоён бўлади. Лекин

объект – субъект муносабатлари қобилият ва имкониятларга боғлиқ. Шундагина субъект – объект муносабатлари шахсда маълум, ўзида меҳнатсеварлик сифатини акс эттирувчи таркибий қисмларни шаклланишига имкон беради.

Жавобгарлик, сабр – тоқат, интизом, маданий ҳуқ, ўзаро ёрдам шахс сифатларини, ташаббускорлик, мустақиллик, топшириқларни сифатли бажариш, фаҳм-фаросатлилиқ, меҳнатсеварлик даражаси меъёридир. Ривожланган мамлакатларнинг меҳнатсеварлик тарбияси бўйича андозалари ўзбек миллий қадриятлари билан қарама-қарши эмас, аксинча умумийликка эга.

Умумжаҳон андозаларида меҳнатсеварлик тарбияси шахс ривожланишини жамият мақсад ва вазифаларининг марказидадир; жамиятнинг муваффақиятли моддий ва маънавий ривожланиши ҳар бир шахснинг шаклланганлик даражаси билан боғлиқ; жамият ўзининг ҳар бир аъзосига ўзини лаёқати, имконияти, қобилиятларини юзага чиқаришга шарт - шароит яратиб берагина, у демократик, инсонпарварлик жамиятидир. Ҳар бир фуқаро жамиятдан олибгина қолмай, бериши ҳам керак, яратилган имкониятлардан фойдаланиб бор лаёқати ва қобилиятини ишга солиши, ўзига мос, қодир бўлган касбни танлаши, меҳнат қилиб жамиятни моддий, маънавий ривожига ҳисса қўшиши лозим деган тезисларга асосланади.

Ўзбек миллий педагогикасидаги меҳнатсеварликка - бойлик ва бахт манбаи; меҳнат тўғрисида эл олдида ҳурматга сазовор бўлиш, кўзинг ва ақлинг етган касбни танла, уни эъзозла, меҳнатда

сабрли ва қаноатли бўл; меҳнатни яхши – ёмони бўлмайди, бу одамнинг ўзига боғлиқ; меҳнатсеварликни бола дастлаб оилада ўрганади, меҳнатсеварлик тарбиясига қавму – қариндош, маҳалла, ёшу қарилар ҳисса қўшадилар, меҳнат сирларини устоздан ўрганади, устоз отангдан улуғ деган тезисларни талқин қилади.

Меҳнатсеварлик тарбиясини амалга оширишда бир тарафдан ўқувчиларнинг имконият, лаёқат ва қобилиятлари ҳисобга олинса; иккинчи томондан унинг эҳтиёж – мотивлари тизимидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ.²

Меҳнатсеварлик тарбиясини амалга оширишда

1- дан, умумжаҳон педагогик андозаларидан,

2-дан ўзбек халқи педагогик қадриятлари манбаларидан келиб чиқиш баркамол шахсни шакллантиришнинг ўзига хос ва мос томонларини ифодаланишидир.

Ёшлар жамоаси ва унинг тарбиявий имкониятлари.

Ёшлар жамоаси тарбиянинг энг муҳим факторидир.

Миллий истиқлол халқ таълими тизимини ҳам янгилашни тақозо этмоқда. Бу тизим янгича фикрловчи ёш авлодни тарбиялашга қаратилган бўлиб, уни амалга ошириш эса ёшларнинг маънавий уйғонишига ва мамлакатнинг ақлий салоҳиятини оширишга олиб келади. Маънавиятсиз ҳеч қачон мамлакатда тараққиёт бўлмаганидек, ҳар қандай миллий мустақил тараққиёт маърифатли маданиятли жамият томон боради. Ёшларга

² “Фаолият – одамни шахс сифатида шакллантириш асоси экан” деган қисмга қаралсин.

маърифатли, маданиятли бўлиб шаклланиш аввало оиладан, кейин эса ёшлар жамоасидан бошланади.

Ёшлар жамоаси – тарбиянинг энг муҳим факторидир. Ёшлар жамоасининг ўзи нима? Ёшлар жамоаси умумий фаолият мақсадлари асосида бирлашган, жамиятнинг бир қисми бўлган ва ана шу жамият мақсадларига бўйсунган уюшмадир.

Юксак ғоявий, маънавий йўналишга эга бўлган, умумий мақсад, ҳаракатларнинг бир – бирига мослиги ва уюшқоқлиги билан бирлашган бир бутун, ниҳоятда ҳамжиҳат, соғлом ҳамда муайян мақсадни кўзловчи жамоани уюштириш орқали тарбиялаш ёшларга тарбия беришнинг асосий тамойилларидан биридир. Бундай ёшлар жамоаси тарбиячининг таянчи, ёрдамчиси, тарбиявий таъсирнинг қудратли қуролидир. Ёшлар жамоасининг бола шахсини шаклланиши ҳақида сўз юритганда биз шу жамоанинг юксак ахлоқий сифатларини назарда тутишимиз лозим. Мактабда, жамоада ва гуруҳларда юксак ахлоқий вазият ҳукмрон бўлганда, ахлоқий бойликларга нисбатан фаол муносабат таркиб топган шароитдагина мақсадни амалга ошириш, бола шахсига таъсир этиш мумкин бўлади. Бусиз ижтимоий жамоада ўқувчилар уюшмаси ҳам тарқоқ тўдалигича қолаверади ва бинобарин у жамоа ҳисобланмайди.

Баъзи ҳолларда жамоанинг шахсга таъсири қанчалик кучли бўлавермасин, у барча ҳолларда ҳам қўл келавермайди. Чунки уларнинг мақсади хусумат, худбинлик, шахсий манфаатларга асосланган бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолларда ҳам ҳар бир

жамоанинг фаолият мотивларини аниқ англаб олишимиз ва кейингина ундан шахс тараққиётида фойдаланишимиз лозим.

Жамоа ва ёшлар ва уларни бир – бирига боғлиқлиги ғоят даражада чексиздир. Чунки одам шахс сифатида туғилмайди, у индивид сифатида дунёга келади. Одамлар яъни ота – оналар, атрофдаги кишилар билан бўлган мулоқотда, ўзаро муносабатларда шахсга айланади. Бу нарса ясли ёшидаги болалар орасида ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида исботланган. Агар катта ёшдаги одамлар бола билан муносабатда бўлмасалар, бола билан “гаплашмасалар” ва ўйнамасалар, у ақлий ва ҳиссий тараққиёт жиҳатидан кескин суратда орқада қолиб кетади, ёки унинг ақлий тараққиёти тўхтаб қолиши ҳам мумкин.

Шахс онг эгаси бўлган одамдир, онг эса фақат табиий ҳодисалар оламинигина акс эттириб қолмай, балки шахс инсоният тажрибаси асосида тўпланган нарсалар билан муносабатда бўладиган ижтимоий онг маҳсулотларини ҳам акс эттиради.

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир кабилар мактаб ўқувчиси шахсининг таркиб топишига таъсир кўрсатишда унинг яқин қариндошлари ва ҳамкасбларининг таъсир кўрсатишидан қолишмайди.

Бола ўйинда адабий қаҳрамонга тақлид қилишга интилиш, мунозараларда қатнашиш буларнинг ҳаммаси мактаб ўқувчиси шахсини фаоллигини намоён бўлишидир.

Бола шахсини таркиб топиши жамоада амалга ошади. Бунда бола аввало ўзи ҳақида учинчи шахс тилидан гапиради.

(М: “Ақидани ўйнагиси келяпти”) Ундан кейин болани ўз – ўзини англашининг содда шакли сифатида ўз характер ҳислатларини англаш юзага келади. Лекин фақат ёшлар жамоасининг бошқа аъзолари билан бўладиган муносабатдагина боланинг ўз – ўзини англаши, жамоада ўз ролини англаши даражасигача кўтарилади. Бошқалар уни “яхши” ёки “ёмон” деб баҳо беришларини тушунгандан кейингина болада ўз – ўзини танқид қилиш юзага келади. Аввал қисқа муддатли баъзан тасодифий жараён сифатида, ундан сўнг эса жамоанинг етарли даражада фаол таъсир кўрсатиши туфайли шахснинг хислати сифатида ўз – ўзини танқид қилиш хислати юзага келади. Шунинг учун тарбиянинг муваффақиятли шартларидан бири шахсни “жамоада ва жамоа орқали таркиб топтиришдир”.

Ўсмир тенгқурлари жамоа ҳаёти ва фаолиятида фаол иштирок этиб, жамоа манфаатларини кўзлаб яшашга ҳамда ўз хатти – ҳаракатларини ана шу жамоага бўйсундиришга ўрганади. Ўқувчи фақат жамоада ўзаро бирдамлик муносабатлар тажрибасини, ижтимоий йўналишни тараққий эттириш, шахс ва жамият ўртасидаги тўғри муносабатлар тажрибасини эгаллайди. Жамоадан ташқарида бундай сифатларни умуман тарбиялаб бўлмайди. Шунингдек, тенгқурлар жамоаси шахснинг барча ижобий сифатларини (камтарлик, виждонлилик, қатъийлик, ўз – ўзини тута билиш ва хоказо) таркиб топтириш ва тараққий эттиришга таъсир кўрсатади. Жамоа ялқовлик, худбинлик, ичи қоралик, кўрқоқлик, ўз – ўзини тута билмаслик, икки юзламачиликни фош қилиб ташлайди. Муваффақиятсизликдан гангиб қолмасликка

кўмаклашади, ўзини йўқотиб қўйиш, тушкунлик ва ўзига бўлган ишончни йўқотишга йўл қўймайди, яъни ёшлар ўз тенгқурлари жамоасида ўзини кўзгуда кўргандек бўлади. Ўзининг яхши ва ёмон ҳислатларини ва жамоадагиларнинг яхши ва ёмон сифатларини билиб олиш билан бирга уларга ва ҳар қандай ҳислатларга ижобий ёки салбий муносабатни акс эттирадилар.

Ёшлар жамосини ташкил қилиш

Ёшларнинг ўзига хос хусусиятлар турлича бўлиши сабабли жамоанинг ҳам ташкил топиши ва унинг фаолияти унга боғлиқдир.

Чунки жамоанинг йўналиши фақат жамоада таркиб топади. Шунинг учун жамоа ўзаро муносабатлар ва жамоа фаолият тажрибаси шунчаки, қатъийликни, шунчаки камтарликни эмас, балки жамоа камтарлигини таркиб топтиради. Жамоа тарбиявий таъсирининг асосий томони шундаки, у тарбия субъекти сифатида намоён бўлади.

Ёшлар жамоасини ташкил қилишда катталарнинг жамоа кўллаб – кўлтиқлайдиган талабларидан жамоада ўз аъзоларига мустақил равишда ҳамда ўз ташаббуси билан талаблар қўйишга ва уларни бажарилишини назорат қилишга ўта олиш, катталарнинг бевосита педагогик таъсирида жамоа орқали таъсир кўрсатишга ўтиш муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар жамоасининг асосий вазифаси – жамоа ижтимоий фойдали фаолиятини ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий ахлоқ тажрибасини йўлга қўйишдан иборатдир. Чунки, бунинг асосида юксак ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадларга интилиш ҳисси тарбияланади, комил инсоннинг ҳислатлари ҳосил бўлади.

Ўсмирлар айниқса катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг жамоасига нисбатан бачканалик ва хиралик билан васийлик қилиш ярамайди, ташкил топган ёшлар жамоасининг йил сайин ўсиб бораётган маънавий кучларига ишониш лозим. Анча етук ва тажрибали кишилар томонидан кўрсатилган ёрдам, бериладиган маслаҳат зарурдир, ҳатто катта мактаб ёшидаги ўқувчиларга ҳам катта ёшдаги дўст ва маслаҳатчи, меҳрибон, ғоявий жиҳатдан чиниққан мураббий лозим.

Мураббий раҳбар жамоанинг аҳил, жуда иноқ жипслашган бўлишига, шунингдек, унинг ғоявий йўналишига, соғлом жамоат фикрига, танқид ва ўз – ўзини танқидга, жамоанинг ҳар бир аъзосига нисбатан юксак талабчанликка эга бўлган жамоа бўлишига эришиши лозим. Агар жамоа олдига ижтимоий фойдали ва айнаи вақтда қизиқарли мақсад қўйиладиган бўлса, ижобий сифатлар таркиб топиши мумкин. Қизиқарли мақсад қўйиш жуда муҳимдир, чунки ўсмирлар ва айниқса кичик мактаб ёшидаги болалар бу мақсад ижтимоий аҳамиятга эга бўлганлиги учунгина унга ҳамиша ҳам қизиқавермайдилар. Тарбиячи ва ўқитувчиларнинг вазифаси ва ундан келиб чиқадиган маҳорати бирор вазифани ўқувчиларга уларни қизиқтирадиган қилиб қўя олишида, унинг ижтимоий фикри фақат тушунарли бўлибгина қолмасдан, балки яқин, кадрли, нимаси биландир шахсий қилиб тушунтира олишда ҳам кўринади.

Ёшлар жамоасини ташкил топиши албатта унинг ташкилотчиси, уни эътиқод ва дунёқарашига боғлиқдир. Ёшлар жамоаси ўз мудир ва унинг орқасидан берадиган ёшларнинг хатти

– ҳаракатларига ҳам боғлиқдир. Маълумки, ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистоннинг мустақиллигини кўра олмаган кишилар ўзига хос ва мақсади хусуматдан иборат бўлганлар жамоаси ҳезби – таҳрир, ваҳобийлар каби жамоалар пайдо бўлди. Бу жамоа кўпроқ корпорация тариқасида пайдо бўлиб ёшларни тўғри йўлдан адаштирмоқдалар. Бизнинг асосий мақсадимиз бу йўлда адашган ёшларни тўғри йўлга солишдан иборатдир.

Ёшлар жамоасини ташкил қилишда:

- 1) ёшларни ёш хусусиятларини ҳисобга олиш;
- 2) уларни жамоа учун жавобгарликка ва ўзаро ёрдамга одатлантириб бориш;
- 3) жамоани жипслаштириш ва бирлаштиришга эътибор бериш;
- 4) жамоада ўз бурчини англашга, мажбуриятни ҳис қилишга ўргатиб бориш муҳимдир.

Ўқувчи ёшларнинг асосий фаолияти уларнинг ўқиши ва ўқув ишларидир.

Мактабларда ўқиш – ўқувчиларнинг ўқитувчилар томонидан ташкил қилинган ва раҳбарлик қилинаётган ижодий чинакам жамоа меҳнатидир.

Ўқув ишлари тўғри уюштирилган тақдирда, ҳар бир ўқувчи ўзига берилган топшириқни бажариши учун синфдош ўртоқлари ва бутун мактаб жамоаси олдида маъсулиятли эканини ҳис қилади. Мактабларимизда юксак даражада ўзлаштириб ўқиш учун, онгли интизом учун кураш олиб бориш ўқитувчиларнинггина эмас, балки ўқувчиларнинг ҳам умумий вазифасидир.

Ўқув ишлари – жипслашган ўқувчилар жамоасини ташкил қилишда асосий йўлдир. Ҳамма учун умумий иш бўлган ўқиш бутун синф ўқувчиларини дўстона жамоа қилиб жипслаштиради. Синфда ўқувчилар жамоаси тузилгандан кейин, бу жамоа – ўқувчилар ахлоқини тарбиялашда энг муҳим воситалардан бўлиб қолади. Ўқитувчилар, катталар, ота – оналар жамоани тарбиялайди, уни изга солади, мустаҳкамлайди, шундан кейин бу жамоанинг ўзи катта тарбиявий кучга айланади. Ўқув ишларининг бир ячейкаси бўлган синф – ўқувчилар жамоасининг асосий шаклидир. Жипслашган, жамоа бўлиб бирлашган, ҳамжиҳат синфда интизом одатда юксак бўлади ва ўқувчилар ўқув дастурлари мазмунини ҳам яхши ўзлаштирадilar.

Бундай синфда ўзаро ёрдамлашиш доим яхши йўлга қўйилган бўлади, жамоатчилик фикри эса ўқитувчига ёрдам бериш учун доим тайёр ҳолда туради. Шунинг учун яхши ўқитувчилар одатда, болаларни ўқитишга киришиш биланок ўз синфларини жипслашган, ҳамжиҳат жамоага айлантиришга ҳаракат қиладилар. Шу мақсадда улар дарсларда ўқув ишларининг жамоа шаклларини кенг қўллайдилар, ўқишда орқада қолган ўқувчиларга, ўртоқларга ўзаро ёрдам уюштирадilar. Интизомни бузувчиларга қарши бутун синф ўқувчилари жамоатчилик фикрини жалб қиладилар.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ҳам ўқувчиларни жипслаштириш, жамоани ташкил қилишда муҳим воситаларидандир. Бу ишлар ўқувчиларнинг фан, санъат, жисмоний тарбия ва спортга бўлган, айниқса миллий кураш яъни ўзбек

курашини ташкил қилишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир.

Мактаб ва мактабдан ташқарида ташкил қилинган илмий кружок ва жамоалар, ансамбль ва студиялар, спорт командаси ва секциялар – болалар жамоасини уюштириш шаклларидандир.

Ёшларни бўш вақтларда қиладиган ишлари, илмий изланишлари уларни жипслаштиради, ҳамжиҳат жамоага бирлаштиради. Ўқувчиларнинг жипслашуви жамоани мустаҳкамлайди ва уларнинг обрўйини оширади. Бундан жамоанинг тарбиявий таъсири ҳам кучли бўлади.

Ёшларни жамоа учун, жамоа орқали шаклланиши.

Болаларни, ёшларни жамоа учун, жамоа орқали тарбиялаш шахс шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Чунки ёшлар фақат жамоада ва жамоа таъсири остида ўзаро муносабатлар асосида ҳақиқий комил инсон бўлиб шаклланади. Жамоа ўз аъзоларига таъсир кўрсатади, улардан муайян хулқ – атворни талаб қиладди. Жамоанинг соғлом ва обрўли жамоатчилик фикри, кучи ниҳоятда каттадир. Жамоанинг маъқуллаши ёки қоралаши, жамоанинг соғлом танқиди, ўз аъзолари олдида қўядиган таъсири ва жиддий талаблари шахсни таркиб топтирувчи, назорат қилувчи ва тузатувчи муҳим омилдир. Ҳаммага маълумки, ахлоқ қоидалари ва нормаларини бузувчи ўқувчига кўпинча ўқитувчининг тарбиявий таъсири ўтмайди. Ёки аксинча, айбдор ўқувчи унинг хатти – ҳаракатларига ҳайрихоҳлик билдирибгина қолмасдан, балки бир овоздан ва чинакам қоралаган, етарлича зарба берган аҳил

жамоанинг сиқувига қарши тура олмайди. Натижада жамоа талабаларининг тараққий этиши жипслашган, ахлоқий жиҳатдан ўсган жамоа билан бирга муайян эволюцияни, динамикани бошидан кечиради.

Соғлом ижтимоий фикрга, ўз аъзоларига нисбатан ривож топган танқид ва талабчанликка эга бўлган, иноқ, ғоявий йўналишга эга бўлган жамоа ўз аъзоларига таъсир кўрсатиш кучига эга бўлади, ҳамда уларга тўғри йўналишда таъсир кўрсатади. Аммо бунинг ўзи камлик қилади. Ана шундан бундай жамоада таъсир кўрсатишнинг тўғри шаклларини қўллай олиш, индивидуал ёндошиш, назорат усулини қўллаш ҳислатларини таркиб топтиришдан иборат вазифа бордир.

Жамоада ва жамоа учун тарбиялаш тарафдори бўлган В.А. Сухомлинский ҳам болалар жамоасида болалар хатти – ҳаракатларини муҳокама қилишдан қочиш зарур, чунки бунда айрим ҳолларда бола психикасининг шикастланиши, хато ва камчиликларга йўл қўйилиши мумкин деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, жамоа иноқлик билан керакли йўналишда иш тутиб, таъсир кўрсатишнинг ўзини оқламаган шакллари (бурчакка тургизиб қўйиш, жазбар билан уриш, қулоғини чўзиш) қўллашга ҳаракат қилган айрим ҳоллар ҳам бўлади. Барча ҳолларда ўқитувчининг жамоа ишига аралашуш ва уни кузатиш ҳуқуқи сақланиб қолади, шундай бўлса ҳам, жамоа таъсир кўрсатишнинг тўғри шакллари танлай олишига эришиш керак.

Ёшларни жамоа учун тайёрлашда:

- 1) уларни жамоат орқали инсон ҳақиқий инсон бўлиши мумкинлигини;
- 2) жамоадаги кишилар гуруҳининг мақсади ва вазифалари бир бўлишини;
- 3) улар жамоадагилар билан бир тан, бир жон бўлиб яшаши лозимлигини;
- 4) жамоанинг муваффақияти сенинг ҳам муваффақиятинг бўлишини;
- 5) жамоада бир – бирини ташвиши, қувончи сенинг ҳам ташвиш ва қувончинг эканлигини тушунтириш лозим.

Ҳаммадан ҳам ҳақиқий жамоа ўз Ватани учун содиқ бўлиши ва юртим деб, элим деб жон куйдириши лозимлигини англаш муҳимдир.

Жамоа орқали ёшларни тарбиялашда бола, ўсмир ва ўспирин ўзини кўзгуда кўргандек ҳис қилиши муҳимдир. Чунки ёшлар ҳақиқий жамоадагина ўзини – ўзи англайди, камчилик ва ютуқлари, салбий ва ижобий сифатларини фарқлайди, жамоадаги идеал кишилардан ўрнак олади, уларга ўхшашликка ҳаракат қилади, ўзини – ўзи тарбиялаш имконига эга бўлади. Ўз – ўзини тарбиялаш эса инсоннинг ахлоқий сифатидир. Унда ёшлар ўзини – ўзи қўлга олади, салбий сифатларидан холи бўлишга яхши сифатларни ўзида шакллантиришга ҳаракат қилади. Бу эса жамоанинг шахс шаклланишига ижобий таъсир этишидир.

Ёшларни шахс сифатида шаклланишида ёшлар ўртасида ўтказиладиган тарбиявий тадбирлар катта роль ўйнайди. Чунки ёшлар ўртасида ўтказиладиган, айниқса мактабларда уюштирилган

тадбирлар – жипслашган болалар жамоасини ташкил этишда муҳим воситалардан биридир.

Ўқувчиларни жамоа қилиб жипслаштириш учун даставвал умумий мақсад бўлиши керак, ҳамманинг манфаатига тўғри келадиган, бутун синф учун умумий иш бўлиши мақсадга мувофиқ. Кейин жамоа орасида ишларни аниқ тақсим қилиш ва уни бажарилишини мунтазам равишда текшириш лозим. Бунда ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун масъулиятли эканлиги сезилиб туриши лозим. Бу мактаб жамоатчилиқ топшириғини яхши бажарган синф, мактаб шарафи (ҳозирги кунда бундай тадбирлар маҳаллаларда ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқ) синф учун, мактаб ва маҳалла учун фахрланиш нималигини тушиниб олиш имконини беради. Мактабларда, маҳаллаларда кечалар, эрталиклар, экскурсиялар, байрамларни биргалашиб ўтказиш ёшлар жамоасини тузишга ва уни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Мактабдаги ёшларни ҳамжиҳат жамоа қилиб уюштиришда мактаб деворий газетаси катта роль ўйнайди. Чунки газеталарда ёшларнинг (марказий шаҳар, туман ёшлар газетаси ҳам), дарсларни ўзлаштириши, ёшларнинг ўзаро ва катталар билан муносабати, меҳнатга муносабати, ютуқ ва камчиликларни ёритилиши уларни ўзини англаш, ўзига – ўзи баҳо бериш каби сифатларни шакллантиради. Ҳар бир ёшнинг ғоявий – сиёсий савияси, билимларни яхши ўзлаштириши, онгли интизоми, жамоатчилиқ онгининг ташкил топиши, жамоат учун фойдали малакалар ҳосил қилиш ва умумий ривожланиш кабилар муваффақият билан ҳал этилади. Агар ёшлар учун чоп этиладиган газеталар тўғри йўлга

қўйилган тақдирда, у ёшлар жамоасини тузишнинг муҳим воситасига айланади.

Мактабда мактаб жамоасини уюштириш, ёшлар камолот жамоасида бўлиб турадиган йиғилишлар ҳам шахс шаклланишида катта аҳамиятга эгадир. Йиғилишлар ёшларнинг фуқаролик бурчини англаш ҳиссини ўстиради, уларни танқид ва ўз – ўзини танқидга ўргатади. Ёшларнинг йиғилишида энг долзарб ва энг қизиқарли масалалар бўйича баҳслашиш уларда ҳаётий эътиқод ва дунёқарашининг барқарор шаклланишига таъсир қилади ва муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан умумий бир фикрга келиш, факт ва мулоҳазаларни таҳлил қилиш ва ундан тегишли хулосалар чиқаришга имкон туғилади.

Ёшларни жипслашган жамоа қилиб бирлаштиришнинг энг муҳим воситаларидан бири ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишдир.

Биргалашиб меҳнат қилиш жараёнида ёшларда ахлоқий жиҳатдан муҳим бўлган кўпгина фазилатлар ҳосил бўлади. Ёшлар жамоа бўлиб меҳнат қилишлари натижасида жамоанинг қандай кучга эга эканлигини тушунадилар, қийинчиликларни енгишга ва бошлаган ишни охиригача етказишга ўрганадилар. Ижтимоий ишлар ёшларнинг масъулият ҳисларини кучайтиради, жамоатчилик туйғуларини мустаҳкамлайди, уларни жамоада ўзаро муносабатларга ўргатади.

Ёшларни умумий бир мақсадга интилишлари, ғоявийлиги, ижтимоий – сиёсий активликлари, Ўзбекистоннинг мустақиллигига қўшган ҳиссалари, орзулари – ёшлар жамоасини ташкил топиши ва

унда ёшларнинг комил инсон шаклида шаклланиши ёшлар жамоасини тузишга асос бўлади.

Ёшларни ҳамжихат жамоа қилиб жипслаштиришда авлод – аجدодларимиз, ота – боболаримиз мерос қилиб қолдирган билимларни эгаллаш, санъатимизнинг, маданиятимизнинг сирларини ўрганиш, ўзбек халқининг ажойиб анъаналаридан фойдаланиш ҳам ва уларни ёшлар онгига сингдириш катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбек халқининг энг яхши анъаналари катталарни ҳурмат – иззат қилиш, меҳмондўстлик, увол ва ундан кўрқиш, ўзаро ҳамкорлик, ҳашар йўли билан битмаган ишларни жамоа бўлиб битириш, катталар билан саломлашиб ўтиш, қарияларга ёрдам бериш, йўл бериш, кўлини кўксига кўйиб сўрашиш, тўй ва маросимларда ёрдамлашиш каби кўплаб ишларга хайрихоҳлик билдиришни ва уларни ёшлар онгига сингдириш – бу кундалик ҳаётимиз жараёнида, ёшлар билан ўзаро муносабатлар, рўзнома ва ойномалар саҳифаларида, ойнаи жаҳон эшиттиришларида доим олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, мактаб ва олий ўқув юртлирини олтин, кумуш ва имтиёзли диплом билан битирганларни ота – оналар ва талабалар ўртасида тантанали равишда топшириш кечаларини уюштириш кабилар ҳам ёшларда фахрланиш туйғусини уйғотади, уларни яхшиликка интилиб яшашга ўргатади, ўз хулқ – атори тўғрисида хушёр бўлиб яшаш эҳтиёжини пайдо қилади, жамоа учун жавобгарликка ва ўртоқларга ўзаро муносабатга одатлантиради.

Тарбияси қийин болаларни хулқ - атворини тарбиялашдаги
баъзи психологик муаммолар.

Ёшлар билан олиб бориладиган таълим – тарбия ишларининг муваффақиятлари уларнинг ёш ва психологик хусусиятларини билиш ҳамда ҳисобга олишга боғлиқдир. Бу ҳолат бурилиш ёши ҳисобланган ўсмирлик даврининг алоҳида хусусияти бўлиб у кўпроқ шу даврга тааллуқлидир. Ўсмирлик даврини ўтиш, мураккаб ва қийин даври деб юритадилар, чунки ана шу даврда болаликдан катталиқ ҳолатига ўзига хос ўтиш даври юзага келади. У психик жараёнларнинг, ўқувчи фаолиятларининг жиддий равишда қайта қурилиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ўсмирлик ёши ўзаро муносабат шаклларида, фаолиятни ташкил қилишда катталар томонидан раҳбарлик қилишда қатъий ўзгаришларни талаб қилади. Ўсмирларга таълим – тарбия бериш ишларида учрайдиган қийинчиликлар бу ёшдаги болаларнинг психик ривожланиши қонуниятларини ва хусусиятларини баъзан етарли даражада билмаслик ёки инкор қилиш натижасида пайдо бўлади. Бу давр тарбия учун анча қийин давр ҳисобланади. Чунки боланинг катта одамга айланиши жараёнининг ўзи қийин, бу жараён психиканинг, одамлар билан бўлган муносабат шакллариининг жиддий равишда қайта ўзгариши ҳамда ҳаёт шароити ва фаолиятининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Агар болани болалиқ чоғида унга одоб – ахлоқ ўргатишни одатдаги шакл ва усулларида фойдаланилган бўлса энди улар бола учун яроқсиз бўлиб қолади. Аввал болалар ота – оналари, тарбиячиларининг ахлоқ – одоб ҳақидаги гапларини бажонидил

эшитган бўлсалар эндиликда бундай таъсир болани зериктиради ёки ёқмай қолади.

Натижада унда катталарнинг фикрига қарши чиқиш ёки рад этиш каби ҳислатлар пайдо бўла бошлайди. Булар эса бу даврни “қийин”, “мураккаб” давр бўлишига сабаб бўлади.

Ўсмирларга таълим тарбия беришдаги қийинчиликлар шундан иборатки, бунда ўсмир билан бўладиган муносабатларда унинг ҳаёти ва фаолиятини назорат қилиш шакллари ўзгартириш муҳимдир. Уларга таъсир қилишнинг қандайдир янги усуллари ва воситаларини топиш лозим бўлади. Бунда албатта ҳар бир ёш билан алоҳида муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Ўсмирларнинг психик тараққиётини ҳаракатга келтирувчи кучлар уларнинг фаолиятлари туғдирган янги эҳтиёжлар билан бу эҳтиёжларни қондириш имкониятлари ўртасидаги қарама – қаршиликларнинг юзага келиши ва бартараф қилишдан иборатдир; бу қарама - қаршиликлар ўсмирларнинг ортиб бораётган жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари билан уларнинг эски илгари таркиб топган олам билан ўзаро муносабат шакллари, улар фаолиятининг эски қарама – қаршиликлар, жамият, катталар ва жамоа томонидан ўсмирга нисбатан ортиб бораётган талаблар билан ўсмирлар реал ҳатти – ҳаракатларининг шакллари ўртасидаги қарама -қаршиликлардир. Бу қарама - қаршиликлар анча юксак даражадаги психик тараққиётни анча мураккаб шаклдаги фаолият турларини ва шахснинг қатор янги психологик сифатларини таркиб топтириш орқали бартараф қилинади. Бунинг натижасида ўсмирнинг психик тараққиётини янада юксакроқ

босқичга ўтиши амалга оширилади. Вақт ўтиши билан ўсмирнинг ҳаётида биологик ва ижтимоий ўзгаришлар пайдо бўлади. Ўсмирлик ёшидаги биологик яъни жисмоний тараққиётнинг энг муҳим факти жинсий етилиши, яъни жинсий безларнинг ишлай бошлашидир. Натижада кўпчилик ўғил болалар 15- 16 ёшда, қиз болалар 13- 14 ёшда балоғатга етадилар. Балоғатга етиш ўсмирларда ўзига хос психологик ҳолатни вужудга келтиради, яъни кишиларнинг ички дунёсига, уларнинг ўзаро муносабатларига қизиқиш, уларни ҳис қилиш ва ҳали аниқ тасаввур қилинмаган севгига эҳтиёж пайдо бўла бошлайди. Бу эса шу даврга хос бўлган “қийинчилик”ларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу қийинчиликлар айниқса ўша ёшдаги болаларга ғоявий - сиёсий тарбия бериш ва уларга тўғри педагогик муомала бўлмаган тақдирда кескинлашиб кетиши мумкин. Бу даврни чет эл психологиясида “кризис” даври деб ҳам таърифлайдилар. Ўсмирларнинг бундай ўзига хос хусусиятини ижтимоий – тарихий ҳаёт шароитидан ажратиб тушуниш мумкин эмас. Интизомсизлик, ахлоқсизлик ҳукм сурган буржуа мамлакатларида, ҳақиқатда ҳам ўсмирларнинг жинсий балоғатга етиши турли ахлоқсизликларга олиб келиши мумкин. Бизда ўсмирнинг ҳаёт шароити, унга бериладиган таълим – тарбия ва унинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш орқали ижтимоий фойдали меҳнат қилишга жалб қилиш орқали қийинчиликлар бартараф қилинади.

Лекин, афсуски, баъзан ёшларимиз орасида тарбияси “қийин” бўлган, “қийин тарбияланувчи” ёшлар ҳам учраб туради. Тарбияси “қийин” бўлишига сабаб нима?

Тарбияси қийин, инжиқ, хулқи салбий болаларнинг келиб чиқишининг ижтимоий сабабларидан ташқари педагогик ва психологик сабаблари ҳам мавжуд. Ёшларда ноўғай ҳатти – ҳаракатлар пайдо бўлишининг сабаблари ва турткилари ҳар хилдир. Қонунни бузиши ёки қоидага ҳилоф иш қилиши даражасига қараб тарбияси қийин ўсмирлар жиноий қонунбузар ва оддий қоидабузар гуруҳларга ажратилади.

Шахснинг биологик ўсишидаги нуқсонлар, сезги органларининг камчиликлари, ўқишга салбий таъсир этувчи олий асаб фаолияти ва темпераментдаги қусурлар тарбияси қийинларни келтириб чиқаради. Шахснинг психик ўсишидаги камчиликлар; ироданинг бўшлиғи, ақл идрокнинг заиф ривожлангани, ҳиссиётнинг кучсизлиғи, зарур эҳтиёж ва қизиқишларнинг мавжуд имконияти ўртасидаги номутаносиблик каби ҳатти - ҳаракатларни издан чиқаради. Шахснинг фазилатлари таркиб топишидаги нуқсонлар;

а) ахлоқий ҳисларнинг етишмаслиғи,

б) ўқитувчи, синф жамоаси, оила аъзолари билан нотўғри мулоқот,

в) иш ёқмаслик,

г) бўш вақтни тўғри тақсимламаслик ва бошқалар салбий ҳолатларини вужудга келтиради. Шунингдек, шахснинг, ўқув фаолиятидаги камчиликлари;

1) ақлий фаолият усулларида кенг фойдалана билмаслик,

2) билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги узилишлар; мактаб фаолиятидаги:

1) ўқишдаги нуқсонлар,

2) тарбиявий чора ва тадбирлардаги хатолар ҳам шулар жумласига киради. Мактабдан ташқари муҳитнинг таъсиридаги нуқсонлар, чунончи оилада педагогик – психологик билимларнинг етишмаслиги, оилавий низолар, ажралиш, ота – онанинг ичкиликка ва шахвоний ҳаётга берилиши, балоғатга етмаган тенгқурларининг таъсири, маданий – маърифий ишлаб чиқариш жамоалари ҳамда жамоатчилик қуршовидаги камчиликлар тарбияси қийин ўсмирлар кўпайишига сабаб бўлади.

Ўсмирларнинг типологик хусусияларига қараб ҳам уларни бир неча шартли гуруҳларга ажратиш мумкин.

Тарбияси қийин ўсмирларнинг биринчи гуруҳи орсизлар ёки субутсизлар дейилади. Булар ўз хатоларини билиб туриб қонун ва қоидаларни бузадилар, номаъқул ишларни қиладилар. Ўзларининг гуноҳкор эканликларини тан олмайдилар. Лекин ютуқларини эътироф қилишни хоҳламайдилар. Шахсий фикрларини бошқа кишиларга маъқуллашни ва ўз талабларини ўзгалар сўзсиз бажаришини жуда ёқтирадилар. Улар бетга чопар, ўжар, раҳм - шафқатсиз, “зўравон” бўладилар. Мустақил фикрга эга бўлмаган тенгдошларини ўз атрофларига тўплайдилар ва биргаликда тартиб бузишга ундайдилар.

Иккинчи гуруҳга мансуб тарбияси қийин ўсмирлар яхши ва ёмонни тушунадилар, бироқ мустақил эътиқодга, барқарор юксак ҳис – туйғуга эга эмасликлари сабабли “орқа қаноат”да туриб қоидани бузадилар. Уларнинг хатти – ҳаракатлари тасодифий воқеликка, таъсир кучига ва вазият хусусиятига боғлиқдир. Улар

ташвиқотга тез бериладила, барча нарсаларга ишонадилар, қайси йўлга кириб қолганликларини англаб етадилар, бироқ “компания” фикрига қарши боришга ботина олмай кўнгилсиз ишларга қўл урадилар. Кўпинча тартиббузарлар қилмишларига тавба қилиб, синф жамоаси аъзоларини ишонтирадилар, лекин маълум фурсат ўтгандан сўнг берган ваъдаларини бутунлай унутадилар.

Учинчи гуруҳга мансуб тарбияси қийин ўсмирлар шахсиятпарастлик туфайли қонунбузарлик йўлига кириб қоладилар. Улар шахсий талаблари ва эҳтиёжларни қондириш учун ҳар қандай ножўя ҳатти – ҳаракатдан қайтмайдилар, ҳамиша одамларга яхшилик қилишни орзулайдилар. Бироқ ўзларининг шахсий манфаатларини ижтимоий манфаатдан юқори қўядилар. Ўзларининг хоҳишларини таъқиқланган усуллар билан амалга оширадилар, сўнг қилмишларига афсус – надомат чекадилар, руҳан эзиладилар. Лекин мазкур камчиликларни тез унутадилар. Уларнинг шахсий эҳтиёжлари ҳар қандай юксак ҳислардан, хоҳишлардан устун туради. Ахлоққа хилоф ҳатти - ҳаракатлар ачиниш ҳисси тарзида намоён бўлади.

Инжиқ табиатли қийин тарбияланувчилар жамоа ва гуруҳларда ўз ўринларини топа олмайдилар, улар аразчанг, гинахон бўлиб ўз гуруҳ ва жамоаларига қўшилиб кетавермайдилар, тортиниб ўзларини камситилгандек ҳис қиладилар. Улар ҳам қийин тарбияланувчи ёшларнинг бир туридир. Жамоа ўртасида обрў қозонишни, ҳурматга сазовор бўлишни жуда хоҳлайдилар, лекин улардаги тушкунлик кайфияти, умидсизлик, ўз имконияти, ақлий қувватига ишончсизлик бунга имкон бермайди. Улар мактаб, синф

жамоасини қоида ва қонунларини бузишга ҳаракат қилмасалар ҳам лекин бу жамоанинг иш фаолияти ва муваффақиятида, таълим – тарбия жараёнида етарлича қийинчиликларнинг пайдо бўлишига салбий таъсир кўрсатадилар, жамоа ишини орқага сурадилар ва жамоа кўзлаган мақсадни амалга оширишда қийинчилик туғдирадилар.

Тарбияси қийин ўсмирларни келтириб чиқарувчи сабаблар мажмуасига қуйидагилар киради.

Шахснинг биологик нуқсонлари: тарбияси қийин ёшларни, ўсмирларни келтириб чиқарувчи сабаблар турли – тумандир. Уларга: болани ота – онасидан ирсий йўл билан ўтувчи сезги органларидаги (кўриш, эшитиш ва ҳоказо) камчиликлар, асаб тизимидаги камчиликлар; боланинг психик томондан ривожланишидаги камчиликлар; яъни ақлий заифлик, билиш, ирода, ҳиссиётдаги заифликлар; қизиқиш, Интилиш билан бола ривожланишидаги имкониятларининг номуносиблиги сабаб бўлиши мумкин.

Тарбияси қийин бўлишига яна бир сабаб: бу – боланинг оилавий, жамоатчилик тарбиясининг яхши йўлга қўйилмаганлигидир. Оилада бола тарбиясини яхши йўлга қўймаслик, оилани мактаб билан бола тарбиясидаги ҳамкорлигининг йўқлиги, меҳнат тарбиясининг яхши йўлга қўймаслик, таълим – тарбия жараёнини боланинг ёшлик, индивидуал хусусиятларга қараб ташкил этмаслик, таълим жараёнига болани қизиқтирмаслик, уларда фикр юритиш

жараёнларини фаоллаштиришга эътибор бермаслик кабилар оқибатида келиб чиқадиган қийинчиликлардир.

Оилавий шароит, муҳитнинг салбий таъсири яъни оиладаги жанжаллар, эр – хотин орасидаги қўйди чиқдилар, ичкиликбозлик, оилавий турмушга, бола тарбиясига эътиборсизлик, болани ҳаддан ташқари эркалатиб юбориш, айтганини қилиш, инжиқликларини “қўтариш”, боланинг хатти – ҳаракатларини назорат қилмаслик, керагидан ортиқ пул билан таъминлаш ҳам болани инжиқ, қайсар, ўжар, интизомсиз, ахлоқсиз бўлиб қолиши учун имкон беради. Ўсмир ёшда ота – она ҳам, ўқитувчи ҳам, ҳатто маҳалла, қўни – қўшнилар ҳам жуда эътиборли бўлишлари лозим.

Тарбияси “қийин” ёшлар билан индивидуал муносабатда бўлиш муҳимдир. Бунда ҳар бир индивидуалликнинг физиологик асосини ва унинг шахс ҳақида маълум даражада маълумот берувчи олий асаб фаолияти типлари ҳақидаги билимларини билиши мақсадга мувофиқдир.

1. Асаб тизимининг кучи асаб ҳужайраларидаги моддаларнинг запас миқдори билан белгиланади. Кучли типдаги асаб тизимида бундай запас кўп миқдорда бўлиб, кучсиз типда оздир. Асаб тизимининг кучи қўзғалиш жараёнига, шунингдек тормозланиш қобилятида акс этади.

2. Асаб тизимининг кучи тамойилига мувофиқ кучли типга сангвиниклар, флегматиклар кучсиз типга эса меланхоликлар киради.

3. Асаб тизимининг илдамлиги мия пўстининг тормозланиши ёки аксинча тормозланишнинг кўзғалиши билан нақадар енгил аламашинуvidан иборатдир.

Тарбияси қийин болаларни тарбиялашда:

1) Ўқитувчилар ўқувчилар асаб тизимининг пластиклик хусусиятига эга эканлигини, унинг ҳар қандай таъсирларига берилувчанлигини назарда тутиб, ўқувчилар шахсидаги салбий ҳислатларни йўқотиш мумкинлигига катта ишонч ҳосил қилишлари керак.

2) Шунингдек, ёшларнинг ғоявий маслагини ҳисобга олиш муҳимдир. Ўқувчи индивидуаллигининг шахс мазмунига, аввало унинг ғоявий маслаги, яъни унинг қизиқишлари, идеалларини билиши керак. Ёшларга индивидуал муносабатларда бўлишда ижтимоий маслак сифатида уларнинг ижтимоий қизиқишларини билиш айниқса муҳимдир. . .

3) Ёшларни эмоционал – иродавий хусусиятларини билиш ҳам уларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар билан индивидуал муносабатда бўлишда унинг қанчалик тинч, мўминлиги ёки эмоционаллиги, ҳиссиётчанлигини, яъни теvarак атрофдагилардан фарқ этиши ёки фарқ этмаслигини, аффе́ктга мойил ёки мойил эмаслигини, ўз ҳиссиётини тута олиш – олмаслигини ва шунингдек, унда қандай ҳислар устун эканлигини билиш жуда муҳим.

4) Ёшларнинг ахлоқий ҳислатини ҳисобга олиш ҳам муҳимдир. Чунки ёшларнинг ғоявий маслаги унинг ахлоқий ҳислатида кўринади. Аммо, баъзан, ахлоқий маслак билан

ёшларнинг ҳуқуқи тўлиқ равишда муносиб келмай қолади. Катталар ҳар бир ёшларнинг қанчалик ҳурмат қилишни, қанчалик тўғрилиги ва виждонлилигини, ўртоқлик ва ҳамкорликни қанчалик ҳис қилишни кузатиб, билиб бориш зарур.

5) Салбий ахлоқий сифатларга эга бўлган ёшларда кўполлик, ёлғончилик, интизомсизлик, қоидаларга риоя қилмаслик, ўзбилармончилик кабилар киради ва бундай ҳислатларга эга бўлган ёшларни тарбиялаш қийин кечади. Бундай ёшларни тарбиялаш (жамоа орасида тарбияланганда ҳам) да фақат уларга яккама – якка ёндошиш лозим. Чунки улар жамоа ёки кўпчилик орасида ўзларини айбларини ошкор бўлишини ёки тарбия, танбеҳ бераётган кишининг насиҳат ёки кўрсатмаларига бўйсунини ёқтирмайдилар. Улар билан муомалада ниҳоятда эҳтиёткорлик, самимийлик, дўстона муносабатда бўлишгина талаб қилинади. Тарбияси қийин болалар, ёшлар билан ишлашда унинг характери, қизиқишларига хос хусусиятларни эътиборга олиш лозим. Кўп насиҳат қилмаслик, уришмаслик, овозини баланд қилмаслик, кўп гапирмаслик мақсадга мувофиқ. Ўзаро самимий муносабат, шахсий намуна (меҳнат, ўқиш жараёнида) оила ва мактабдаги кишиларнинг ишга ижобий муносабатигина ёшларда шундай бўлишга ҳавас туғдиради.

Тарбияси қийин ўсмирларнинг ҳатти – ҳаракатларини ижобий йўналишга буриб юбориш учун уларда маъсулият, ғурур, жавобгарлик, ишонч каби юксак ҳисларни таркиб топтириш лозим. Бунинг учун уларга ёши, кучи, қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олиб, топшириқлар бериш айти муддаодир. Уларга кичик

жамоани, спорт секциясини, тирик бурчакни бошқариш вазифасини ишониб топшириш натижасида салбий фёъл – атворларни камайтириш мумкин.

Уларнинг ўзларини қизиққан тўғаракларига жалб қилиш орқали ўқишга салбий муносабатлари аста – секин йўқолиб боради. Яна энг муҳими шундаки, тарбияланувчиларга ишониш керак. Уларни қўлидан келадиган ишларга эътиборни бериб уни бажаргандан кейин рағбатлантириш, уни яна ҳам яхши бажаришда ўз фикрларини баён қилиш ҳам муҳимдир.

Тарбияси қийин болалар билан ишлашда тарбия беришнинг махсус шароитларини аниқлаш муҳимдир. Улар билан дуч келган вақтда ёки ҳар доим эмас, балки қулай шароит келиб қолганда иш олиб борилса яъни тарбиявий таъсир кўрсатилса у кўпроқ натижа беради.

Ёшларни тарбиялашда меҳнат муҳим роль ўйнайди. Тарбияда меҳнатнинг ролини кейинги мавзуларда давом эттирамиз.

Умуман “қаловини топсанг қор ҳам ёнади” деган мақол бор. Агар тарбияси қийин бўлган болаларни юрагига йўл топилса уларни ҳам комил инсон қилиб тарбиялаш мумкин.

Шахснинг маънавий соҳаларини шакллантиришнинг психологик томонлари

“Ватанни севмоқ иймондандир” деган ҳикмат истиқлол шарофати туфайли ёрқин машъал каби юксак кўтарилди. Унинг моҳияти маънавият ва маърифат маъно – мазмуни билан ҳар томонлама бевосита боғлиқдир. Зотан, Ватанни севмоқ, уни

кадрламоқ ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу муқаддас туйғу юксак маънавиятли, маърифатли инсон қалбининг фазилатидир.

Исломшуносликда марифатуллоқ атамаси мавжуд бўлиб, у худони таниш илми билан боғлиқдир. Маърифат эса билиш, таниш, билим маъноларини англатади. Бу фақат фанлар соҳасини билишгина эмас, балки дунёни, табиатни, инсонни, инсонни ўраб олган бутун борлиқни билиш демакдир. Инсоннинг ақл - заковати, тили – тафаккури ва қўл меҳнати ҳамда бошқа фаолиятлардан унинг ижтимоий ҳаёт тарзи келиб чиқади. Демак, ижтимоий ҳаёт тарзи жамиятимизнинг ҳар бир аъзосини ижтимоий сифатлари ва руҳияти ҳолатига боғлиқ бўлади.

Жамият аъзоларини ижтимоий сифат ва руҳий ҳолатининг даражаси яъни уларнинг маънавияти ва иймони (таъсир қўлами) шу жамиятда таркиб топган ва кун сайин ривожланиб боровчи ижтимоий ва руҳий муҳитларнинг ҳолати билан белгиланади.

Инсон маънавияти ўзи яшаб турган жамиятнинг ижтимоий ва руҳий муҳитига боғлиқ.

Маънавият бу – кишининг эгаллаган билимлари, унинг ҳаётида синовлардан ўтиб, руҳига сингиб, бутун ҳаёт тарзида акс этадиган ижобий ижтимоий сифатларидир.

Жамият аъзолари маънавиятининг даражаси ва руҳий ҳолатларининг таъсир доираси унинг шу жамиятда тутган ўрни, яъни унинг мансаби, мавқеига қараб белгиланади. Масалан: Оила бошлиғининг маънавияти юқори ёки паст бўлса, унинг ижобий ёки салбий таъсири фақат шу оила аъзоларига таъсир этиши мумкин.

Раҳбарларнинг инсоний сифатлари ўз фаолияти билан таркиб топган ижтимоий ва руҳий муҳитлар орқали шу ҳудудлардаги бутун аҳолининг инсоний сифатларига таъсир кўрсатади.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётида умуминсоний кадриятларни шаклланиши аввало мустақилликни мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, комил инсонни вояга етказиш асосида ташкил этилган. Республикамиздаги 80 дан ортиқ миллий – маданий марказлар фаолияти мамлакатимизда яшайдиган халқларнинг миллатидан қатъий назар, ўзини эркин ва тенг ҳуқуқли деб ҳис қилиш имконини берадиган ўзаро аҳил муносабатлар ўрнатишга қаратилган. Ўзбекистонда кўп миллатли (корейс, қozoқ, рус.....) маданий – маънавий марказларнинг ташкил этилиши кўп миллатли жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий – маърифий ҳаётида катта роль ўйнамоқда. Юртимизда миллий айирмачиликнинг ҳар қандай кўринишга мурасасизлик билан қарши курашиб келинмоқда.

Халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг юксак ахлоқий фазилатлари умуминсоний қадриятлар ўзагини ташкил этади. Озодлик, тинчлик, инсонпарварлик каби умумбашарий қадриятлар унинг ажралмас омилларидир. Демак, узоқ йиллар давомида, қадрият деган тушунча на ўқув жараёнида, на илмий тадқиқотларда чуқур ўрганилмаганлигини назарда тутиб, бугун ижтимоий – иқтисодий, маънавий, илмий йўналишлардаги қадриятларни эъзозлаш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш орқали ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини ривожлантириш муҳимдир.

Бўлажак ўқитувчилар ўқув фаолияти (амалиёт, ўқув жараёни) давомида қуйидагиларни амалга оширмоғи мақсадга мувофиқ.

1.Ўқитувчи инсониятнинг бугунги авлоди учинчи минг йилликда халқларнинг мустақиллик, демократия, эркинлик, тинчлик, барқарорлик каби умуминсоний қадриятлар устивори бўлган жамият қуриш учун жаҳон аҳамиятига молик меҳмонларига асосланадиган турмуш тарзини юзага келтирган эҳтиёжи кучайишини ўз ўқувчиларига, тарбияланувчиларига тушунтиришлари лозим.

2.Ҳозирги даврда кечаётган жараёнлар кишиларнинг қадриятларига бўлган муносабати, ишончини ўзгартирмоқда. Улар билан боғлиқ эҳтиёжлар, талаблар, қизиқишларнинг ҳам ўзгариб боришига сабаб бўлмоқда. Бундай шароитда фанларни ўқитишда умуминсоний қадриятларга садоқатли бўлишни амалий жиҳатдан ўқувчиларга етказиш асосий вазифалардан бирига айланиши зарур.

3.Умуминсоний қадриятларга оид мавзуларни тарғибот қилишдаги юртимиз цивилизацияси тараққиёти ва маданияти ривожининг асосий давлари, ютуқларига “Авесто”, “Қуръон”, Хадислар каби илоҳий қадриятларнинг мухтасар тизимлари баён этилган манбаларга, Ал Хоразмий, Ал Фаробий, Ал Беруний, Ибн Сино, Ал Бухорий, Ат Термизий, Яссавий ва Нақшбандий, Жомий, Улуғбек, Навоий, Бобур ва Машрабларнинг буюк меросларига асосланмоқ лозим. Бу Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларнинг ривожланишида энг асосий тарихий манбалар бўлиши шубҳасиз.

Республикамиз мустақиллик йўлидан бораётганлиги, унда истиқлолга асосланган аждодларимиз анъаналарига, цивилизациямиз ютуқларига таянган янги кадриятлар тизимини шакллантириш имконини яратмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, истиқлолгача миллий, умуминсоний кадриятлар чекланган ва қолоқликда камситилар эди. Уларни умуминсоний кадриятлар даражасига кўтаришни, ривожлантиришни кун тартибига киритилмаган эди. Аслида эса умуминсоний кадриятлар миллий кадриятларнинг узвий бўлаги сифатида ўсиб, ривожланиб чиққандир. Шундай экан, умуминсоний кадриятларни – ривожланиши шу кадриятлардан бошқа халқларнинг ҳам бирдай баҳраманд бўлишига имконият яратди. Чунки ўзбек халқининг аксари миллий кадриятлар ахлоқий, ҳуқуқий ва руҳий сифатлари билан айна чоғда умуминсоний кадриятлар ҳам бўлиб ҳисобланади .

Инсоннинг ижодий куч ва қобилиятлари, имкониятлари камол топишига ва кадр – қийматни , шахсий дахлсизлигини, эркин яшашини, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, бахт – саодатга эришиши, ёши ва жинси, ирқи ва миллати, тили ва динидан қатъий назар бир – бирларини ҳурмат қилиш, ўзгаларнинг тақдирларига бефарқ қарамаслик, инсониятнинг бахт – саодати йўлида тинмай меҳнат қилиш, Ватан учун, халқ учун ўзини қурбон қилишга тайёр бўлиш кабилар умуминсоний кадриятларнинг мазмунини ифода қилади.

Умуминсоний кадриятларга садоқатли бўлишнинг муҳим тамойилларидан бири адолатдир. Халқимизнинг умуминсоний

қадриятларга содиқлиги унинг адолатли ва адолатпарварлигидир. Чунки “Халқимиз адолат, тинчлик, аҳил қўшничилик нозик куртакларини асрлар оша авайлаб асраб келмоқда.

Ўзбекистон янгиланишнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, замонамизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топишига эришиш учун зарур шарт – шароит яратишдир^{iv}.

Адолатпарварлик ғояси - иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий йўналишларда кенг ўрин олиш учун ҳар бир фуқаро сидқидилдан хизмат қилиши керак. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро жинси, ирқи ва бошқаларидан қатъий назар адолат тамойилига асосланган ҳолда умуминсоний қадриятларга бўлган садоқатини мустақил Ўзбекистоннинг истиқлолини мустаҳкамлашдаги фаолияти билан намоён бўлади.

Буларнинг ҳаммаси ёшларда шахснинг маънавий соҳаларини шакллантиришнинг ҳозирги замон талабидир.

Халқимизнинг маданий меросини ўрганиш яъни ўймакорлик, заргарлик, наққошлик санъати, кулолчилик кабилар, пахтачилик, қорақўл қўйларини етиштириш кабиларни ўрганиш ёшларни ҳар томонлама тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Чунки заҳматкаш халқимиз бундай меҳнат ва санъат асарларини яратишда қанчадан қанча иродавий зўр берганлари, машаққатлар чеккани ҳеч кимга сир эмас.

Шахснинг таркиб топишида ахлоқ, ўзига хос онг алоҳида аҳамият касб этади. Умуминсоний ҳислатларни шакллантириш

жараёни ёшлардаги ишонч, ақида нуқтаи назарининг қарама – қаршиликларига дуч келади. Ёшлар шахсини таркиб топишида унинг атроф – муҳитга, ижтимоий ҳодисаларга, кишиларга муносабатини ҳисобга олиш лозим. Чунки ёшларда, айниқса ўсмирларда муайян нарсаларга муносабат шаклланган бўлади. Ижтимоий турмушни кузатиш, ундаги инсон учун зарур кўникмаларни эгаллаш катталар хулқ – атворини таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Халқимизнинг урф – одатлари ва анъаналарига қизиқишни шакллантириш.

Ўзбекистон ўзига хос турли миллий урф – одат, анъаналарга бой ўлкан мамлакат. Мустақиллик туфайли амалга оширилган энг буюк тарихий ишлардан бири - халқимизнинг маънавий меъросининг тикланишидир. “Мустақиллигимизнинг дастлабки куниданок аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят ўлкан, бебаҳо маънавий меросни тиклаш вазифа бўлиб қолади ” – деб такидлади Президентимиз И.А.Каримов

Миллий қадриятлар, урф-одатларнинг тикланиши:

1) қадимий тарихимизнинг ҳаққоний, чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиши, таъқиқланган тарихий мавзулардаги асарларнинг чоп этилиши халқимиз тарихини тиклашда муҳим аҳамиятга эга;

2) халқ одатлари, мерослари ва байрамларининг (наврўз, рамазон, ҳайит, қурбон ҳайитларини) тикланиши ва янги байрамлар

мустақиллик куни, мураббийлар кунининг жорий этилиши халқ маънавий ҳаётига янги руҳ ва мазмун бағишлади;

3) диний қадриятларимизнинг тикланиши, эски масжид ва мадрасаларнинг тикланиши, таъмирланиши, янгиларининг барпо этилиши, диний адабиётларнинг нашр этилиши, республикамизда виждон эркинлигининг таъминланиши;

4) дунё тараққиётига катта ҳисса қўшган аجدодларимиз - буюк мутаффакирлар, давлат арбоблари маънавий меъросидан халқимиз фахр билан фойдалана бошлади;

5) оламшумул тарихий мъморчилик иншоатларнинг кенг қўламда таъмирланиши (Бухоро, Самарқанд...) ва қадимий шаҳарларнинг (Бухоро, Самарқанд, Хива) **2500 й.**гини нишонлаш Ватанимизга ташриф буюрган ажнабийларда ҳавас ҳиссини уйғотмоқда;

6) ўзбек тилини Давлат тили даражасига кўтарилиши дилларни қувонтиради. Ўз навбатида жаҳон тилларини ўрганиш эҳтиёжи бизни оламга “юз тутишимиз”га , жаҳон ҳамжамиятига қўшилишимизга, умуминсоний қадриятларни янада кенгроқ ўзлаштиришимизга ёрдам беради;

7) халқ ижоди, миллий амалий санъатимизнинг жонланиши, ватанимизни ва хорижликларни лол қолдирмоқда. Халқ ижоди бўйича Республика ва халқаро анжуманларнинг ўтказилиши, аجدодларимиз мероси, миллий ахлоқий маданият дурдоналари ёшларни тарбиялашда муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Хуллас, маданий меросимизни ўрганиш, анъаналарини тиклаш Ўзбекистонда Давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифага айланди.

Миллатнинг асосий белгиларидан бирига айланган урф – одатларни асраш ва камол топтириш ҳар бир авлоднинг муқаддас бурчидир. Аجدодларимиз анъаналарни барҳаёт бўлиши учун уни ёшларимиз онгига барқарорлаштириш лозим, акс ҳолда, ёшлар томонидан аجدодлар анъаналарини қадрламай қўйиши авлодлар ўртасида маънавий узилишни вужудга келтиради.

Оилавий маросимлар ҳам ўзбек халқнинг асосий таркибий қисмини ташкил қилади. Уларнинг аксарияти болалар ҳаётидаги муҳим воқеаларга бағишлангани учун ҳам ёшларнинг маънавий камол топишида муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, ўзбек халқи тўйпараст халқ. У тўй қиламан, элнинг дуосини оламан, бошқаларнинг ҳам қувончимга шерик қиламан, деган мақсадда яшайди. “Исм қўйиш”, “бешик тўйи”, “суннат тўйи”, “мучал тўйи” анъаналари тикланди. **21 октябр** тил байрамига айланди **1 – сентябр** мустақиллик куни, **21 – март** наврўз байрами кабилар жорий қилинди. Кузги кун ва тун тенглиги қайд қилинадиган “меҳржон”, ёзги чилла боши нишонладиган ёзнинг энг узоқ куни ва қисқа туни **“АНГОМ”** ва қишки чилла бошида нишонладиган қишнинг энг узоқ туни **“САДА”** ларни ҳам тиклашни ўйлаб кўрса бўлади.

Турли минтақалардаги “ гул байрамлари” , “тут сайли”, “анор сайли”, “қовун сайли”, “биринчи қор” каби антиқа ҳудудий байрамларни азалий маънавиятимизнинг жавоҳирлари сифатида

сақлаш керак. Чунки бу каби байрамларда халқ дарди, орзу - истаклари, тажрибалари, маънавияти, урф – одатлари авлоддан – авлодга қадрият сифатида ўтиб келади.

Шарқ уйғониш даври мутаффакирлари томонидан алоҳида таъриф тавсиф берилган: маънавиятли кишилар “маъни аҳли”, уларнинг акси бўлган тоифа эса “сурат аҳли” дея таърифланади. Биринчи гуруҳга руҳий олами, маънавий дунёси баркамол бўлган кишилар, иккинчи гуруҳга эса зоҳирий неъматлар, мансаб ва бойликка учган кимсалар киритилган. Бу фалсафа А.Навойнинг мана шу мисрасида жуда таъсирли ифодаланган.

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор

Ҳеч ор айлама гадоликдин

Ким, буларга гадолиғ ортиғдир

Аҳли суратка подишоликдин

“Аҳли маъни” лиги бугун биз “маънавият” деб атаётган дунёвий – фалсафий, ахлоқий таълимотга айнан мос. Зеро, тасаввуф оқимидаги “аҳли маъни” яъни комил инсондир, у олий мақсадлар сари интилиб яшайди. Улар яратган неъматлар кимга ва нимага, қандай зарурият боис кераклигини яхши билади. Бундай кишиларнинг мақсади, қалбидаги орзуси биргина сўз – маънавият воситасида ифода этилади.

Демак, маънавият, инсон руҳий оламининг фазилати ва сифатини билдиради. Бу эса киши табиатидаги ватанпарварлик, ҳалоллик, одамийлик, маънавий бойликлардан баҳрамандлик, уларни қадрлай билиш, тил ва дил бирлиги, шахс сифатида муттасил изланиш, мукамалликка интилиш, бурчга садоқат, яъни

иймон бутунлиги каби кўплаб фазилатларни қамраб олади. Бу эса ёшларнинг ҳаётий эътиқодлари асосида шаклланган дунёқарашнинг пайдо бўлиши ва шаклланишига асос бўлади, яъни дунёқарашнинг шаклланиш негизини ташкил қилади.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

“Тарбия бизлар учун ё ҳаёт ё момот, ё нажот – ё ҳалокат, ё садоқат – ё фалокат масаласидир” (Ўзбек педагоги Абдулла Авлоний)

Маълумки, миллий истиқлол мафкурасининг негизида ёш авлодни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш ётади. Мустақиллик руҳида тарбиялаш ёшларни миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий онг, ўз – ўзини англаш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришни тақозо қилади. Шу боисдан миллий истиқлол мафкураси негизида ватанпарварлик ғоялари илгари сурилмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов “Мустақилликни мустаҳкамлаш асосан 4та негизга асосланади” – деб кўрсатади

Яъни:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- ватанпарварлик.

Ватанпарварлик - умуминсоний қадриятларга содиқликнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. “Ватан” арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “Она юрт” деган маънони англатади. Ватанга муҳаббат, юртга муҳаббат ҳар бир миллат кишисига хос бўлган муқаддас қадриятдир. Ватанпарварлик ҳар бир кишида ўз уйига, туғилиб ўсган юртига, ота – она ва опа – укаларига бўлган муносабатида акс этади. Ватанпарварлик – бу умуминсоний қадриятларга хос бўлиб у садоқат билан хизмат қилиш, унинг сарҳадларини ташқи душмандан ҳимоя қилиш, унинг мустақиллиги, ободлиги, тинчлиги, осойишталигини сақлашда фаол иштирок қилмоқдир.

Ўзбекистон фуқароларининг ватанпарварлиги унинг Ватанни ҳис қилишида, Ватанга бўлган туйғусида ифодаланади. “Ватан ҳисси – шу Ватаннинг эгаси бўлиш халқни билишдан, унинг қадрига етишдан, нималарга қодирлигини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ватан ва халқ эгизак. Бирини ҳис этиш учун иккинчисини билмоқ керак. Ўзбекистон деганда ўзбек халқини ўзбек халқи деганда Ўзбекистонни тушунмоқ керак.

Бирисиз иккинчисини ҳис қилиш мутлақо мумкин эмас.”^v “

Дарҳақиқат, Ватан туйғусини ўзида мужассам этган кишигина жамият ва халқ манфаати, унинг бахт саодати учун курашади. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир киши, келажаги буюк бўлган мустақил давлатимизнинг умумбашариятга ўзининг фаоллиги билан таништиради ва халқимизнинг ўртасида иноқлик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлашда ягона мақсад сари интиломи керак.

Айниқса ёшларни, ўсиб келаётган ёш авлодни янгиланаётган демократик, инсонпарварлик жамиятига муносиб қилиб тарбиялаш, мактаб, боғча, келажак фаолиятини давр талаблари, мустақиллик руҳи, янги педагогик технология, ахборот воситалари асосида ташкил қилишни талаб қилади. Шунинг учун чуқур маъсулиятни ҳис қилувчи, мустақил фикрлайдиган Ватан туйғуси билан ҳамнафас бўлиб яшайдиган ёшларни тарбиялаш ўқитувчи, тарбиячиларнинг асосий вазифасидир.

Ватанпарварлик – умуминсоний кадриятларга бўлган содиқликнинг негизи сифатида ҳаётимизнинг фаровон ва эркин қилиш йўлида, юртимиз учун, халқимиз учун жон фидо этишга тайёр бўлган ёшларни вояга етказишни талаб қилади.

Қадимги юнон адибларидан бири “Ватан шаънига” асарида: “Менинг бу гапларим ғоят эски гапдир, лекин ҳақиқат шундай: ўз отасини ҳурмат қилмаган фарзанд ўзганинг отасини ҳам ҳурмат қилмайди, ўз Ватанини севмаган киши ўзгалар Ватанини қадрлай олмайди” деб ёзган эди. Бу гаплар ҳозир нақадар замонавийдир.

Ватан – бу одамлар туғилиб ўсган, тарбияланган, меҳнат қувончини топган, шу одам мансуб бўлган халқ қувончини тотган, шу одам мансуб бўлган халқ тарихи билан боғланган, ҳамда тарихан шаклланган ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ва маданий муҳитдир.

Ватанпарварлик Ватанга муҳаббат, унга содиқлик, унинг манфаатлари йўлида хизмат қилишга тайёр туриш демакдир. Ватанпарварлик ижтимоий, тарихий, ахлоқий ҳис – туйғу сифатида одамнинг ижтимоий тараққиёти давомида пайдо бўлди. Ижтимоий

жамоа тузумида ватанпарварлик фақат ўз уруғларига, она ерга, она тилига, урф – одатларга боғлиқ ҳис бўлган бўлса синфлар пайдо бўлиши билан ватанпарварлик ғоялари чуқурлашиб, ижтимоий ҳаётнинг тобора кўпроқ соҳаларига чуқурроқ кириб боради. Даврлар ўтиши билан бу туйғу буюк қудратга айланади. Буюк мутафаккирлар “Биз туғилган юртимиздан узоқ кетсак, бизни тортиб келатурғон қувват ўз ватанимизнинг, она тупроқнинг меҳр – муҳаббатидир” деб бежиз айтмаганлар.

Биз “Она Ватан”, “Ватан тупроғи”, “Ватан адабиёти”, “Ватан туйғуси”, “Ватан тарихи” деб баралла гапирамиз, чунки буларнинг ҳаммаси инсон учун муқаддасдир. Халқимизда Ватан ҳақида кўплаб нақллар бор. “Булбул чаманни севса, одам Ватанни”, “Онага бўлган муҳаббат Ватанга бўлган муҳаббатни куртаги”, “Ҳар кимнинг ўз элати ўзига ширин” ва ҳоказо. Бу нақллар Ватан ва унинг заминида ётувчи ватанпарварлик туйғусига хосдир. Ватанпарварлик туфайли Ватанимиз жаҳонга танилмоқда.

Ватанпарварлик туйғуси, тарбияси ота - онага, ўз маҳалла, қишлоғига, ноҳия, шаҳар, вилоят, жумҳуриятига бўлган чексиз муҳаббатдан, унинг тарихи ва маданиятига бўлган мислсиз ва тенгсиз ҳурмат ва садоқатдан бошланади.

Ватан туйғуси кўз ўнгида кураётган нарсадан қойил қолишда, уни ҳайратлантирадиган ва қалбида акс садо берадиган нарсалардан бошланади.

Катталарнинг вазифаси бола оладиган кўплаб таассуротлардан унга энг тушунарли бўлганларини: энг яхши кишилари, жонажон ўлка табиати ва ҳайвонот дунёси, кишиларнинг халқ фаровонлиги,

Ватаннинг гуллаб яшнаши йўлидаги меҳнатни, ўртоқлик, ўзаро ёрдам ва бошқаларни танлаб беришдан иборатдир.

Жонажон она табиати Ватанга муҳаббатни тарбиялашнинг кучли омилларидан ҳисобланади. Унинг гўзаллиги билан завқланиш, табиат дунёсига эҳтиёткорона муносабатда бўлишдан, инсон меҳнатининг табиатдаги ўзгарувчанлик ролини тушунишигача – жонажон ўлкага муҳаббатни шакллантиришнинг манбаидир.

Болаликда жонажон табиат ҳақида ҳосил қилинган ёрқин таассуротлар инсон хотирасида бир умрга сақланиб қолади. Чунки унинг образларида Ватан ўз ифодасини топган бўлади. Одам Ватанга бўлган муҳаббатини ўзи туғилган ва ўсган оиласи, болалар боғчаси, мактаби болалар билан ўйнайдиган ўйинларни ва жойлари билан боғлайди.

Ватанга муҳаббат – энг чуқур ижтимоий ҳислардан биридир. Бу ҳис мактаб ёшидаги болаларда катталар томонидан болаларнинг руҳий тараққиётини ва улар тафаккурининг аниқ ва образлилигини эътиборга олган ҳолда маълум изчиллик билан тарбиялаб бориш лозим. Шунинг учун бу ёшдаги болаларда Ватанга муҳаббат ҳиссини уларга яқин ва таниш бўлган аниқ фактлар, ёрқин мисоллар орқали тарбиялаб борилади.

Кичкина гуруҳда Ватанга муҳаббат ҳисси ўз уйига, боғчасига, тарбиячига муҳаббатни тарбиялашдан иборат бўлади. Болалар ота – оналари ва педагоглар уларга қандай ғамхўрлик қилаётганини кўрадилар ва ҳис этадилар. Натижада болаларда уларга бўлган

муҳаббат янада ортади, уларнинг ғамхўрлиги ва ҳимоясига ишонч ҳосил қиладилар.

Ватанпарварлик ва байналмиллаллик ахлоқий тарбияда алоҳида ўрин тутади.

Ҳадиси шарифда “Ватанни севмоқ иймондан”дир деб бежиз айтилмаган.

Тарбиячи ва ўқитувчилар болаларда Ватанга муҳаббат, фахрланиш, халқ ютуқларидан фахрланиш, унинг душманларига нафрат туйғуларини тарбиялашлари мақсадга мувофиқдир.

Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уни шакллантиришда:

- 1). Ватанни севмоқ унинг бурчи, виждоний бурчи эканлигини англаб етишга эришмоқ лозим.
- 2). Она Ватанга муҳаббат, уни севиш, эъзозлашга ўргатиш, туғилиб ўсган оиласи, маҳалласи, шаҳри ва ўлкаси билан таништириш орқали унга муҳаббатни шакллантириш.
- 3). Мустақил Ўзбекистон тушунчасининг моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш.
- 4). Ёшларни халқимиз анъаналарига, удумларига, тили ва маданиятига, руҳиятига ҳурмат билан қарашга ўргатиш.
- 5). Буюк даҳоларимиз қолдирган маънавий меросларни асраб - авайлаш, уларнинг тарихини бугунги кун учун аҳамиятини идрок этиш.
- 6). Ёшларда соғлом куч, соғлом тафаккур, иймон – эътиқодни уйғотиш.
- 7). Ватан олдидаги масъулият, миллий манфаати учун курашнинг моҳиятини англаш.

8). Ўқувчиларда униб ўсган юртга, вояга етказган ота – онасига, таълим – тарбия берган устозига таъзим қилиш малакасини шакллантириш лозим.

Ватан ва ватанпарварлик эгизак эканлиги ҳақида билимга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Тарбияланувчиларда юксак маънавий – сиёсий ғоялар (Ватанга садоқат, мустақиллик учун кураш) гўзаллигини тушуниш ва ҳис этиш ҳар бир ўқувчининг шахсий ҳис – туйғулари гўзаллигини англаш ва авайлаш орқали вужудга келади. Шахсий туйғулар мусаффолигисиз фуқаролик туйғуларининг софлигига эришиб бўлмайди.

Мустақил фикрлаш учун саволлар:

1. Тарбиянинг шахсни ҳар томонлама тараққий қилишидаги ролини қандай тушунасиз?
2. Нима учун фаолият одамни шахс сифатида таркиб топиши асоси ҳисобланади?
3. Тарбия жараёнини самарадорлигини оширувчи психологик омиллар нимадан иборат?
4. Тарбияга таъсир этувчи омилларни аниқланг?
5. Тарбияси қийин болалар билан ишлаш усуллари кўрсатиб беринг?
6. Ёшлар жамоаси ва унинг тарбиявий имкониятлари нимадан иборат?
7. Шахсни маънавий соҳаларини шакллантиришнинг психологик томонларини аниқланг?

8. Ватанпарварлик – умуминсоний қадриятларга бўлган содиқликнинг негизи дейилганда нимани тушунасиш?

Фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – “Ўзбекистон келажагининг пойдевори” – Т. 1997
2. Давлетшин М.Г. ва бошқалар “Ёш даврлари ва педагогик психологияси”. Т. 2004
3. Крутецкий В.А. «Педагогик психологиянинг асослари». «Ўқитувчи». Т. 1976
4. Ашуров Р. “Педагогика назарияси”. “Фан ва технология”. Тошкент. 2006
5. Шербаков А.И. таҳрири остида. “Ёш психологияси ва педагогик психологиядан практикум”. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1991. 189-205 бетлар.
6. Сухомлинский. “Тарбия ҳақида”. Тошкент – 1997.
7. “Ахлоқ одобга оид ҳадис наъмуналари”. Т. “Фан”. 1990
8. Комилов Н. “Тасаввур ва комил инсон ахлоқи”. Т. 1996
9. Иброҳимов А. ва бошқалар. “Ватан туйғуси”. Т. 1996

Ўқитувчи психологияси

Жамиятда ўқитувчининг тутган ўрни ва вазифалари.

Педагогик касб кишининг маданиятли, билимли, яхши хулқ, назокат соҳиби бўлишни, ёшларни севишни, инсон бахт саодати ва фаровонлик учун курашчи бўлишни тақозо этади. Инсоннинг зеби– зийнати унинг билим ва одобидир. Буларни шогирдларига сингдирган устозгина чинакам устоздир.

Алишер Навоий

Ҳозирги даврда олий таълимни қайта қуриш уни ишлаб чиқариш билан янада кўпроқ яқинлаштириш масаласи ҳал қилинаётган бир шароитда фан ва техникага асосланган, билимга, амалий малакаларга эга бўлган ва янги замонавий вазифаларни муваффақиятли ҳал қила боришга лаёқатли мутахассисларни тайёрлашга эҳтиёж янада ортимоқда.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси ўзининг таълим соҳасидаги сиёсатида олий ва ўрта махсус муассасаларда мутахассислар тайёрлаш мазмунини янада яхшилаш ёшларни сифатли билим олиши учун шароит яратишни долзарб вазифаларидан бири деб ҳисобламоқда. Ушбу вазифалар ўз навбатида ҳар томонлама ривожланган, ижтимоий фаолликка эга бўлган педагог – мутахассисларни тайёрлаш масъулиятини яна ҳам оширади.

Ўқитувчи – тарбиячиларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли ва обрўсини кўтариш, уларнинг касбий тайёргарлигини тубдан яхшилаш – ҳозирги куннинг асосий долзарб вазифаларидир.

Зеро олий ва ўрта мактабларни миллийлаштириш шароитида ўқитувчи шахси асосий таянчдир. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг фаолиятидаги ижодий маррани мустаҳкамлаш, унинг ижодий фаолиятини қўллаб – қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир.

Чунки ўқитувчи қўлида бизнинг болаларимизни келажак ҳаёт мазмуни, бахт – саодати туради. Бахтли келажак ҳам, комил инсонлик ҳам, бахтсизлик ва бадбахтлик ҳам ўқитувчиларимиз, тарбиячиларимиз, ота – оналаримиз қўлида.

Ҳа, ўқитувчи, устоз менинг назаримда бутун дунёни қўлида кўтариб турадиган улғ инсондир. Ўқитувчи дунёни титратиб турган алломаларни, президент ва академикларни, фан докторлари ва генийларни ҳам тарбиялайди. Бу касбнинг бошқа касблардан ҳам фарқи шунда. Чунки уни жамиятда тутган ўрни бекиёсдир.

Ўқитувчилик касби энг масъулиятли, энг олийжаноб ва энг фахрли ва энг машаққатли касблардан биридир. Давлат, халқ ва жамият келажакимиз бўлган ёшларни ўқитувчига ишониб топширади.

Мактабда, дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларга ҳар томонлама таъсир этишда ўқитувчининг тарбиявий кучидан қудратлироқ куч йўқдир. Ўқитувчи мактабда ҳар доим ўқувчилар билан бирга бўлади. У болаларга ўзининг фикрлари, сўз ва иборалари, шахсий намунаси, кишиларга бўлган муносабати, ақл – идроки, иродаси билан таъсир этади. У ўқувчи шахсини шакллантиради, маънавий, ҳаётий, илмий эътиқодларни, қизиқиш ва идеалларини таркиб топтиради. Умуман олганда ўқитувчи қўлида ёш авлоднинг тақдири ётади.

Шунинг учун ҳам, педагогик фаолият ҳамма фаолиятлар ичида ўзининг чуқур инсоний мазмуни билан ажралиб туради. Чунки ўқитувчи ўзининг масъулиятини юракдан ҳис қила билиши, билим, малакаларини ўқувчиларга виждонан беришга интилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Педагогик фаолиятнинг мазмуни ўқитувчи фаолиятининг мотивлари билан белгиланади. Агар бу мотивлар таълим – тарбия жараёнида узоқни кўзлаган, маълум ижобий мақсадларга қаратилган бўлса – бу олийжаноб идеалларнинг пайдо бўлишига, ўқувчини қалбига чуқурроқ киришига, изланишига, янги билимлар тизимини болаларимизга сингдиришга, уларда ўқишга, меҳнатга нисбатан ижобий, онгли муносабатларни тарбиялашга олиб келади.

Педагогик фаолият мотивларининг мазмуни таълим – тарбия ишини муваффақиятини белгиловчи омилдир. Бу муваффақият фақат ўқитувчи томонидан амалга оширилиши мумкин.

Маълумки, таълим – тарбия жараёнини такомиллаштириш ва уни қайта куриш ўқитувчи шахси олдига катта вазифалар ва талаблар қўяди. Булар қуйидагилардан иборат:

- 1) ўқитувчи ўзининг соғлом дунёқараши, аниқ инсоний йўналиши, ғоявий – сиёсий эътиқодининг юксак даражада эканлиги, ўз вазифасини виждонан бажариши;
- 2) ўқувчиларга, педагогик меҳнатга меҳр қўйиши;
- 3) тарбиявий ишларнинг сифатига аҳамият бериш ва ўқувчиларни ҳаётга эътиқодли қилиб тарбиялаш;
- 4) ўқувчилар, ота – оналар ва турли миллатлар орасида ижобий ва самимий муносабатларни ўрнатиш;
- 5) таълим жараёнини такомиллаштириш, унда ўқувчиларни билиш ва фикр юритиш жараёнини фаоллаштириш, мустақил фаол ва ижодий тафаккурни шакллантириш;
- 6) таълим жараёнида ўқувчиларни махсус ва умумий қобилиятларини шакллантириш;
- 7) ёшларни меҳнатга нисбатан онгли муносабатини шакллантириш малакасига эга бўлиш;
- 8) таълимнинг мазмунини такомиллаштириш ва интенсивлаштиришда уни янги – янги, самарали усуллари топиш ва ундан фойдаланиш;
- 9) таълим – тарбиянинг эффектив йўллари топа билиш, ўқувчиларнинг психологик ҳолатларини тушуниш ва унга қараб индивидуал муносабатда бўлиш;
- 10) ўқувчиларни ҳозирги замон талабига биноан тарбиялаш, ўз миллатининг урф – одатлари, ахлоқлари руҳида шакллантириш каби қатор вазифалар туради. Бу вазифа ва талаблар қандай мураккаб иш бўлишига қарамай, ўқитувчи буларни уйдасидан чиқмоғи лозим.

Миллий мактаб ўқитувчисининг ижтимоий сифатлари

Аввало, ҳар бир ўқитувчининг маънавий – сиёсий қарашлари, унга қўйилган талаблар умуман ўқитувчига хос хусусиятлар деярли бир хилдир. Аммо ҳар бир халқнинг ўзини миллий урф – одатлари, тарбия усуллари, маънавий сифатлари мавжуд. Шунинг учун ҳам миллий мактаб ўқитувчиси ҳақида фикр юритилади.

Миллий мактаб ўқитувчисининг асосий сифатлари, уни миллий урф – одатларга, миллий бойликларга ва миллий тарбиявий таъсир усулларига содиқлиги билан белгиланади. Шунингдек, унинг Ватанга муҳаббат, мустақиллик ишига садоқат, жамоа ҳаётига муносабат, инсонпарварлик, ростгўйлик, ўз – ўзини тута билиш, қардошларча бирдамлик, ноҳақликка нисбатан муросасизлик, дўстлик ва ўртоқлик каби сифатлар ҳам ўқитувчига хос хусусиятдир.

Ўқитувчи шахси хусусиятларининг муҳим томони унинг маънавий – сиёсий эътиқоди ва дунёқарашидир.

Ўқитувчи илғор педагогик билимларга эга бўлиши, дунёқараши кенг ва бой бўлиши, бутун фаолиятда ахлоқ тамойилларига амал қилиши лозим. Ўқитувчининг бутун педагогик фаолияти, хатти – ҳаракати ана шу эътиқоди, ахлоқ тамойиллари асосида содир бўлади. Ўқитувчининг дунёқараши унинг педагогик – психологик билимларни амалиётга тадбиқ этишига мустаҳкам асос бўлади.

Ҳар бир ўқитувчи ўзига топширилган иш учун жамият ва халқ олдида жавобгар эканлигини яхши билади. Бу ишончни оқлаш учун ўз устида тинмай ишлайди. У ўз ишида эришган муваффақиятлари билан қифояланиб қолмайди, ўз малакасини ошириб боради, янгиликни ҳис қилиб, ҳар доим олға интилади, миллий мактаб ўқитувчиларининг юқори ижтимоий онглилиги уларни ўқувчилар орасида обрўли қилади. Бу обрў ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятлари ва ўзлаштиришларининг яхшиланишини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан биридир.

Ўқитувчининг энг муҳим маънавий фазилатларидан бири – бу уни адолатли бўлишидир. Адолатли бўлиш бола ишончини қозонишнинг негизидир. Шахсиятдан, шахсий манфаатлар, эҳтирослар ва интилишлардан ташқари қандайдир мавҳум адолатнинг бўлиши мумкин эмас. Адолатли бўлиш учун ҳар бир боланинг маънавий дунёсини энг нозик жойларигача билиши керак. Агар у бераҳим вазиятда ўсса, адолатсизлик қайғусини бошидан кечирса унда яхшилик ва гўзалликка нисбатан бепарво бўлиб қолади.

Ўқитувчининг маънавий фазилатидан яна бири – бу унинг талабчанлигидир. Ўқитувчи ўзига нисбатан ва ўқувчиларга нисбатан қанча талабчан бўлса ўша ерда интизом, ахлоқий поклик, чуқур билим бўлиши мумкин.

Аммо фанга қўйилган талабни тарбияга қўйиб бўлмайди. Чунки фан шундай воситаки, бу восита ёрдамида фаннинг идеали кишида равнақ топади.

Ўқитувчи билим бериш орқали шахсни тарбиялаши лозим, бунинг учун у ўқувчиларга нисбатан талабчанг бўлиши лозим. Лекин талабчанглик албатта самимиат билан боғлиқ бўлиши керак. Агар ўқитувчи болага нисбатан талабчанг бўлса-ю, лекин боланинг ички дунёсини, ўзига хос хусусиятини билмаса уни қалбига йўл ҳам топа олмайди.

Ўқитувчи боланинг юзига, кўзига қараб уни ҳозир кечираётган психологик ҳолатини англаши, лозим. Агар бола ғамгин кўринса унга эҳтиёткорлик билан муомала қилиши зарур. Эҳтиётсизлик билан муомала қилдингми уни кўнглини оғритасан. У эса ўқувчини билимларини ўзлаштиришига таъсир қилади.

Боланинг қалбида ўзига хос тор бор, у ўз мақомида янграйди. Шундай экан, мана шу торни ўқитувчи ўзига мослаштириши лозим. Уни мослаштириши ўқитувчини ўқувчиларга самимий муносабати орқали пайдо бўлади.

Миллий мактаб ўқитувчисининг ижтимоий сифатлари қуйидагиларда ўз аксини топади.

1. Ўқитувчининг шахсий хислатлари:
ўз касбини севиши у ҳақда билимларга эга бўлиши, уни ўқувчилар онгига етказа билиши, камтарлиги, талабчанлиги, самимийлик, билимга эътиқод, дунёқараш, ақл – фаросатлилиги, болаларни севиши.
2. Ўз касбига хос хусусиятлари:
ўз масъулиятини, виждоний бурчини ҳис қилиши, ўзига танқидий кўз билан қараши, ўз диққати ва ўқувчилар диққатини ташкил қила билиш, кузатувчанлиги, ўзини бошқара олиши, таълим жараёнидаги қийинчиликларга бардош бериши.
3. Касбига хос билими:
Ўз фанини яхши билиши, унга керак бўлган фанларни ўзлаштириши, ҳозирги замон таълимидаги янгиликларни фанга тадбиқ қила олиши, ўқувчилар, ота – оналар ва бошқа касбдошлари билан олиб бориладиган тарбиявий иш мазмунини, педагогик технологиянинг дарсда қўллай билиши.

4. Ўқитувчининг мавзулар мазмунини бойитиш, ўқувчиларнинг билиш жараёнларини фаоллаштириш, улар фаолиятини уюштириш, ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб турли маросимларни уюштиришдаги уддабуронлик сифати.

Шунингдек, ўқитувчининг ташкилотчилик, ўқувчилар билан ўзаро муносабатларга киришувчанлик каби сифатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган сифатлардир.

Ўқув ва билиш фаолиятини ташкил қилиш, жамоа, ота – оналар ва мактабга ёрдам берувчи ташкилотлар ишини ташкил қилиш ташкилотчилик фаолияти билан боғлиқ бўлса, коммуникатив фаолият – ўқитувчининг ўқувчилар, ота – оналар, мактаб маъмурияти билан боғлиқ ўзаро эмоционал муносабатларини ўз ичига олади.

Педагогик қобилиятлар ва қизиқишлар

Таълим – тарбия ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчининг педагогик қобилиятига ва қизиқишига боғлиқдир.

Педагогик қобилият ўқитувчи шахсига хос бўлиб, бир қанча сифатларни – унинг ақл – заковати, иродаси, ҳиссиётлари, характериға хос ва бошқа хусусиятлардан таркиб топади. Бу хусусиятлар туфайли қобилиятли ўқитувчи муваффақиятли ишлайди ва оз меҳнат сарфлаб, катта натижага эришади.

Таълим – тарбия ишига бўлган қобилият туғма қобилият эмас, одам табиатдан шу қобилият куртакларини олади. Қобилият шахснинг фаолиятга ижобий муносабатида ривожланади. Педагогик фаолиятини эндиgina бошлаган ёш ўқитувчи ҳам яхши натижаларга эриша олмаслиги мумкин. Бунинг сабаби унда педагогик қобилиятининг йўқлиги эмас, балки педагогик кўникмаси ва малакасининг етарли бўлмаслигидир. Агар ўқитувчи ҳавас билан ақл юритиб астойдил ишласа бундай кўникма ва малака албатта пайдо бўлади.

Ўқитувчи ўқувчининг ички дунёсини тушуниши, яхши психолог бўлиши, ўқувчини қизиқтира олиши, ўқув материалларини тушунтира билиши, ўқувчининг билимларини тўғри баҳолай олиши, болаларга тарбиявий таъсир кўрсатиши, ўқувчилар жамоасининг меҳнатини ташкил этиб, уларга раҳбарлик қила билиши, педагогларга хос одобга эга бўлиши, ҳар бир ўқувчи

билан алоҳида – алоҳида муомалада бўла олиши керак. Шундагина у қобилиятли ўқитувчи ҳисобланади.

Ал Фаробий (873 – 950) ўқитувчи ҳақида гапириб, “Ўқитувчи ақл – фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ ифодалай олишни билмоғи зарур. Ўқитувчи фақат ўз фани билангина шуғулланиб қолмай, балки ўз билимларини ўз ўқувчиларига ҳам бериши, бундай машоққатли меҳнатдан чарчашни билмаслиги лозим” деган эди.

Шунингдек ўқитувчи ўзининг баъзи бир хусусиятлари билан ажралиб туриши керак. Бу хусусият унинг нутқини педагогик тусга киритади. Янги мавзунини бажаришни, топшириқнинг бажарилишини текширганда, умуман танбех берганда ёки бирор ишни маъқуллаганда нутқи ўзининг фаоллиги, самимийлиги билан гапириладиган нарсага ишонч билан ажралиб туриши керак. Шундагина ўқитувчининг нутқи ўқувчиларга таъсир этувчи кучга эга бўлади деб ўқитувчи қобилиятига хос хусусиятларни таърифлаб беради.

Буюк мутафаккир Ибн Сино (980 – 1037) ҳам ўқитувчи ва унинг қобилиятига катта эътибор билан қараган. У болани ўқитиш ва тарбиялашда ўқитувчи ва тарбиячи танлаш муҳим масала деб ҳисоблайди. Ростгўй, доно, билимдон болаларни ўқитадиган ўқитувчи олдида бир қанча талаблар қўяди. Унинг фикрича:

1. Ўқитувчи болалар билан муомалада босиқ бўлиши керак.
2. Муаллим ўқувчилар таълимни қандай ўзлаштираётганини кузатиб бориш зарур.
3. Ўзлаштириш жараёнида муаллим ҳар хил усулни қўллаши даркор.
4. Ўқувчининг хотираси ва бошқа ақлий қобилиятини билиши лозим.
5. Ўтилганларни такрорлашга мажбур қилиш орқали уларни фанга қизиқтириш керак.
6. Ўз фикрини ўқувчига баён қилганда олдин ундан масаланинг моҳиятини ўзи тушуниб олиш, кейин уни қисқа, аниқ, адабий тилда тушунтириш керак. Бунда кўп гапиришдан қочиш лозим.
7. Ҳар бир фикр ҳақиқат билан тасдиқланиши, болаларда ҳиссиёт уйғотадиган бўлиши зарур деб ўқитади.

Ибн Сино ўқитувчи олдига қўйган бу талаблар уларда юқорида таърифланганлар асосида қобилиятга эга бўлиши лозимлигини ифодалайди. Бу қобилиятлар ўқитувчининг педагогик қобилияти ҳамдир. Педагогик қобилият ўзи нима? Педагогик қобилият - бу ўқитувчи шахсининг ақлий, эмоционал, иродавий хислатлари, педагогик фаолиятга қизиқиш, интилиш, изланиш, фаолиятни уддасидан чиқа билиш хусусиятидир.

Педагогик қобилият ва унинг тузилиши ҳақида кўпгина Россиялик психологлар Ф.Н.Гоноболин, Н.В.Кузмина, Н.Д.Левитов, И. В. Страхов. М.Г.Давлетшин кабилар иш олиб бордилар. Улар педагогик қобилиятлар кўп қиррали эканлигини, унинг учун бир ёки бир неча сифатлар етарли эмаслиги ҳақида илмий текширишлар олиб бориб, педагогик қобилиятининг тузилишини кўрсатиб бердилар.

Педагогик қобилият қуйидагилардан тузилган.

1. Дидактик қобилият – ўқитувчининг ўқувчиларга янги билимларни, информацияларни тушунарли қилиб баён қилиш.
2. Академик қобилият – ўқитувчининг ўзи ўқитадиган фанига оид ва унга бевосита керак бўлган, фойдали маълумотларни берадиган фанларни билишга бўлган қобилият.
3. Перцептив қобилиятнинг – ўқитувчининг ўқувчиларга хос хусусиятларини, уларнинг қизиқишлари ва имкониятларини билган ҳолда уларни қалбига, ички дунёсига кира билиш, таъсир кўрсата билиш қобилияти.
4. Нутқ қобилияти – ўқитувчининг ўқув материални аниқ ва тушунарли, тизимли баён қила билиш қобилиятидир. Нутқ ёрдамида мимика ва пантомимика воситасида ўз хис туйғуларини тушунтира билиш қобилиятидир.
5. Ташкилотчилик қобилияти – бу ўқувчиларнинг қизиқишлари, идеаллари, йўналишлари, дунёқарашларини ҳисобга олиб таълим - тарбия ишларини ташкил қилиш, ўқувчиларни жипслаштириш, жамоани уюштира олиш, ўз шахсий ишини ташкил қила билишдир.
6. Авторитар қобилият – ўқувчиларга бевосита эмоционал иродавий таъсир кўрсатиш, улар орасида, педагогик жамоа ўртасида обрў қозона олиш қобилиятидир. Ўзининг талабчанлиги, самимийлиги, одиллиги билан жамоа орасида ажралиб туришдаги фазилатдир.

7. Коммуникатив қобилият – бу ўқитувчининг ўқувчилар билан тўғри муносабат ўрната олиши, ўқувчиларга тўғри ёндошиш йўлини топа билиши, ўзаро самимий муносабатлар ўрната олиш, улар билан бирга ҳамнафас бўлиш қобилиятидир.
8. Педагогик ҳаёл ҳам педагогик қобилият таркибига киради. Ўқитувчи ўзи таълим - тарбия бераётган ўқувчисини қандай ҳарактерли хусусиятга эгаллигига қараб, уни келгусида ким ва қандай инсон бўлишини била оладиган, унда қандай фазилатлар бор, лекин улар келгусида қандай фазилатларни шаклланиши имконини олдиндан айтиб бера олишдаги қобилиятдир.
9. Диққатни ташкил қила билиш қобилияти. Бунда ўқитувчи аввало ўз диққатини ва ўқувчилар диққатини ташкил қила олиш, диққатни тақсимлай олиш, таълимда бирорта ҳам жараёни диққат эътибордан тушуриб қолдирмаслик ва уларни диққат ҳажмига сиғдира олиши, тақсимлаш, шунингдек, ўқувчилар қандай диққат (ихтиёрсиз, ихтиёрий, беқарор, барқарор ва ҳ.з.) билан дарсда ўтирган бўлса ўша диққат хусусиятидан фойдаланиб иш кўриш қобилиятидир. Россиялик психолог И.В.Страхов бу қобилиятни диққатни тақсимлаш қобилияти деб кўрсатади. Аммо таълимда фақат диққатнинг тақсимланиши эмас,

балки унинг ҳамма хусусиятлари ҳам иштирок этади.

Шунингдек, ўқитувчи учун ўқувчиларни севиш ҳам қобилиятдир. Чунки болани севган ўқитувчигина яхши ўқитувчи бўла олади. Болани севмаган ўқитувчидан чинакам ўқитувчи чиқмайди. Бундайлар педагогик касбни тарк этганлари маъқул.

Агар ўқитувчи юқорида келтирилган қобилиятларга эга бўлса таълим жараёни муваффақиятли, мақсадга мувофиқ ташкил этилади.

Қуйида биз педагогик қобилиятнинг баъзи муҳим томонларига тўхталиб ўтамыз.

Ўқитувчининг диққати ва кузатувчанлик қобилияти.

Таълим - тарбия иши ўқитувчидан диққат ва кузатувчанликни талаб қилади. Ўқитувчи чинакам педагогларга хос сезгирлик, кузатувчанлик қобилиятига эга бўлиши керак. Бу хусусият бола кўнглида содир бўлаётган нарсаларни ҳам пайқаб олишга ёрдам беради. Сезгир ва кузатувчан ўқитувчи ўқувчининг кўриниши ва

ҳаракатидан унинг рост ёки ёлғон гапираётганлигини, кўнглидан нималар ўтаётганлигини, нималар қилмоқчи эканлигини тез пайқаб олади.

Ҳар қандай кузатиш яхшилаб диққат қилиш асосида содир бўлади. Ўқитувчи ўқув материалларини тушунтираётганда, доскага ёзаётганда ёки ўқувчини чиқариб доскага ёздирётганда, кўрсатма куроллардан фойдаланаётганда, ўқувчиларнинг қандай идрок қилиб, топшириқларни қандай бажараётганини ҳамisha диққат – эътибор билан кузатиб боради.

Ўқитувчи дарс бераётганда ҳамма ўқувчиларни кўриб туриши ва айрим ўқувчилар диққатининг бошқа нарсаларга чалғиб кетишининг олдини олиши, масалан, ўқувчига жиддий бир қараб қўйиши, имо – ишора, пауза, интонацияни ўзгартириши лозим. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчи диққатини барқарор бўлишини ва тез кўчириш хусусиятига эга бўлишни талаб қилади. Ўз диққатини тақсимлашни билмаган ўқитувчи дарсда жуда қийналади. У диққатини бир нарсага, чунончи доска олдидаги ўқувчи билан банд бўладида, бошқа ўқувчиларнинг нима қилаётганлигини кўрмайди, синфда интизом издан чиқади.

Ўқувчиларнинг ёзма ишларини эътибор билан текшириш ўқитувчидан диққатнинг ниҳоятда кучли ва барқарор бўлишини тақозо этади.

Тажрибали ўқитувчилар бир ўқувчидан сўраганда, бошқасини доскага чиқаради, учинчисига қарайди, тўртинчисининг ёнига боради, бешинчисига индивидуал топшириқ беради ва ҳоказо.

Буларнинг барчаси ортиқча огоҳлантиришсиз бажарилади ва қолган ўқувчилар ҳам диққат кўлампидан четда қолдирилмайди. Бу, биринчидан, таълим – тарбия вазифаларининг муваффақиятли бажарилишини таъминласа, иккинчидан, ўқувчилар диққатининг ўқув фаолиятига ҳар доим фаол йўналтириб борилиши натижасида уларда ихтиёрий барқарор диққат тарбияланиб боради. Демак, таълим – тарбиядаги муваффақият ўқитувчи диққати ва кузатувчанлигининг юқори сифатга эга бўлишига ҳам боғлиқдир.

Ўқитувчи нутқининг хусусиятлари.

Ўқувчилар билимларини энг биринчи навбатда ўқитувчининг жонли нутқи орқали олади. Шунинг учун ўқувчиларнинг фанларни пухта ўзлаштириши даражаси ўқитувчи нутқининг сифатига ҳам боғлиқдир. Ўқитувчининг нутқи лексика, фонетика, талаффуз, гапларни тўғри тузиш, сўзларда урғуларни ўз жойига қўйиб гапириш ва ҳоказолар жиҳатидан тўғри бўлиши керак. Нутқда фикрлар изчил, мантиқли, асосли ва ишончли бўлиши лозим. Ўқитувчи ўз нутқида шевачиликларга йўл қўймаслиги керак. Таълим – тарбия ишида нутқнинг таъсир кучи ниҳоятда каттадир. Ўқитувчининг нутқи ўқувчиларнинг ўзларини тута билишларига, хулқ – атвори ва фикр юритишларига ҳам таъсир этувчи кучли воситадир. Ўқитувчининг нутқида унинг ҳисси, интилишлари, ирода ва эътиқодлари акс этади. У нутқ ёрдами билан ўқувчиларда хурсандлик, руҳланиш, муҳаббат, садоқат, ғазабланиш, нафратланиш ҳисларини туғдиради.

Нутқнинг таъсир кўрсатувчи функциясида интонация катта роль ўйнайди. Интонацияда нозик ва мураккаб ҳислар ва характер хусусиятлари, норозилик, истак, талаб ҳислари ва шу кабилар намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқувчиларнинг дарс материалларини пухтароқ ўзлаштириб олишга даъват этмоқчи, маълум бир ҳаракатга йўлламоқчи бўлганда, ўз нутқида талаффузга, интонацияга алоҳида эътибор беради.

Ўқувчининг ўз фикрини маълум системага солиб баён қилиши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бундай нутқда навбатдаги фикр ўзидан олдинги фикрдан келиб чиқиши, яъни янги фикр ўқувчиларга маълум бўлган фикрларга асосланиб баён қилиниши, нотаниш сўзлар дарҳол тушунтирилиб берилиши керак. Моҳир ўқитувчининг нутқи ўзининг енгил услуби, ёрқинлиги, ширалилиги билан фарқ қилади. Бундай нутқда қизиқарли фактлар, янгиликлар, ўрнида келтирилган мисоллар кўп бўлади. Ўқитувчи ўзининг талабларини, шунингдек, ўзининг танқидий фикрларини ўқувчиларнинг жонига тегадиган, қайсарлигини кўзғатадиган узун, зериктирарли панд –насиҳатга айлантирмай, қисқа ифодаб бериши керак.

Янги билимларни ўзлаштиришда ўқитувчи нутқининг суръати тез бўлса, ўқувчилар ўзлаштирилиши лозим бўлган ўқув материалларини бир – бирига боғлаб онгли равишда идрок қилишга – тушуниб, паузалар чўзилиб кетса, фикрлар ўртада узилиб, бир –

бирига боғланмай қолади. Бундай нутқ ўқувчиларнинг зериктириб, диққатларини сусайтиради. Ўқитувчи нутқининг бир хил овозда, монотонли бўлиши ўқувчиларни тез зериктириб қўяди. Ҳаддан ташқари баланд овозда гапириш ўқувчиларни асабийлаштиради, идрок сифатини пасайтиради.

Ўқитувчининг ўз нутқида грамматика талаб қилмаган сўзларни ишлатиши, (жумладан, “шундай қилиб”, “демак”, “яъни”, “масалан”, “айтайлик”, “хўш” каби “паразит” деб аталувчи сўзлар), ҳатто уларни ҳар гапда такрорлайвериши ўқувчиларга айниқса ёмон таъсир қилади. Шунингдек ўқитувчининг нутқи жуда ҳам узун, жуда ҳам қисқа бўлмаслиги лозим. Узундан – узун нутқ ўқувчиларни толиқтиради, ўқувчи бундай нутқдан асосий фикрларни ажратиб ололмайди. Жуда қисқа, зарур бўлган тўлдирувчи, аниқловчи сўз ва гаплари бўлмаган нутқда фикр етарли тўлиқ бўлмайди. Бундай қисқа нутқни ўқувчилар яхши тушуна олмайдди.

Ўқитувчи тафаккурининг хусусиятлари.

Ўқитувчининг тафаккури асосан ўқув материалларини мустақил режалаштириш ва тизимли баён этишда намоён бўлади. Ўқув материални системали равишда баён қилиш уни аниқроқ, онглироқ идрок қилишни ва яхшироқ эсда қолдиришини таъминлайди.

Ўқитувчи ўқув материални китоб тилида, дарсликда бор бўлганларгагина асосланиб баён этмай, ҳар доим ижодий иш қўриши лозим. Унинг фикри қатъий, изчил, аниқ далилларга асосланган бўлиши шарт.

Ўқитувчи ўз фикрларини педагогик технология ва анъанавий ёки ноанъанавий усуллардан фойдаланиб тушунтириши керак. Шу билан бирга, ўқитувчи ўқувчиларни фактлардан мустақил равишда хулосалар чиқаришга ва умумий берилган қонун – қоида ва тушунчаларга асосланиб, айрим факт, хулосаларни тушуна олишга ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи мавҳум тушунчаларни конкрет (аниқ) тушунчалар билан боғлай олиши керак, яъни ўқитувчи болаларга бирор қоидани айтгач, унга дарров ҳаётий мисоллар ҳам келтириши зарур. Дарс вақтида ўқувчилар томонидан кутилмаган саволлар берилиб қолган ҳолда, ўқитувчи усталик билан ўйлаб жавоб бериши ёки бу саволга кейинроқ ишонарли далиллар билан жавоб беражagini айтиб, ваъдасини устидан чиқиши маъқулдир.

Ўқитувчи тафаккурининг мазмунлилиги, тезлиги, кенглиги каби сифатлари болаларга ўз билимларини аниқ, мазмунли, тушунарли қилиб сўзлаб беришда ҳам намоён бўлади.

Ўқитувчининг иродавий сифатлари.

Педагогик фаолият таълим - тарбия мақсадларига мувофиқ йўналтирилган ҳамда кўпгина қийинчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир.

Шунинг учун ҳам бу фаолият кишидан катта иродавий куч талаб қилади. Бу қийинчиликлар дарсга тайёрланиш, кўргазма куроллари тайёрлаш, болаларга билим бериш ва уларни ишонтириш, синфда интизом учун курашиш ва ҳоказолардир. Бу қийинчиликларни бартараф қилиш учун ғайрат, чидам, сабр – тоқат, умуман кучли ирода керакдир.

Ўқитувчининг асосий мақсади ҳамма ўқувчиларнинг муваффақиятли ўқишига эришишдир. Мана шу асосий вазифани бажариш йўлида ўқитувчи қатор қийинчиликларни енгади. Бундай қийинчиликлардан бири, масалан, дарсда интизом масаласидир. Дарс вақтида яхши интизом бўлишининг асосий шартларидан бири ўқитувчининг талабчанлигидир. Ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадига қанчалик интилса, болаларга шунчалик кўп таъсир кўрсатади. Дарсда интизом ёмонлашса, унинг сабабларидан бири ўқитувчининг дангасалиги, синфдаги тарбияга бепарво қарашидир.

Ўқитувчининг иродавий сифатига саботлилик хосдир. Бу бошлаган ишни муваффақият билан охирига етказа олишда намоён бўлади. Бу ирода сифати ўқитувчининг матонатига, қийин ҳолатда ўзини тута билишда ҳам кўринади. Педагогнинг талабчанлиги унинг ўқувчиларга бўлган меҳрибонлиги ва хушмуомалалигида ўз аксини топади. Агар булар бўлмаса, ўринсиз талабларни қўяверса ўқитувчи ўқувчилари олдида куруқ, меҳрсиз, қаттиқ қўл, шафқатсиз киши бўлиб қолади.

Ўқувчиларга талаб қўйилганда, уларнинг шароити, индивидуал хусусияти ҳисобга олиниши керак. Иродали, талабчан ўқитувчи ҳақиқатчи, сезгир, ғамхўр бўлади.

Ўқитувчининг касбий сифатлари

Ўқитувчи деган шарафли касб эгаси - ўзининг илмий, маънавий эътиқоди, одоби, виждоний бурчи ва уни англаш каби асосий сифатларга эга бўлиши лозим.

Болаларни севиш, уларга меҳр – муҳаббат кўрсатиш, ўз фуқаролик бурчини ва ўз – ўзини англаш, кишилар билан ўзаро муносабатга кириша билиш, уларни қалбига йўл топа олиш, киришимлилиқ, дилкашлиқ, ҳар қандай ҳаётий ва педагогик муаммоларни ҳал қила билиш, адолатли баҳолаш каби сифатлар ўқитувчи учун жуда муҳимдир.

Ўқитувчи одоби, маданияти юксак бўлсагина, у одамларга меҳрибон, саховатли бўла олади, уни ҳамма ҳурмат қилади. Шунинг учун ҳам бўлғуси ўқитувчиларда бу сифатларни тарбиялашга эътибор кучли бўлиши лозим.

Педагогик таъсир этишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан педагогик одобини эгаллашга боғлиқдир. Педагогик одоби - ўқитувчининг ўқувчилар билан тўғри муносабатда, яхши муомалада бўлиши, уларга ғамхўрлик қилиши, уларнинг олдига оқилона талаблар қўйиши, ўқувчиларда инсон қадр – қимматини ҳурматлаши демакдир.

Педагогик одоби тарбияланувчиларга педагогик таъсир кўрсатишдаги меъёр ҳиссидир.

К.Д. Ушинский педагогик одоби ҳақида шундай дейди: “Мактабда ҳазилга йўл қўювчи жиддийлик ҳукм суриши лозим, аммо ҳамма иш ҳазилга, эрмакка, сертакаллуфликка, адолат тирноқ остидан кир излашга, яхшилиқ мулоҳимликка, тартиб бачканаликка айланиб кетмаслиги керак”.

К.Д. Ушинский ушбу сўзлари билан педагогик одобининг “меъёри” ни белгилайди.

А.С. Макаренко тарбиячи одобига алоҳида эътибор беради. У узундан – узоқ насихатгўйликни педагогик одобсизликнинг бир кўриниши, деб ҳисобларди. Демак, Макаренконинг педагогик одоби, унинг тарбияланувчиларга ғамхўрона, аммо ортиқча панд – насихатсиз кучли таъсир кўрсатишида кўринади. Ўз ҳиссиётларининг жўш уриб кетишига йўл қўймаслик, баъзан эса, одам ўзида пайдо бўлган ҳиссиётларни ўзининг ташқи кўриниши билан ҳам, овозининг оҳанги билан ҳам сездирмаслик ўқитувчи одобининг муҳим ҳислатидир.

Педагоглик одобини эгаллаган ўқитувчи ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, ўзларига хос хусусиятларини алоҳида ҳисобга олиб, уларни тўғри тушунадилар ва тўғри баҳолай оладилар.

Ўқитувчи ўқувчида бирор камчиликни аниқласа, унга тўғри ёндаша билиши, унга ўз вақтида ёрдам бериши керак. Ҳеч қачон ўқувчини ҳақоратлаш, жазо билан уни кўрқитиш ярамайди, ўқувчининг шахсига тегиш, инсоний қийматини тушириш ўқитувчига ёт бўлиши керак. Болаларга ишонч, эътибор ва ҳурмат уларга яхши таъсир кўрсатади. Ҳамма ёшдаги болаларга, айниқса ўсмирларга самимий, адолатли бўлган, уларни ҳурмат қиладиган ўқитувчилар ўқувчиларга кучли таъсир кўрсатади.

Педагогик одоб, педагоглик фаолиятнинг барча турларида намоён бўлиб, ўқувчиларда характернинг ижобий сифатларни тарбиялашга ёрдам беради. Ўқувчилар ростгўйлик, уюшқоқлик, камтарлик, ўртоқлик, сезгирлик каби хислатларни аввало мактабда, ўқитувчилардан ўрганадилар.

Ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг **илтимос, маслаҳат, ишонтириш, талаб қилиш, буйруқ ва танбех бериш, жазолаш, рағбатлантириш** каби кўп усуллари бор. Аммо булардан меъёр билан фойдаланилмаса, яхши натижага эришиш мумкин эмас. Шундай қилиб, ўзининг психологик мазмуни жиҳатидан педагогик одоб ўқитувчи шахсининг мураккаб, олижаноб сифати ҳисобланади.

Ўқитувчининг одоби, маданияти юксак бўлсагина, одамларга нисбатан меҳрибон, саҳоватли бўла олади, уни ҳамма ҳурмат қилади. Бунинг учун очиқ кўнгил, қатъий бўлиши, ўзини тута билиши, бардошли бўлиши керак.

Ўқитувчи одоби умуминсоний ахлоқ категориялари, қоидаларини таълим - тарбия жараёнига хос хусусиятлари билан уйғунлаштириб, педагогнинг ўқувчилар, ота – оналар жамоаси, жамоатчилик вакиллари билан муносабатида ифодаланадиган касбий – ахлоқий хусусиятдир.

Ўқитувчи педагогик этика (ахлоқ)нинг қоидаларини ўзлаштириб олиши, тажрибада қўллаши, ўзининг дунёқараши ва ахлоқий тажрибаси билан таққослаши лозим. Фикрлаш, ҳис этиш ва турмушда синаб кўриш натижасида педагогик ахлоқнинг қоидалари ўқитувчининг ўз эътиқодига, интилишига, ўз ахлоқий сифатига айланади. Педагогик ахлоқда гуманизм, адолатлилик, виждонлилик, ҳалоллик, яхшилик қилиш кабилар ўқитувчилик

фаолияти билан боғлиқ равишда таҳлил қилинади. Педагогик ахлоқда яхшилик тушунчаси ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ ҳолда аниқлаштирилади.

Ўқувчи шахсини баҳолаш ўқитувчининг одоби ва педагогик тактига боғлиқ. Педагогик такт (лот. *tastus* - сезиш, одоб) атрофдаги кишилар билан муомала ва муносабатда бўлишда меъёр хиссига риоя қилишдан иборат ахлоқ нормасидир.

У шахсининг ақлий ҳамда ахлоқий камолот даражасини кўрсатувчи меъзон ҳисобланади. Демак, ўқитувчи ўқувчи билан ўзаро муносабатларга киришувда ва уни баҳолашда ахлоқ меъёридан четга чиқмаслиги талаб қилинади.

Ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатлар.

Таълим жараёнининг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги муносабатларга боғлиқдир. Энг яхши ўқитувчи ўзи тарбиялаётган ўқувчиларнинг ички дунёсини, фикр ва туйғуларини, ҳозир кечираётган психологик ҳолатини дарров сезиб олади. Ўқувчиларни ҳозир кечираётган туйғу - ҳисларига қараб, унинг юрагига йўл топа олади. Бундай ўқитувчи болаларни севади. Ўз ўрнида ўқувчилар ҳам жуда зийрак бўладилар. Улар ўқитувчининг ўз ишига жону – дилдан берилган – берилмаганини унинг ўқув фаолиятига бўлган муносабатиданок билиб оладилар.

Ўқувчилар билан ўқитувчилар орасидаги муносабатда уларнинг ўз ишига, фаолиятига виждонан киришиши ва ўз масъулиятини ҳис қилиши яққол кўзга ташланади. Агар ўқитувчи ўз фаолиятига ижобий муносабатда бўлса у ўқувчиларда меҳр – муҳаббат ҳиссини пайдо қилади. Ўқитувчининг ўқитишга бўлган ижобий муносабати ўқувчиларнинг билимларни яхшироқ ўзлаштириши учун имконият туғдиради.

Ўқитувчи ўқувчига таъсир кўрсатувчи энг самарали усулларни топа олиши, тарбиявий таъсир усулларини қўллашда педагогик нуқтаи-назаридан энг яхши чорага риоя қила билиши, аниқ педагогик вазифани ўқувчи шахсининг хусусият ва имкониятларини, муайян педагогик вазиятни ҳисобга олиб иш кўриши мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар билан бўлган муносабатда ва исталган педагогик таъсирни қўллашда меъёрни билиш, арзимаган иш учун кескин, кўпол ва ўқувчини хафа қиладиган даражада танбеҳ бериш, ўқувчиларда норозилик, хафагарчилик пайдо қилиш ҳам ҳақиқий педагогнинг иши эмас.

Ўқувчилар ўқитувчининг бўшанглигини, лақмалигини, принципалисизлигини, иродасизлигини ёқтирмайдилар. Ўқувчилар кўполлик билан мажбур қилмасдан, кўрқитмасдан, шунингдек, кераксиз расмиятчиликсиз талаб қила оладиган шу билан ўз мақсадига эриша оладиган ўқитувчиларни жуда ҳурмат қиладилар.

Ўқитувчининг адолатлилиги ўқувчилар билан бўлган муносабатда алоҳида ўрин эгаллайди. Адолатли муносабат ўқувчиларни ўқитувчига яқинлаштиради. Унинг обрўсини оширади ва бундай ўқитувчига нисбатан ўқувчиларда ҳурмат ҳисси уйғонади. Адолатсизлик кўпинча ва ҳамма вақт ёмон оқибатларга олиб келади ва бундай сифат умуман ўқитувчига ёт бўлмоғи керак.

Демак, ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги ўзаро самимий муносабат, бир-бирини тушунган ҳолда иш кўриш, ўқувчининг психологик хусусиятларини эътиборга олиб уни баҳолаш, педагогик баҳога нисбатан одиллик, бола шахсиятини ҳақоратламай иш кўриш педагогик одоб ва муносабатларнинг асосини ташкил қиладди. Ўқитувчи ўзаро муносабатларни бошқариш учун, аввало, мана шу муносабатнинг сабаби ва ҳарактерини билиши шарт. Шунинг учун ҳозирги кунда кўпчилик психологлар ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муносабатларнинг характери масаласини ўрганиб, унда ўқувчи ҳақида хулоса чиқаришга шошилмаслик, уни турли фаолиятлар жараёнида кузатиш, дангаса ва интизомсиз ўқувчиларнинг ички дунёсини тушуниб, уларни қизиқиш ва идеалларини, психологик йўналишини, дунёқараш ва эътиқодларини билиб унга таъсир кўрсатиш ва унда самимийликка – бу орқали жиддий ва талабчанликка эътибор берган ҳолда муомала қилиш мақсадга мувофиқлигини таъкидламоқдалар.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан бўладиган муомала услуби шундай бўлиши лозим, яъни, у керак ва керак бўлмаган ишга аралашмаслик, мактаб ҳаётидаги ишлар, турли хил ҳолатларга нисбатан сабр, чидам билан муносабатда бўлиш, болаларни ишларига иложи борича аралашмаслик, у ёки бу тадбирларни ташкил қилишда ташаббус кўрсатавермасликдан иборатдир. Ташаббус, аввало болалардан чиқсин.

Ўқитувчи янгиликка интилиши лозим. Бунинг учун у ҳамма вақт ҳамманинг (катта лавозимдагими ёки пастроқ лавозимдагими) гапига лақиллаб ишониб кетавермаслиги лозим. У ҳар бир ишни “етти ўлчаб бир кес” мақомида иш кўриши аҳамиятлироқдир.

Ўқитувчи ўқувчилар билан муносабатда у ўзининг педагогик билим ва малакаларидан фойдаланадиган ва уни амалга, мактаб ҳаётига тадбиқ қила оладиган бўлмоғи лозим.

Яхши ўқитувчи ҳамма болаларни бирдай севади, айримларини жуда яхши кўриб, уни баҳосини ҳам оширмайди. У интизомсиз ўқувчиларни тартибга, улгурмайдиган ўқувчиларларни эса дарсдан кейин олиб қолиб улар билан шуғулланади. Агар суст ўзлаштирадиган ўқувчилар шахсига тегиб “Сени қобилиятинг йўқ”, “хотиранг ёмон”, “дангасасан” деб уларнинг бор имкониятларини ҳам кадрламаса, у ҳолда болани ўқишга қизиқиши йўқолади, билим даражаси пасаяди. Агар уларнинг эришган энг кичкина муваффақияти ҳам инобатга олиниб, уларни мактаб турилса, ёки бола таълим мазмунини “3” га билмаса ҳам, уни дарс тайёрлаганини ҳисобга олиб “бугун анча яхши тайёрланибсан, эртага бундан ҳам яхшироқ тайёрланасан, бугундан яхши жавоб берасан” – деб рағбатлантирилса болани ўқишга қизиқиши ортади ва у ўз устида ишлашга, ҳаракат қилишга ўрганади.

Ўқитувчи болаларга қандай муносабатда бўлмасин, у ўз обрўини сақлаши керак. У етарли даражада қатъий, адолатли ва талабчан бўлиши керак. Айрим ўқувчиларга нисбатан ўта талабчанлик, айбситиш ярамайди. Болаларга нисбатан бундай муносабат уларда кўрқоқликни туғдиради, бу эса боланинг ақлий фаолиятини пасайтиради ва фаоллик, ташаббускорлигини ҳам бўшаштиради, умидсизлантиради, буларнинг ҳаммаси ўқувчининг ўқитувчига салбий муносабатини туғдиради. Бу эса унинг фани ва умуман мактабга нисбатан ёмон муносабатни келтириб чиқаради.

Ўқувчиларга бефарқ қарайдиган ўқитувчини яхши ўқитувчи деб бўлмайди. Аммо ўқитувчининг болаларга бўлган муҳаббати уларнинг ўқувчиларга бўлган талабчанлиги билан табиий боғланган бўлиши керак.

Ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси манфаатларининг бирлиги ўзаро муносабатларда муҳимдир. Чунки муаллим ва ўқувчи мақсадининг бирлиги таълим ва тарбия самараси учун курашнинг бирлигидир. Яхшилик фазилати иккала томоннинг ҳам яхши ниятли, ҳайрихоҳ, меҳрибон бўлишини талаб қилади. Яхшилик қарор топиши учун ёмонликка мурасасиз бўлиш лозим. Яхши истак билан хушмуомалалик, яхши қилиқ, яхши хатти-ҳаракатнинг бирлиги зарур.

Ўқитувчининг малака ошириши.

Ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни миллий маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд этиш, соғлом маънавий муҳит яратиш, ёшлар дунёқарашида ижобий ахлоқий қарашларни қарор топтириш ўқитувчилар зиммасига тушади.

Ёшларни мустаҳкам билим асослари билан қуроллантириш, уларда чуқур фикрлаш қобилиятларини ўстириш, ҳар бир нарсага ижодий ва онгли ёндошиш кўникмаларини ҳосил қилиш, мустақил Ўзбекистонимиз учун комил инсонларни тарбиялаш ўқитувчиларни ўз билим ва малакаларини ошириб боришни талаб қилади.

Энг яхши, илғор ўқитувчи ўз фанини чуқур билиши ва унга боғлиқ бўлган фанлар тизимини ҳам яхши, чуқур ўзлаштиришдан ташқари таълим - тарбия ишига илмий - услубий жиҳатдан яхши тайёрланган бўлиши лозим.

Ўқитувчи – бу бирор фан асосларини эгаллаган кишигина бўлиб қолмай, балки бу билимларни самарали равишда ўқувчилар онгига етказа билиш керак. Бунинг учун улар ўз билимларини ҳозирги замон талаблари асосида такомиллаштира боришлари, ўз устида тинмай ишлашлари, фан тараққиётини жаҳон андозалари руҳида ўзлаштиришлари, фан ва техника ютуқларини таълим жараёнига тадбиқ этиб боришлари талаб этилади.

Мактабни ислоҳ қилиш шароитида ўқитувчининг ўз устида ишлаши, малакаларини шакллантириб бориши муҳим аҳамиятга эгадир. Психологик нуқтаи назардан ўқитувчи ўз устида ишлаши, малакасини ошириб бориши унинг фаолиятини мазмуни ва асосини ташкил қилади.

Чунки ўз устида ишлаш:

1- дан, янгиликлар излаш, илғор тажрибалардан фойдаланиш, фан ва техника ютуқларини таълим жараёнига тадбиқ этиш;

2- дан, ўқувчига янги билим асосларини бериш билан бирга, уларга шунга нисбатан қизиқишлар уйғотиш, аввал эгаллаган билимлар билан янги билимларни солиштириб, улар орасидаги муаммоларни аниқлаш ;

3- дан, янги муаммоларни ҳал қилиш, тажрибалар ўтказиш, янги хусусият ва қонуниятларни кашф қилиш;

4- дан, ўз касбига қизиқиш, эътиқодни шакллантириш;

5- дан, ўқувчилар билимини янада кенгайтириш ва уларда илмий эътиқодларни шакллантириш имконини беради.

Ўз малакасини ошириб бориш орқали ўқитувчи бу билимларни педагогик фаолиятга тадбиқ қилибгина қолмайди, балки уни касбга йўналтирган фаолиятини мазмун ва сифат жиҳатидан қайта куради, умумий – сиёсий билимларни такомиллаштиради, фан соҳасидаги янгиликларни билиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш, маданий ҳаётимиздаги янгиликлар билан танишади.

Ўқитувчи ўз билимларини такомиллаштириш, билим доирасини кенгайтириш учунгина ҳаракат қилмай, балки ўз услубий ихтисосини кундан - кунга ошириб боради. У ўзи ҳар бир дарсга мустақил тайёрланади, янгиликлар излайди, материални анъанавий ёки ноанъанавий усуллар ёрдамида баён этишга ўрганади, ўтган дарсда йўл қўйган хато ва камчиликларга йўл қўймасликка ҳаракат қилади, ўз тажрибаларини бошқа ўқитувчилар билан муҳокама қилади. Буларнинг ҳаммаси унинг тажрибасини такомиллаштира боради. У илғор ўқитувчиларнинг тажрибаларини таҳлил қилади, уларни умумлаштиради ва улардан тегишли хулосалар чиқариб, таълим учун энг қулай, энг самарали усулларни танлаб олади.

Ўқитувчининг малакасини ошириш турли йўллар билан амалга оширилмоғи мумкин.

1- дан, Республикамизда халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институтларида, вилоят халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институтларида, Тошкент халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институти ва Авлорий номидаги халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш Марказий институтида;

2- дан, ўз устида мустақил ишлаш, мустақил билим олиш жараёнида;

3-дан, илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, уларнинг дарсларини кузатиш, улар билан суҳбатлашиш, муаммоли вазиятларни биргалашиб ҳал қилиш жараёнида;

4- дан, Шарқ мутафаккирларининг таълим – тарбияга оид меросини ўрганиш ва улардан фойдаланиш;

5- дан, қардош республикаларда ва чет эллик олимларнинг педагогик фаолиятидаги янгилик ва тажрибаларни ўрганиш орқали малакалар оширилади.

Ўқитувчининг ўз устида ишлаши унинг изланишини аниқ мазмуни ва шакли:

- а) ўқитувчининг ёшига ;
- б) педагогик тажрибасига;
- в) яшаш ва ишлаш шароитига;
- г) ўқитаётган фанига ва уни қай даражада идрок қилинишига;
- д) қизиқишларига (барқарор ёки беқарорлиги)
- е) ўқувчиларнинг билим ва тайёргарлик даражасига боғлиқдир.

Илғор ўқитувчи бўлиш учун у тинмай ўз билимини, тажрибасини ошириб бориш, бу йўлда учрайдиган муаммоларни бартараф қила олиш, қийинчиликлардан қўрқмай мақсадга интилиш талаб қилинади.

Шуни айтиш керакки, “интилганга толе ёр” дейишганидек, ўз устида изланган, янги билим чўққиларини эгаллашга интилган ўқитувчигина – олийжаноб ва ҳурматли устоз бўла олади.

Мустақил фикрлаш учун саволлар:

1. Касблар орасида ўқитувчи касбининг тутган ўрни?
2. Миллий мактаб ўқитувчисининг маънавий хислатлари ва унга қўйилган талаблар?
3. Педагогик қобилият ва унинг шаклланиши омиллари?
4. Буюк алломалар ўқитувчи ҳақида?
5. Ўқитувчидаги энг муҳим хусусият?
6. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатларнинг психологик масалалари.
7. Ўқитувчининг ўз устида ишлаши ва малакасини ошириб бориши.

Фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили”. Т. 1995
2. Каримов И.А. “Баркамол авлод – Ўзбекистон келажагининг пойдевори”. Т. 1997
3. Давлетшин М.Г. ва бошқалар. “Ёш даврлари ва педагогик психология”. Тошкент. 2004.
4. Давлетшин М.Г. “Замоновий мактаб ўқитувчиси психологияси”. Т. 1998
5. Очилов М. “Ўқитувчи одоби”. Т. “Ўқитувчи”. 1996

6. Абдуллажонова М. “Ўқитувчилик касбини танлашни айрим психологик таъйинлари.”Ж. “Халқ таълими”. № 8-9. 1992
 7. Психология. “Қисқача изоҳли луғат”. Т. 1998
-